




АЛИШЕР НАВОИЙ

# ҒАЗАЛ ГУЛЗОРИДАН 100 ОТАШИН ГУЛ

(«ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР»ДАГИ 100 ҒАЗАЛНИНГ  
НАСРИЙ БАЁНИ)

МАЖБУРИЙ  
НУСХА

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2013



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)1 - 4.5. с.р.б.

Н-14

**Навоий, Алишер**

Ғазал гулзоридан 100 оташин гул: «Ғаройиб ус-сигар» даги 100 ғазалнинг насрий баёни / А.Навоий; маъсул муҳаррир В.Раҳмонов; насрий баён муаллифи А.Ҳожиаҳмедов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 204 б.

ISBN 978-9943-27-138-8

Қўлингиздаги китобчада мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» китобидаги «Ғаройиб ус-сигар» девонидан ўрин олган дастлабки 100 ғазалнинг насрий баёни ўрин олган. Гарчи бу хил ифода усули билан шоир қаламига мансуб бадий дурдоналарнинг ғоявий-бадий нафосатини акс эттириш имконияти бўлмаса ҳам, бу асар ғазаллар мазмунини чуқурроқ англаб олишингизга маълум даражада ёрдам беради, деб умид қиламиз.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)1

**Насрий баён муаллифи:**

**Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ,**

филология фанлари доктори, профессор

**Маъсул муҳаррир:**


**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**

филология фанлари номзоди, доцент

**Тақризчи:**

**Омонилло МАДАЕВ,**

ЎзМУ доцент, филология фанлари номзоди



ISBN 978-9943-27-138-8

© Алишер Навоий, «Ғазал гулзоридан 100 оташин гул». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## МУҚАДДИМА

Мутафаккир шоиримиз, сўз мамлакатининг султони бўлган Алишер Навоийнинг адабий мероси, илмий, тарихий-маърифий асарлари жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридандир. Барча туркий халқларнинг ифтихори бўлган бу улуғ Инсоннинг бебаҳо меросини билиш, ўзлимизни англаш ва жамиятимизга муносиб билим, тафаккур ҳамда юксак маданият соҳиблари бўлиб етишишда кенг фойдаланиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Ҳазрат Навоий яратган безавол обидаларнинг мазмун ва моҳиятини, ғоявий теранлиги ва бадиий нафосатини тушуниб етиш учун китобхондан идрок, меҳнат ва сабот талаб қилинади. Бу соҳада ўқувчилар оммасига қулайлик яратиш учун талай ишлар амалга оширилди. Навоий асарлари учун қатор луғатлар, «Хамса» дostonлари, баъзи илмий ва маърифий асарларининг насрий баёнлари яратилди. Улар шоир ижодининг салоҳияти, халқ оммасини тарбиялашдаги аҳамиятини чуқурроқ ўзлаштиришга хизмат қилмоқда.

Кўлингиздаги китоб Буюк Навоий лирик меросини ўрганишингизга ёрдам кўрсатиш мақсадини кўзлайди. Унда шоирнинг «Ҳазойин ул-маоний» китобидаги биринчи девон — «Ғаройиб ус-сиғар»даги дастлабки 100 ғазалнинг насрий баёни ўрин олган. Тажриба тарзидаги ушбу асар ғазаллардаги ҳар қайси байт мазмуни, уни ифодалашда қўлланган услублар, ранг-баранг шеърий санъатлар, хилма-хил вазнлар, қофиялардан, тилимизнинг бой имкониётларидан фойдаланиш маҳоратини англаб етишингизга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Китобда камчиликлар ҳам учраши табиий. Зеро, Навоийнинг санъаткорлик салоҳиятини насрий баён этиш муаммоли масаладир. Мақсадимиз эса луғатлар ўрнини босадиган ўзига хос қўлланма яратиш. Агар китоб ўқувчилар томонидан маъқул топилса, шоир ғазаллари насрий баёнини яна давом эттириш, оқибатда 2600 ғазалнинг шу хил ифодасига эришиш мумкин, деб ўйлаймиз. Бу вазифани бажаришда барча навоийшунос олимлар иштирок этадилар, деб умид қиламиз.

# ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

## ҒАЗАЛЛАР

### 1

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,  
«Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқти садо.

Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,  
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол,  
Жом ўлур гетинамо Жамшид, ани ичкан гадо.

Жому май ғар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,  
Ўз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,  
Жоми май тутсанг мени девонадин қил ибтидо.

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар  
Чехраи мақсуди маҳв ўлғай ҳамул дам моадо.

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин  
«Ишрабу, ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.

Жом қуёшидан ҳидоят нурлари таралмоқда.

«Ёр аксини майда кўр» деб жомдан садо чиқди.

Эй соқий, кўнгул жомида рақиб акси туфайли ғам занги пайдо бўлса, ваҳдат майидек бу ғамдан халос қилувчи нарса топилмайди.

У майни синган бир сафолга қуйиб ичилса, жом жаҳоннамога, уни ичган гадо эса Жамшидга айланиши аниқ.

Жом билан май шундай бўлса, у жом учун ҳар дамда юз жаҳонни бағишлаб, у май учун минг жонни фидо қилсанг арзийди.

Эй, май ташувчи бола, дайр ичида ҳуш аҳлини расво қилмоқ мақсадида май жоми тутсанг, уни мен девонадан бошлайқол.

Токи ўша майдан кўнгул жомида маҳбуба чеҳраси жилава топса, ўша ондаёқ Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса маҳв бўлгусидир.

Жом ичидаги май билан ваҳдат муяссар бўлади. Инсон жому май сўзларини бир сўз билан ифода этади.

Эй зоҳид, сен гумон қилганингдан ҳам ўзгачароқ жому май мавжуддир. Билмай туриб бу майхона аҳлини инкор этма, қоралама.

Эй Навоий, сен ташналаб бўлма, чунки ҳар дам азал соқийсидан «Ичинглар, эй ташналар!» деган хитоб келади.

Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз гавго.

Сени топмоқ бaсе мушкилдурур, топмаслиғ осонким,  
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.

Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,  
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.

Не ишга бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,  
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло?

Куёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳи сарғармоқ эрур андин  
Ки, сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ  
Юзингдин гар узори боғида гул очмади Узро.

Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин бас лаъл ўлуру Фарҳоднинг қон ёшидин хоро?

Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,  
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?

Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни  
Ки, мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.

Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг, яна бир ҳам  
Далил ушбуки, қониъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,  
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.

Хуснинг кўринишидан ҳар қайси инсон бошига бир ташвиш тушиб, улар билан икки олам бозорида юз гафго пайдо бўлган.

Сени топиш жуда қийин, лекин топмаслик осон, чунки пайдолигинг яширину, пинҳонлигинг пайдодир.

Чаман ўтхонасига оловранг гулдан шундай ўт солдингки, бу ўтдан шайдо булбул самандардек кулга ботди.

Лайли юзи кўзгусида аксини кўргизмаган бўлса, нега Мажнун кўзгу аксидек беором бўлди?!

Куёш гоҳ қизориб гоҳ сарғайди, бунинг сабаби шуки, қудратинг боғида унга ўхшаган юз минг раъно гули бордир.

Узро юзи боғида сенинг юзингдан гул очмаган бўлса, нега Вомиқ булбулга ўхшаб ишқ ўтидан юз гул очади?

Сўзларингни Ширин лабига яширмаган бўлсанг, нега Фарҳоднинг қон ёшларидан тошлар ёқутга айланади?

Жамолинг нуридан шамъ ўти гулистонга айланмаган бўлса, нега парвона Халилга ўхшаб ўзини ўтга солади?

Қадди сарвга ўхшаш гўзаллар қоматини гўзал қилиб яратдингки, бу чирой билан алифни зебо айладинг.

Танҳоликни қаноатнинг далили қилдинг, яна бир далил шуки, «қониъ» сўзи ҳарфларидан анқони яратдинг.

Тикан жаннат гули васфини қилишда соқов бўлгани каби, Навоий қайси тил билан сенинг мақтовингни айта оларди?!

Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо,  
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,  
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.

Машшотайи сунъунгдурур улким, нафас ичра  
Кун кўзгусин ақшом кулидин қилди мужалло.

Кун шакли юзинг саждасидин бўлди мушаккал,  
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбид  
Ким, меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Гўёки куяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,  
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.

Муҳтож сенинг дарғаҳинга хусраву дарвеш,  
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.

Гул юзида булбул сенинг асроринга нотиқ,  
Шамъ ўтида парвона сенинг ҳуснунга шайдо.

Ушшоқ аро, ё рабки, Навоийға мақоме  
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.



Юзинг саҳифаси тақдир хати билан ёзилгандир. Ҳуснинг дебочасида<sup>1</sup> абадийлик нуқтаси туғродир<sup>2</sup>.

Зарралар тўплами ичидаги ҳар бир зарра сенинг номингни такрорлайди, ёмғирларнинг ҳар бир қатраси маҳзингни айтади.

Ҳуснинг безакчиси бир нафасда кун кўзгусини оқшом кулидан тозалаб жило беради.

Кун шакли юзингга сажда қилиб шаклланди. Тун кокили қаҳринг шамолидан тиниқлашди.

Қудратинг тонгни ҳар нафасда қуёш ўтини оғзидан сочувчи найрангбозга айлантирди.

Оғзи у ўтнинг алангасидан куйган каби юлдуздан унинг атрофида қабарчиқлар пайдо бўлди.

Сенинг даргоҳингга подшо ҳам, дарвеш ҳам муҳтож, сенинг неъматларингга жоҳил ҳам, доно ҳам шукрона айтади.

Булбул гул юзида сенинг сирларингга нотик, парвона шамъ ўтида сенинг ҳуснингга шайдодир.

Ё Раб, ошиқлар ичидан Навоийга ҳам ўрин бергилки, тили сенинг мақтовингга гўё бўлсин.

---

<sup>1</sup> Дебоча – китобнинг олтин суви ва нақшлар билан безатилган биринчи саҳифалари ёки девонга ёзилган нафис муқаддима, бош сўз.

<sup>2</sup> Туғро – подшо фармонлари ёзилган қоғоз тепасига тушириладиган махсус безакли белги ёки мактублар тепасига ёзиладиган махсус сўз.

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,  
Андоқки, қурб тақову тоат билан санга.

Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,  
Етмак маҳол ақлу фаросат билан санга.

Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,  
Ҳамд айта олмас онча балоғат билан санга.

Изҳори ажз биздин адаб таркидур, басе  
Юз минг қусуру нуқсу касофат билан санга.

Ҳар тийра рўзгорки, васлингга йўл топиб  
Сендин, етиб чароғи ҳидоят билан санга.

Лутфунг рафиқим ўлмаса не ҳадки еткамен  
Бошдин аёғ гуноҳу залолат билан санга.

Лутф айлагилки мумкин эмас қилмасанг қабул,  
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай  
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.

Исёни кўп Навоийнинггу йўқ уётиким,  
Истар етишса мунча хижолат билан санга.

Ҳар қанча фасоҳат – ширин ва пурмазмун сўзлар билан ҳам сенинг ҳамдингни ифодалаш худди тақво ва тоат билан сенга яқинлашишдек мушкулдир.

Ҳар қанча фикру хаёл билан сени топмоқ иложсиз бўлганидек, ақлу фаросат билан сенга етишмак ҳам шунчалик қийиндир.

Энг сара коинот ҳам сенинг ҳузурингда ўзини ожиз билиб сенинг мақтовингни етук бир тарзда айта олмайди.

Юз минг камчилигу заифлигу гуноҳкорлик билан ўз ожизлигимизни сенга изҳор этишимиз адабсизлигимиз ифодасидир.

Ҳаёти қоронғу бўлган ҳар бир киши ҳидоят чироғи билан васлингга йўл топа олади.

Сенинг лутфи қадамнинг менинг дўсти рафиқим бўлмаса, бошдан оёқ гуноҳу гумроҳликларим билан сенга етишмоқ учун қандай ҳаддим бўлсин.

Ўзинг менга лутф кўрсатиб қабул қилмасанг, умрим охиригача тоат-ибодат қилсам ҳам сенга етиша олмаслигим мумкин.

Сендин ўзга паноҳим йўқ, шундай экан, гуноҳларимдан оҳу надомат қилиб, сенинг ҳузурингга қочиб боришдан ўзга не чорам бор?

Навоийнинг исёни кўпу уяти йўқ, шу ҳолда шунча хижолатлари билан ҳузурингга етишмоқни истайди-я!

Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро,  
Санга очуғ ниҳону ошкоро.

Сабур исми била қилсанг тажаллий,  
Қилиб Намрудға юз минг мудоро.

Қачонким зоҳир этсанг «танзиъ-ул-мулк»,  
Сикандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

Йўлунг муҳлик тоши ёқути аҳмар,  
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Суҳо бўлса шабистонингда толиъ,  
Бўлуб нури қуёшдек оламоро.

Навоий нафс зулмотиға қолмиш,  
Сен ўлмай Хизри раҳ чиқмоқ не ёро?!

Қиёматда гуноҳин авф этарга  
Расулингни шафиъ эт, кирдигоро.

\* \* \*

Ҳудойим, подшоҳим, яратувчим,  
Сенга яширин нарсалар ҳам, ошкор нарсалар ҳам аён-  
дир.

Сабур (сабри) исми билан намоён бўлсанг, Намрудда  
юз минг мулойимлик пайдо бўлади.

Қачонки «танзиъ – ул – мулк»<sup>1</sup> зоҳир қилсанг, Доро  
Искандарга мағлуб бўлади.

Йўлингнинг ҳалокатли тоши қизил ёқут, эшигингнинг  
қора тупроғи тоза мушқдир.

Тунингда Суҳо юдузи пайдо бўлса, нури қуёшдек олам-  
ни ёритади.

Навоий нафс зулматида қолди, эй ёр, сен йўлда Хизр  
бўлмасанг, ундан қандай қилиб чиқа олади?

Эй яратқучим, қиёматда гуноҳимни кечирिशга расулинг-  
ни ҳимоячи қилгил.

---

<sup>1</sup> «Танзиъ – ул – мулк» – «Оли имрон» сурасидаги «мулкни  
хоҳлаганича беради, мулкни истаганидан олади» оятита ишора.

Эй, нубувват хайлига хотам баний Одам аро,  
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Юз эшигинг туфроғиға сурта олғайменму деб,  
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлаким,  
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Не учун киймиш қора ҳарён солиб жайбиға чок,  
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро.

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,  
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро.

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошиға,  
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Қум эмас, Батҳодаким, меҳри жамолинг ҳажридин  
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила  
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Итларинг маҳсусу маҳзундур, Навоий, кошки  
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

Эй одам зоти ичида пайғамбарлар аҳлига муҳр бўлган зот, агар улар узук бўлса, сен ўша узукка ёзилган отсан.

Қуёш эшигинг туфроғига юзимни сурта олармиканман деб осмондаги қасридан ҳар куни олам томон келади.

Меърож кечасида сенинг юзинг юлдузлар ичида шабнам пайтида ҳар томонга дурри шабчироғ тутган каби.

Қаъба сендан айрилганига мотам тутмаётган бўлса, нега қора кийиб, кийими кўкрагини ҳар томондан йиртади?

Ҳар куни туш чоғида Замзам булоғи ичида қуёш акси эмас, гўё у тоза кўнглида юзинг меҳрини асрагандек.

Қоронғи осмонда кечалари ой ранзанг бошида фаришталар қўлидаги машъал бўлиб турибди.

Батҳодаги<sup>4</sup> қум эмас, жамолинг қуёшидан айрилгани учун унинг зарра-зарра жисми бир-бир тўкилиб тушган.

Ясрибда<sup>1</sup> йўл эмас, қадамнинг бу хуррам водийга етмагани учун у юзини тирноғлари билан йиртган.

Итларинг махсусу Навоий маҳзундир. Бу маҳрум ҳам ўша маҳрамлар гуруҳи ичига кирса кошки эди.

---

<sup>4</sup> Батҳо – Макка атрофидаги бир дара номи.

<sup>1</sup> Ясриб – Мадина яқинидаги шаҳар.

Зихи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,  
 Буроқингға тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.

Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб андин  
 Малак раъноларининг жабҳасиға чарх сандалсо.

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,  
 Бўлуб руҳонилар жайби лаболаб анбари соро.

Фалак қолиб буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,  
 Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб  
 Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.

Фалак водийлари қатъиға азминг чун суруб маркаб,  
 Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон олдида худхуд,  
 Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,  
 Тилаб саргашта ушшоқиға ҳам раҳмат уйин маъво.

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,  
 Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фиҳо.



\*\*\*

Қандай яхшики, жавлонгаҳинг фалак устидаги «ав адно» майдони бўлиб, Буроқингга бу тўққиз яшил гунбаз тўққиз гунбаз бўлиб хизмат қилади.

Буроқинг тақасидан тер гулоби фаришталар пешонасига сандал ҳид таратди.

Сунбул сочларинг сари дам-бадам эсаётган раҳмат насими руҳ соҳиблари ёқаларига энг сара анбар ҳидларини етказди.

Фалак Буроқингга ета олмаганидан ранжида, қамар жамолингдан ёришиб, мадҳингга шайдо. Қуёшдан ой, ойдан эса қопқора ер юзи ёруғликка эришганидек, юзингдан юлдузлар, юлдузлардан қуёш нур касб этади.

Азминг фалак водийларини босиб ўтиш учун от сурганда, ақл хабарчиси илк қадамлардаёқ беҳол бўлиб қолади.

Улфатинг Сулаймон олдидаги худхуд каби қушлар бўлиб, Буроқинг сайёр юлдузлар подшосидан ҳам қудратлироқдир.

Бу сайр асносида маъшуқ висоли кўчасида тўхтаб ўтиб, саргардон ошиқларига ҳам раҳмат уйининг бошпана бўлишини тилади.

Навоий бу оламини сенинг исминг зикри туфайли яхши кўради, бўлмаса унинг учун дунё ва ундаги бор нарсалар дўзахдаги ўт мисолидир.

17 2013/143 А 11398	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
------------------------	--

Ҳар гадоким, бўрөйи фақр эрур кисват анга,  
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.

Ким фано туфроғиға ётиб қўяр тош узра бош,  
Тахт уза эрмас музаҳҳаб муттако ҳожат анга.

Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар;  
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга?

Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур,  
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.

Фақр кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,  
Мулк кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анга.

Шаҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволиға етмас футур,  
Бу вале чеккач нафас, барбод ўлур ҳашмат анга.

Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,  
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.

Шаҳға сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур,  
Меҳрдекким, субҳ анфоси очар талъат анга.

Шоҳға шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом,  
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Мумкин эрмас шаҳлар ичра буйла ниятлиғ, магар  
Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор  
Шоҳлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.

То шаҳу дарвеш бўлғай айлагил, ё Раб, аён,  
Шоҳдин хидмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.

Гар Навоий сўз узатти фақрдин эрмас деманг,  
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анга?!

\* \* \*

Фақирлик бўзини кийим қилган ҳар бир гадога салтанатнинг кимхобидан кийим кийишнинг ҳожати йўқ.

Кимки йўқлик тупроғида ётиб тош устига бошини қўйган экан, унга тахт устидаги зарҳал суянчиқнинг зарурияти бўлмайди.

Подшоҳ юриб олам очса, дарвеш оламдан қочади, ўзинг инсоф билан айтгин, улар ўртасида қандай нисбат бўлиши мумкин?

Нимаки шоҳнинг мақсади бўлса, ўша нарсани дарвеш рад қилади, мунинг ҳиммати-ю, унинг қандай ҳолатда эканини тамошо қил.

Фақир қашшоқлик кўчасининг тупроғини подшоҳнинг давлатига алишмайди. Қийматда тупроққа тенг бўлмаган давлатни қара-я!

Шоҳ аскар тортиб чиқса, фақир аҳволига зиён етмайди. Лекин бу нафас урса, (подшоҳнинг) ҳашамати ер билан яксон бўлади.

Шоҳ бирор лаҳза бўлсин дўзах ваҳмидан хотиржам эмас, дарвешни кўрки, жаннатни ҳам рад қилади.

Тонг нафаси қуёш гўзаллигини очганидек, содиқ одамлар нафаси билан шоҳнинг давлати машъали ёриydi.

Шоҳга шоҳлик топширилган, лекин у чўзилиб кетса, у подшоҳликни тарк этиб, дарвешлик қилишни истаб қолади.

Шоҳлар ичида бундай ният қилганлар топилмайди, Шоҳи Фозийга эса ана шундай давлат муяссар бўлди.

У, шоҳларнинг дарвешини-ю, дарвешлар шоҳидирки, шоҳлик унинг ташқи кўринишигина бўлса, дарвешлик хислати, хулқ-атворидир.

Шоҳ дарвеш бўлган экан, ё Раб, унга шоҳнинг хизмати-ю, дарвеш ҳимматини насиб айлагил.

Навоийнинг бу сўзлари фақирлигидан эмас, деманг, шоҳдан ҳукм бўлмаса, у бу журъатни қайдан оларди?!

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,  
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.

Ўқларингдин дамбадам таскин топар кўнглум ўти,  
Бордурур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.

Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида,  
Оҳи новак, тоза доғидур қизил қалқон анга.

Новакининг парру пайконида рангин тус эрур  
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти юқмиш қон анга.

Номаи шавқум не навъ ул ойға етқай, чунки мен  
Эл отин ўқур ҳасадин ёзмадим унвон анга.

Хизри хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи,  
Лаббалаб чунким берур су чашмаи ҳайвон анга.

Эй хушо, муғ кўйиким, рифъат била зийнатда бор  
Меҳр анга бир шамсаву кўк тоқидур айвон анга.

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин  
Бағри қотмиш ғунчанинг, баским эрур хандон анга.

Қилмамиш жонин фидо жонингга етмас, дер эмиш,  
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.

Мен зору саргардон бўлган париваш ишқи туфайли олам менга ҳайрону, мен эса унга ҳайронман.

Кўнглим ўти сен отган ўқлардан ҳар замон таскин топади: зеро, ҳар пайкон унга гўёки бир қатра сув бўлиб туюлади.

Кўнгиш шундай бир паҳлавонки, қалбида ғам лашкари, оҳ ўқининг янги доғи эса унга бир қизил қалқондир.

Ёр ўқининг парию темир учлиги қизғиш рангда, балки кўнглимни тешиб ўтар экан, унга қон юққандир.

Шавқим номаси қандай қилиб у ойга етар экан, чунки мен одамлар номини ўқиб билишига ҳасад қилганимдан, унинг устига кимга аталганини ёзмаган эдим.

Хаттинг Хизри ям-яшил, яшнаган экан, ажабланурли жойи йўқ, чунки у ҳаёт булоғидан тўйиб-тўйиб сув ичади.

Майхонанинг юксаклиги ва безатилиши қандай яхши! Қуёш унга шамса (уй шифтида қуёш шаклида ишлатиладиган тўгарак безак) бўлса, осмон бир айвон кабидир.

Очилган ғунчага ёмғир тегиб бағрини қотирибди, шунинг учун булбул гулдан вафо истар эмиш.

Жонини фидо қилмаган кимса жононига етиша олмайди, дейдилар,

Шундай экан, эй Навоий, унга юзта жоним фидо бўлсин.

Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиф қондин анга,  
Пай масаллик чирмағаймен риштайи жондин анга.

Бодайи лаълинг мизожи руҳпарвардур баса,  
Гўйиё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.

Ўқи кўнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,  
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳе су урду пайкондин анга.

Дарду ғам бўстонининг товусидур кўнглум қуши,  
Гул бўлуб жисмимда кескан наъл ҳар ёндин анга.

Не кабутар ета олур ул қуёшқа, не насим,  
Эй кўнгул, ҳолингни эълон айла афғондин анга.

Кўзга то кирмиш хаёлинг совуғ оҳим ваҳмидин,  
Боғламиш мен қўрё ҳар сори мужгондин анга.

Эй Навоий, йиғламоқ оҳимға таскин бермади,  
Ваҳ, бу не ўтаурки, йўқ таъсир тўфондин анга.

Сен отган ўқ менинг кўнглимда синиб қолгудек бўлса, унга иссиқ қонимдан суриб, жоним иплари билан пайдек қилиб боғлайман.

Лаъддек лабинг майи руҳ бағишловчидир, балки унга тириклик сувидан қўшгандирсан.

Ёр ўқи кўнглим алангасини гоҳ секинлаштиради, гоҳ тезлаштиради, гоҳида ўтин бўлиб, гоҳида темир учлигидан сув сепади.

Кўнглим қуши дарду ғам бўстонининг товусидир, жисмимдан кесган наъллар унга ҳар томондан гул бўлиб турибди.

Ул қуёшга (гўзалга) на каптар ета олади, на тонг шамоли. Эй кўнглим, аҳволингни доду фарёдинг билан у гўзалга билдиргин.

Хаёлим совуқ оҳимда (музлаб қолишдан) кўрқиб кўзим ичига кириб олди (уни совуқдан асраш учун) киприкларим билан ҳар томондан ўраб қўйдим.

Эй Навоий, йиғлашим оҳу фарёдимни тиндирмади, оҳ бу қандай ўт эканки, ҳатто тўфон ҳам унга таъсир қилол-маса?

Ваҳки, ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга,  
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.

Келган эрмиш ул Масих ўлганларин тиргузгали,  
Мен тирик, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.

Жузв-жузвумни, фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр  
Бир-биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

Кўнглум ўтидин йиғоч кулдур, башоқ бир қатра су,  
Ногаҳ ул шўхи жафокеш отса бир новак манга.

Олтун эзилиб-эриб куйган сойи холис бўлур,  
Не ажаб сарғарса юз, еткан сойи эмгак манга.

Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,  
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга.

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,  
Айлагил май шишасидин синдуруб айнак манга.

Сарсари ҳижрон, вужудим хирманин андоқ совур  
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга?

Эй Навоий, гар манга кўпрак эмас уммиди васл,  
Бас нағу ушшоқидин жаври эрур кўпрак манга?



Эй воҳки, ишқингни зоҳир этсам, ўлим ваҳимаси бошимга тушди. Уни яширсам ҳам, шубҳасиз, жон хавфи остида қоламан.

Ул Масиҳ ўлган одамларини тирилтириш учун келган эмиш. Эсиз, мен тирикману, лекин бундай умрдан мен учун ўлим афзалроқдир.

Фигонки, ҳижрон ханжари танимни бўлак-бўлак қилиб бир-биридан ажратиб ташлади, лекин ўзи мендан ажралмайдиган аъзо бўлиб қолди.

Ул шўх жафочи ногаҳон менга бир ўқ отса, кўнглимга тушган ўтдан дарахт кулга айланади, бошоқ эса бир қатра сув бўлиб қолади.

Олтин эзилиб, эриб куйган сари тозаланиб боради, шунга ўхшаб менга ҳам азоб-уқубат етган сари юзим сарғайса ажаб эмас.

У қоши ё гўзални кўрган замонимоқ, ўқини отса кўйлагим тўсиқ бўлмасин деб, ёқамни йирта бошлайман.

Эй майхоначи, бодадан айрилганим учун кўзларим сарғайиб кетди, май шишасини синдириб менга кўзойнак қилиб бергин.

Эй ҳижроннинг совуқ шамоли, вужудим хирманини шундай совургинки, йўқлик йўлидаги саргардонликда ҳеч ким менга ҳамқадам бўлолмасин.

Эй Навоий, ёр васлига умидим кўпроқ бўлмаса, нега ошиқларга кўра менга кўп жавр қилади?

Гарчи ҳажрингдин эрур юз гаму озор манга,  
 Ғам эмас васлингга уммид агар бор манга.

Бир бузуғ узра жунун қушлари қўнған кибидур,  
 Тошким, ёғдурур ул шўхи ситамкор манга.

Зоҳид учмоғни этар васфу мен ул ой кўйин,  
 Гулшани хулд анга, ул гули рухсор манга.

Телба андоғки пари жилвасидин олдарағай,  
 Ўт солур ҳар тараф ул турфа намудор манга.

Баски қонимни яларлар, адади кўп ярадин,  
 Итларин қилди мулойим тани афгор манга.

Кўнглум истар яна мақсуд жамоли аксин,  
 Соқие, тут қадаҳи ойинакирдор манга.

Субҳа торини йиғ, эй шайхки, бир лаҳза бурун  
 Тақтилар муғбачалар риштайи зуннор манга.

Солғил, эй ишқ, вужудимға фано ўтиниким,  
 Ёпти мақсуд юзин пардаи пиндор манга?

Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,  
 Ҳар замон қилса жафо ул бути айёр манга?

Ғаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,  
 Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?

Агар ҳажрингдан юз гаму озор чексам ҳам, висолингга умидим бўлса, гамим бўлмагай.

У шўхи ситамкорнинг менинг устимга ёғдирган жафо тошлари бир вайрона устига девоналик қушлари қўнган кабидир.

Зоҳид жаннатни мақтайди, мен эса у ой кўчасини васф қиламан, жаннат унга-ю, у юзи гул менга бўлсин.

Девона пари жилвасини кўрганда довираб қолганидек, у гўзалнинг кўриниши менга ҳар тарафдан ўт солади.

Ёр итлари қонимни ялар эканлар, сон-саноқсиз яралар туфайли менинг ярали таним у итларни мулойим қилди.

Кўнглим яна тилаганим жамоли акс этишини истайди, эй соқий, менга ойнадек тиниқ қадаҳ тут!

Эй шайх, тасбиҳинг ипларини йигиб ол, чунки бир лаҳза бурунроқ май ташувчи болалар менга зуннор чилвири-ни бойлаб қўйдилар.

Эй ишқ, менинг вужудимга йўқлик ўтини солгил, чунки мағрурлик пардаси мақсадим йўлини тўсиб қўйди.

Замона аҳли зотида вафо йўқ экан, у айёр санам ҳар замон менга жафо қилса, ажабланарли эмас.

Мақсадим бир неча кун ёр билан майдир, бўлмаса, эй Навоий, бу йўқлик майхонасида менга нима бор?!

Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга,  
Уйладурким, жондин айру юз яролиғ тан манга.

Меҳр ила маҳ партавидин кўзни равшан қилмадим,  
Бўлғали меҳри рухунг моҳияти равшан манга.

Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин кўнгул,  
Жон қуши чиқмоққа бир йўл англа ҳар равзан манга.

Мен ўлармен ғамдину, йиғлаб куюб бошимда шамъ  
Дудидин чирмаб қора ҳар тун тутар шеван манга.

Раҳм этиб ҳолимға душман дўст бўлмоқ, ваҳ не суд,  
Дўст чун раҳм айламай бўлмиштурур душман манга.

Ғам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,  
Субҳдек не тонгки, бўлғай чок пироҳан манга.

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,  
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлуптур фан манга.

У ёқимлилик хазинасидан айрилиқ туфайли вайрона масканим менинг учун жонидан айрилган, юзта яраси бўлган танга ўхшайди.

Рухинг қуёши моҳияти менга равшан бўлиши учун қуёш ва ой нури билан кўзимни равшан қилолмадим.

У қотилнинг ёйи ўқидан кўнгул илма-тешик бўлиб кетди, ҳар бир тешикни жон қуши чиқиб кетишига бир йўл, деб англагин.

Мен ғамдан ўляпману, шамъ бошим устида йиғлаб куйиб, тутундан қора чирмаб, ҳар тун мен учун нола қияпти.

Ҳолимга раҳми келаётган душманнинг менга дўст бўлишдан не фойда, чунки дўстим раҳм қилмай менга душман бўляпти.

Субҳ ғам туни зулматида ҳолимга хурсанд бўлмади, шу туфайли субҳдек кўйлақларимни пора қилсам, не ажаб!

Эй Навоий, ишқ қийин деб уни қандай тарк этай, чунки бу иш элга ҳунар бўлса, менга илму санъатдир.

Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга,  
Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга.

Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар  
Ким, насиб ул лаълаб ҳижронидин қондур манга.

Чиқти ақлу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,  
Чиқмаин бир лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга захм,  
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Уйла расвоменки, кўю кўчада ҳолим кўруб,  
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.

Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиғ киби,  
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Ҳур мужгонин агар суртай, деса, қилман қабул  
Ким, аёғда орзу хори муғилондур манга.

Май ичиб тоатни фавт этмангки, ул ўт тобидин,  
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга.

Эй Навоий, халқ дер: жон беру ё кеч ишқидин,  
Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга.

Бир ойдан ажралганим туфайли шаҳар менинг учун бир ғурбатхона – қайғу, алам уйдир. Бир гули раъно ғами туфайли боғ мен учун мисоли бир зиндондир.

Эй дўстлар, сиз ишрат базмида май лаззатини тота-веринг. У ёқут лаб гўзал ҳажридан менинг насибам қондир.

Таним мамлакатидан ақлу фаҳм билан сабру кўнгил чиқиб кетдилар. Фақат жоним чиқишни истамай, менга захмат етказяпти.

Ёрнинг ўқи танамда экан, бошқа бир ўқ танимга тегмас. Ўқ деб нола қилганим энди мен учун қалқон бўлиб қолди.

Шундайин шармандаманки, кўча-кўйда ҳолим кўрган баъзи эл алам чекса, баъзи одамлар менинг устимдан куладилар.

Ёрдан айрилганим учун жигарим сувга тўлди, ўша сувдаги бир балиқ каби дарду алам ўқидан бир неча ўқ жисимга қадалгандир.

Жаннат ҳури киприкларини менга сурмоқчи бўлса, розилик бермайман, чунки чўл ўсимлиги – муғилон тиканининг оёқларимга қадалиши менинг орзумдир.

Май ичиб тоат-ибодатни қўлдан бермангки, у ўт алангасидан умидсизлик доғигина менга баҳра беради.

Эй Навоий, одамлар ёрингга жонингни бер ё унинг ишқидан кеч дейишади. Буниси қийин-у лекин униси менинг учун осондир.

Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга?  
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга?!

Ҳақ тонуқтурким, тирикликдин менга сенсен мурод,  
Йўқса оламнинг йўқу бори баробардур манга.

Эй кўнгул, гаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб,  
Гар насиб эмди ўшул покиза гавҳардур манга.

Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,  
Кўзию оғзи бугун бодому шаккардур манга.

Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам  
Ҳамдам ул ой чехралиг хуршидпайкардур манга.

Сарвни ўртаб, суманни елга бер, эй боғбон,  
Ким, бугун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга.

Қўрқарам ҳирмон саҳобин ёпмағай фаҳм этса чарх  
Ким, шабистон меҳр шамъидин мунаввардур манга.

Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,  
Ё магарким жумлаи олам мусаххардур манга.



Наҳотки сенинг васлинг менга муяссар бўлган бўлса?  
Йўлдан адашган бахтим қачон бу афсонага ишонсин?

Оллоҳ гувоҳдирки, менинг тириклигимдан мурод сенсан. Бўлмаса менга оламнинг йўқлигию борлиги баробардир.

Эй кўнгил, васл денгизининг ғаввоси бўлибман, шундай экан, ўша тоза гавҳар менга насиб бўлса, не ажаб?!

Нима учун висол базмида бода ичмайин? У гўзалнинг кўзи-ю, оғзи бугун мен учун бодому шаккар-ку!

Эй фалак, ой билан қуёшингни йиғиштириб ол, зеро бу чор ул ой чехрали қуёшмисол маҳбуба менга ҳамдамдир.

Эй боғбон, сарвни ёқиб, суманни елга совур, негаки у сарви суманбар маъшуқам бугун менинг ҳамсуҳбатимдир.

Фалак сезиб қолса, умидсизлик булутлари билан бахтимни тўсиб қўймасин деб кўрқаман. Чунки қоронғу тун менга меҳр шамъидан мунаввардир.

Эй Навоий, ёр васлини толганимга ҳеч ишонгим келмайди, наҳотки жумлаи олам менинг истагимга бўйсунган бўлса?

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,  
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга!

Ҳар неча дедимки: кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим, вафо қилғил, манга зулм айладинг,  
Сен қачон дединг фидо бўлғил манго, бўлдум санга.

Қай пари пайкарга, дерсен, телба бўлдунг бу сифат?  
Эй парийпайкар, не қилсанг қил, санго, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим аввора бўл,  
Юз бало етмасми, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Ҳуснингни бир кўриш учун сенга зору мубтало бўлдим,  
Қандай балолик кун эдики, сен билан ошно бўлдим.  
Сендан кўнгил узаман деб неча кун ҳаракат қилдим,  
Воҳки, кун сайин сенга баттарроқ мубтало бўлдим.  
Мен қачон «Вафо қилгин», – десам, зулм қилдинг,  
Сен қачон «Фидо бўлгин» десанг, фидо бўлдим.

«Қайси парига ўхшаш гўзалга бу даражада девона  
бўлдинг», – дейсан,

Эй пари пайкар, нима қилсанг – қил, сенга девона  
бўлганман.

Эй кўнгил, насиҳатга қулоқ солмадим, энди сен ҳам  
овора бўласан,

Юз бало етмасмиди, мен ҳам сенга бир бало бўлдим.

Жамшид жоми билан Хизр суви менга насиб қилди.

Эй соқий, мол-дунёни тарк қилиб, сенга гадо бўлдим.

То Навоийдек сенга асири бенаво бўлмагунча,

Ошиқлар ичида ғам-алам чангидан ором топмадим.

Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга,  
Лутфунг ўлса, юз менингдекдин фароғатдур санга.

Эй мени саргаштадин гаҳ фориғу гоҳи малул,  
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ё Рабким, не одатдур санга?

Лутфунг ози жон олур, қаҳринг кўпи ҳам ўлтурур,  
Булжажаб ҳоледурур, оё не ҳолатдур санга?

Панд эшитмай севдинг они, эй кўнгул, чек дарду ранж,  
Оздурур ҳар лаҳза гар юз мунча офатдур санга.

Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй гулки, даврон боғида  
Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароватдур санга.

Эй қуёш, меҳр аҳлини куйдурма бу водийдаким,  
Гармравлар оҳидин мунча ҳароратдур санга.

Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,  
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақоратдур санга.

Эй гўзал, қаҳринг келганида, менинг барча ишим сенга малол келади, яхшилиқ қилганигда менга ўхшаган юзлаб одамларнинг иши сенга роҳат бағишлайди.

Эй гўзал, сен мендек девона туфайли гоҳ хурсанду гоҳида хафасан. Қаҳринг ундай, яхшилигинг бундай бўлса, Оллоҳ ҳақи, қайси бири сенинг одатинг?

Яхшилигинг ози жон олади, қаҳрингнинг кўпи ҳам ўлдиради. Ажиб бир аҳвол – буни қандай тушунса бўлади?

Эй кўнгил, насиҳатга қулоқ солмай, у гўзални севдинг, энди дарду алам чекканинг чеккан. Ҳар лаҳза юзта офат бошингга келса ҳам сенга озлик қилади!

Эй гул, оҳим ўтидан қўрққин, зеро сенинг бу қадар гўзаллигингу яхшилигинг менинг кўз ёшларим туфайлидир.

Эй қуёш, бу водийдаги муҳаббат аҳлини куйдирма, зеро, сендаги ҳарорат иссиқ юзлилар оҳидандир.

Эй Навоий, у қуёшдан заррадек бўлсин васл истама, чунки у ҳар қанча ноз қилса, сенга ҳақорат бўлиб туюлади.

Эй алифдек қоматинг майли бузулган жон аро  
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

Кулмагинг ичра малоҳат уйладурким, шўхлар  
Ўйнамоқдин юз ёшурурлар гули хандон аро.

Гар каломингни Масих анфоси дедим, эй ҳабиб,  
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар қуръон аро.

Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари  
Су ичарда ғўта топмиш чашмаи ҳайвон аро.

Хаста кўнглум оҳи кўнглунга, дедим, қилғай асар,  
Қайда ўлтурсун дили бемор ўқи сандон аро.

Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дарди сар  
Кимки, кечти бошидин гўй урди бу майдон аро.

Уйки, адно тебранур, сокинга хотир жамъ эмас,  
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.

Лаълинг олган кўнглум аҳволин мунажжим чун кўрар,  
Айтур ул аввора бўлган ғойибингдур қон аро.

Эй Навоий, ишқ дарди кўрган эл кўнглин бузар,  
Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур аффон аро.

Эй гўзал, сенинг алиф ҳарфи каби қоматинг хароб бўлган жисмим ичидаги милдир, вайрон бўлган хотиримда ҳуснинг хазинасидаги энг қимматбаҳо тошдир.

Сен кулган чоғдаги гўзаллик болалар ўйин пайти очилган гуллар ичида юзларини яширган кабидир.

Сўзларингни Масиҳ нафасига қиёс қилган бўлсам, эй дўстим айб қилма, баъзан Қуръонда ҳам хато ёзилган сўзлар учраб қолади-ку!

Ўқларинг гўё унинг пайконлари сув ичаётганда тириклик булоғи ичига шўнғигандек.

Бемор кўнглим оҳи кўнглингга таъсир қилар деб ўйладим, лекин бемор ўқи сандон ичида қайдан ўрин топарди?

Бошимда гавҳардек гўйи (тўпи) фикри билан бош оғриғи кучайиб кетди, бу майдонда бошидан кечган одамгина гўй (тўп) уради-да!

Уй озгина қимирласа ҳам унда ўтирган одам хотиржам бўлолмайди, бу осмон гумбази остида осойишталик йўқ бўлса, не ажаб!

Кўнглимни олган лабингнинг аҳволини кўраётган мунажжим: «Сенинг саргардон бўлиб юрган ғойибинг (кўнглинг) қон ичида кўриняпти»,- деди.

Эй Навоий, оху фарёд чоғи овозинг ишқ дардини кўрган эл кўнглини бузяпти.

Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро,  
Бир қора туфроғ, дегайким, тушти мушки ноб аро.

Қошинг ичра риштайи жонимға чирманған кўнгул,  
Анкабутедурки, айлабдур ватан меҳроб аро.

Ул қуёшдин айру ашким ёмғурининг барқидур,  
Ўт туташқан ришта янглиғ жисми печу тоб аро.

Ул лаби уннобгун кўнглумга эккан тухми меҳр,  
Кўнглум ичра ёшурундур донадек унноб аро.

Уйқу сайди қасдиға отқан тошингдиндур нишон,  
Кўз қораси демагил бу дийдаи беҳоб аро.

Чархи доир баҳридин эл тутмасун соҳил умид,  
Ким қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро.

Гар Навоий ёдини қилмоқ ҳабиб имкон эмас,  
Басдурур мазкур ҳам бўлса гаҳе аҳбоб аро.



У сероб сунбул ичида кимки тоза мушк кўрса, мушк ичига қора тупроқ тушибди, деб гумон қилади.

Қошинг ичидаги жоним иплари билан чирманган кўнглим меҳроб ичини маскан қилиб олган ўргимчакка ўхшайди.

Ўт тутушган бир ипдек тўлғонаётган жисмим у қуёшдан айрилиқдаги кўз ёшим ёмғурининг чақмоғидир.

Лаби чилонжийда рангидаги у гўзалнинг кўнглимга эккан меҳр уруғи чилонжийда ўртасидаги кўнглим ичига яширинган дурдона мисолидир.

Уйқусиз дийдам ичида кўзим қораси дема, у, уйқу сайдини ўлдирмоқ учун отган тошинг нишонидир.

Эл фалакнинг юмалоқ денгизидан соҳилга чиқиб олишни умид қилмасин, у гирдоб ичига тушган ҳеч бир одам қутулиб чиқолмайди.

Ҳабиб Навоийни ёд қилиш имконига эга эмас экан, баъзида дўстлар орасида унинг номини тилга олиш етарли бўлади.

Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро,  
Ахтари сатъде ҳилол ичра кезар гардун аро.

Англамон Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар,  
Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўрар Жайхун аро.

Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кўзум қонидек,  
Анда ёр андоқки мардум дийдаи пурхун аро.

Борғил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас,  
Жунгким Лайло аморисин чекар ҳомун аро.

Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,  
Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро.

Баҳр мавжидин мушавваш бўлмасун деб хотиринг,  
Мавж урар юз баҳри ғам бу хоотири маҳзун аро.

Дур бўлур баҳр ичра пинҳон, назмидин шах  
мадҳида  
Баҳр ёшурмуш Навоий ҳар дури макнун аро.

Ул қуёш (гўзал маҳбуба) қайиққа тушиб Жайхун дарёсида сайр қиляпти, йўқ, йўқ, янги чиққан ойга ўтириб олган бахт юдузи осмонда кезиб юрибди.

Жайхунда у ой кема билан сайр қиляптими ё одамлар Жайхун дарёсида янги чиққан ой билан қуёш аксини кўришяптими, шуни билолмаяпман.

Ҳар замон кемадан кўзим қонига ўхшаш қизғиш сув чиқяпти, ундаги ёрим эса қонли кўздаги қорачиққа ўхшайди.

Эй Мажнун, тезроқ бор, Лайли ўтирган кажавани кенг саҳродан олиб ўтаётган туя ул ой кемасидек тез кетаётгани йўқ.

Бу разил оламда ғам денгизидан қутулиб чиқмоқчи бўлсанг, бир он қадаҳ қайиқчасини хум гирдобидан ола кўрма.

Хотиринг денгиз мавжидан ташвишга тушмасин деб, бу ҳазин кўнгилда юзта ғам денгизи мавж урмоқда.

Дур денгиз ичида яширин ётганидек, подшоҳ мақтовига бағишланган Навоий шеъри ҳар бир қимматбаҳо дур ичига бир денгизни яширгандир.

Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,  
Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро.

Лек ул тиканлар ичра хаёлинг била кўнгул:  
Ўйнар магар гул узраю агнар суман аро.

Жисм уйидин кўнгул тилар ул кўйни, валеқ  
Гурбат суубатин киши билмас ватан аро.

Эрмас учуғ лабингдаки, ул юз Суҳайлидин  
Ранг олмади бу қатра ақиқи Яман аро.

Жоним лабинг шаҳиди эканга тонуғ дурур,  
Ҳар ол ришта қонға бўялған кафан аро.

Булбул не куймасунки, бир ўт ёқти қасдиға  
Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро.

Кўрдунг, Навоий, ул сари зулф узра юз шикан,  
Кўр эмди юз шикаста кўнгул ҳар шикан аро.

Ишқинг ханжари танимга минг жароҳат урди, бу танни айрилиқ юз минг тикан ичига ташлади.

Лекин ўша тиканлар ичида сенинг хаёлинг билан менинг кўнглим гул устида ўйнаб, суман ичида ағнашяпти.

Кўнглим жисм уйдан кўра ўша кўчани истайди, киши ватан ичида мусофирлик қийинчиликларини билмайди-да!

Лабингдаги учуқ у юз Суҳайлидан эмас, бу ҳатра Яман ақиқи ичида ранг олмаган.

Қонга бўялган кафанимдаги ҳар бир қизил ип жонимни сенинг лабинг олганига гувоҳдир.

Бу вафосиз чамандаги ҳар бир оловранг гул булбулни ўлдириш мақсадида битта ўтни ёққан бўлса, у нега куймасин?

Эй Навоий, гўзалинг сочларида юз тугун кўрдинг, энди ҳар тугун ичида юзта мажруҳ кўнглини кўраверсан!

Икки бармоғ бирла туттум лаълин ул рухсор аро,  
Уйлаким булбул тутар гул яфроғин минқор аро.

Хатда рухсоринг су эркинму ёшунған сабзада,  
Йўқса кўзгудурки, қолмиш ҳар тараф зангор аро.

Кўҳи ғам тортарға хасдек жисм ила бел боғладим,  
Остиға қолмишмен андоғким самон девор аро.

Май дема қушлар қанотининг елидин бўлғуси  
Нахли қаддинг мойил ўлмоқ ҳар тараф рафтор аро.

Шаккари лаъли хаёлидин саросар мўрдудур,  
Сочида эрмас тугун узра тугун ҳар тор аро.

Кофири ишқ ўлған авло демаса иймон сўзин,  
Хўб эмас тасбиҳ тори риштаи зуннор аро.

Вусма узра зарварақлиқ икки қошинг юз уза,  
Жилвагар бўлған ики товус эрур гулзор аро.

Қоматим гуллар очилған бир тикан шохи дурур,  
Тўлғали пайконларинг қонлиғ тани афгор аро.

Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,  
Файри ғадр аҳли не бўлғай олами ғаддор аро.

Давр эли бедодидин гар махлас истарсен, мудом  
Куп аёғидин бош олма кулбаи хаммор аро.

Ҳақ тилар бўлсанг, Навоий, силк дунёдин этак,  
Ишқинг ўлса пок, ўзни қўйма бу мурдор аро.

Ёр лабини, худди булбул тумшуғи билан гул япроғини тутган каби, икки бармоғим билан ушладим.

Хатларинг ичидаги юзинг сабза ичида яширинган суви ёки кўзгунинг ҳар тарафини занг тутганмикин?

Хас каби заиф жисмим билан ғам тоғини кўтаришга бел боғладим, бир сомондек гўёки девор орасида қолибман.

Юрганда қаддинг ниҳолининг уён буёнга тебраниши сен ичган майдан эмас, балки қушлар қанотининг елидандир.

Ёр сочининг ҳар бир торидаги тугун устига тушган тугунлар эмас, балки лаъл каби қизил лабинг шакаридан тотмак орзуси билан тизилган чумолилардир.

Ишқ кофири бўлган одам иймон сўзини сўзламагани яхшироқ, зуннор ипи ичида тасбиҳ торининг бўлиши яхши эмас.

Юзинг устидаги ўсмали икки қошинг гулзор ичида қанотини ёйиб турган икки товусдир.

Менинг қонли, ярали танимдаги ўқларинг учлари чиқиб турган қоматим гуллар очилиб турган бир тикан шохидир.

Гулшанда гул битади, шўра ерда шўразор, (шунга ўхшаш) бу бераҳм оламда хоинлардан бошқа ким ҳам бўлсин?!

Замона одамлари адолатсизлигидан қутулмоқчи бўлсанг, мастлик кулбаси ичида май идиши оёғидан бошингни олма.

Эй Навоий, ҳақни тиласанг, дунёдан этак силк,

Ишқинг пок бўлса, бу мурдор олам ичида юрма.

Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа,  
 Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқунгни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,  
 Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,  
 Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Ғайр зикрин ошкоро қилса лол ўлсун тилим,  
 Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашкдин жонимға ҳар нарғис кўзи бир шуъладур,  
 Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,  
 Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени  
 Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунимға парихон, йўқ табиб  
 Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,  
 Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўҳиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,  
 Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.



Сендан ўзгага эътибор қиладиган бўлсам кўнглим ёниб ўртансин, қайси бир кўнгилда сенинг ишқинг пайдо бўлган бўлса, у ҳам шу ҳолга тушсин.

Ҳар киши васлини орзу қилсам – ноумид бўлай, мақсадимга эришмай. Ҳар киши сенинг васлингни орзу қилса, у ҳам шу ҳолга тушсин.

Ўзгалар ҳуснини тамошо қилсам кўзим чиқсин. Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснингни тамошо қилса, худди шундай бўлсин.

Бошқа ёр ҳақида сўз очсам, тилим лол бўлсин. Қайси бир тил сенинг ҳақингда сўзласа, шу ҳол унинг бошига тушсин.

Ногоҳ ул сарви раъно гўзал боққа кириб келса, рашкимдан ҳар наргис гулининг кўзи кўзимга бир шуъла бўлиб кўринади.

Қуёш ўзининг ҳар бир заррасини Масиҳо қилганда ҳам, йўқ оғиздан маъноли чиройли сўз айтувчи ойга монанд дилдоримдек бўла олмайди.

Жоним ҳалқумимга етди, май қуювчи мени бир қадах май билан майхона ичида шармисор қилса кошки эди.

Менинг девоналигимни дафъ қилиш учун табиб эмас, парихон олиб келинглар, чунки кимни пари шайдо этган бўлса, шундай қилиш муносибдир.

Пок одамлар кўнгли қуёшини ошкор қиладиган бўлишса, фалак тонг мисоли бир дамда ундан асар ҳам қолдирмайди.

Навоий, кундек юзини тундек зулфи безатиб турган бўлса ҳам, олам шўхига мафтун бўлмагин.

Эрур ишқ аҳли гўристоню юз минг мазор анда,  
Фано шахрию лавҳу мийлдин тоқу манор анда.

Ажаб шахреки уй гўр ўлғаю суккони – жонсиз тан,  
Муошир мотамийлар, навҳа аҳли нағмакор анда.

Кўнгуллар тоза-тоза доғ ила қон ичра айланган,  
Кўрарсен лоладин гаҳ-гаҳ гузар қилсанг баҳор анда.

Гиёҳ эрмаски, ишқ аҳли шаҳиди бағриға қонгон,  
Бўлуптур барча захролуд ништар ошкор анда.

Магар тавсан миниб, санчиб этак, тортиб қилич ҳар  
дам,  
Улус қатлиға жавлон қилмиш ул чобуксувор анда.

Бу ўлганларга умри Хизр бергай, гар яна ногаҳ,  
Масиҳим оби ҳайвон янглиғ этса бир гузор анда.

Кўрунглар ишқ даштинким, насиму лоладин ҳар ён,  
Гаҳе жонбахш салқиндур, гаҳе муҳлик шарор анда.

Эрур ишқ оятеким, нуқтасининг донасин кўргач,  
Тушар арвоҳи қудсий қушлари беихтиёр анда.

Навоий, дайр аро кир, гар фано жоми тилар кўнглунг,  
Риёдур хонақаҳ аҳлида, борма зинҳор анда!

Ишқ аҳлининг гўристонии эди-ю унда юз минг мазор бор эди. Йўқлик шахрию, лавҳалару найзалар учидан гум-базлару миноралар бор эди.

Ажиб бир шахарки, уйлар – гўр, аҳолиси – жонсиз танлар. У ерда бирга яшовчилар – мотам тутувчилар, йиг-ловчилар – созандалардир.

Кўнгиллар янги-янги доғ билан қон ичида айланади. У ерда лолалар олдидан ўтиб борсанг, баҳорни кўрасан.

У ерда гиёҳлар эмас, ишқ аҳлининг шаҳиди бағрига кирган барча заҳарли тиф учлари кўриниб турибди.

У ерда ўша чавандоз тулпор миниб, этакни шимариб, қилич осиб, элни ўлдириш учун жавлон уриб юрибди.

Агар яна ногоҳдан Масиҳим ҳаёт сувидек у ерга кириб келса, бу ўлганларга Хизр умрини берган бўларди.

Ишқ даштини кўрингки, у ерда шамолу лоладан ҳар томонда гоҳ жон бағишловчи салқину, гоҳ ҳалокатли учқунлар.

Ишқ ояти шундайки, нуқтаси донасини кўргач, поклик қушларининг арвоҳлари беихтиёр у ерга тушади.

Навоий, кўнглинг йўқлик жомини тиласа, майхонага кир. Хонақоҳ аҳли риёкордир, у ёққа зинҳор бора кўрма.

Доғларким, кўйдум ул ой фурқати озорида,  
Дуди ҳар бирнинг эрур доғе фалак рухсорида.

Заъфим ичра ҳасри томиға таянғандекдурур,  
Ҳар сомон кўрсанг ёпушқан кўйининг деворида.

Бир мусулмонға эрур дин ҳасди эткандин ҳисоб  
Ҳар тугунким, кўрсанг ул кофир сочи зуннорида.

Гулшан ичра кўп бинафшангдин дема, эй боғбон,  
Нил ила, кўр, холлар ҳар ён юзи гулзорида.

Кўйди гулгун муҳрлар жон пардасида қон ила,  
Ваҳки, солур муҳри, ё гулму экин дасторида.

Танға жон кирган киби жононни еткур, эй табиб,  
Эмдиким, жондин рамақ зоҳир эмас беморида.

Ваҳки, бир қотилға ошиқменки жоннинг бийми бор,  
Ишқининг жон ичра ҳам ифҳоси, ҳам изҳорида.

Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо, айб этмаким,  
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида.

Эй Навоий, ақлу дин яғмо қилур даврон майи,  
Чиқ равон бу базмдин филжумла хушунг борида.

Ул ойдек гўзалнинг фурқати озори туфайли пайдо бўлган доғлардан ҳар бирининг тутуни фалак рухсорига доғ со- лгандир.

Ёр кўчасининг деворида ёпишиб турган ҳар бир со- монни кўрсанг, бемор танамнинг ёр қасри деворига тая- ниб турганига ўхшатгин.

Ул кофир маҳбубанинг сочи торларидаги ҳар қайси жингалак тугун бир мусулмоннинг дин йўлида қилаётган ҳисобидир.

Эй боғбон, гулшан ичидаги гунафшангни мақтайверма, юзи гулзорининг ҳар ёнида қора ранг билан чизилган хол- ларни кўриб қўй.

Ёр жоним пардасига қон билан қизил рангдаги муҳр- лар қўйди, ваҳки, унинг салласидаги муҳрмикан ёки гул- микан?

Эй табиб, ёрнинг мен беморида жон чиқишидаги охир нафас сезилганича йўқ, шундай экан, танга жон кирган- дек жононни етказгин.

Ваҳки, бир қотилга ошиқ бўлибман, шунинг учун ишқи- нинг жон ичидаги яширин ва очиқ намоеён бўлишидан жо- нимга хавфи бор.

Замона аҳлидан меҳру вафо топмасанг, ҳеч кимни айб- лама: замона боғининг дарахтларида бу хил мева унмай- ди.

Эй Навоий, замона майи ақлу динни талон-тарож қил- моқда, ҳушинг борида бу базмдан чиқиб кет.

Эй кўнгул, гар кимса аҳволим демас ёр оллида,  
Хотирим кимдин малул ўлсун, кимим бор оллида?!

Не жафокашмен кўрунгким, бор анга қилмоқ жафо,  
Сўз вафодин зоҳир этсам ул жафокор оллида.

Оллиға гулларки, санчибдур, мушобиҳдур анга  
Ким, тушар гоҳе мулавван муҳр дастор оллида.

Кўзларинг қоним ғизо қилсун агар ёлғон десам,  
Бир қошуқ қоним биҳил ул икки хунхор оллида.

Май берур бўлсанг манга дайр ичра бер, эй муғбача  
Ким, қўяй бошимни қўйсам пири хаммор оллида.

Эй Навоий, эр эсанг дунё эрусин қил талоқ,  
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.

Эй кўнгул, ҳеч ким ёрим олдига бориб менинг аҳволимдан хабар бермаса, кимдан хафа бўлай, унинг олдида кимим ҳам бор?

Гарчи бемор олдида ўлимдан сўз очиш нотўғри бўлса ҳам, у қора кўз олдига бориб ўлганимдан хабар берсалар, хато бўлмайди.

Қанчалик жафо тортаётганимни шундан ҳам билса бўладики, ул жафокор олдида вафодан сўз очишим биланоқ, у менга жафо қила бошлайди.

Ёр чеккасига санчиб олган лолалар салла олдига баъзан ранг-баранг муҳр тушиб турганига ўхшайди.

Агар ёлғон сўзлаётган бўлсам, кўзларинг қонимни ича қолсин, у икки қонхўрга бир қошиқ қоним бахшида бўла қолсин!

Эй май қуювчи, менга май берсанг, майхона ичида бергин, бошимни қўйсам, майхўрлар пири олдида қўяй!

Эй Навоий, эркак бўлсанг, дунё келинини бир йўли талоқ қил, бу маккор кампир олдида ўзингни хор қилиб юрма!

Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,  
Марҳам ар йўқтур, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса.

Олам аҳлидин агар йўқтур жигаргун соғаре,  
Кошки юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса.

Маҳвашеким бўлмағай васлидин уммиди ҳаёт,  
Хуштурурким жонға ҳажридин хатар ҳам бўлмаса.

Бедилеким, беҳабар тушкай биров ҳижрониға,  
Не балодур гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам бўлмаса.

Соқиё, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,  
Ақлу хушумдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса

Ким, тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,  
Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса.

Эй Навоий, сен чекарсен оҳ, лекин яхшидур  
Ул парининг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса.



Замона аҳлидан фойда йўқ экан, зарари ҳам бўлмаса эди.

Яқин одам йўқ экан, кўнгилга ништар ҳам санчилмаса эди.

Олам одамларидан жигарранг қадаҳ йўқ экан, юз минг қадаҳ жигар қони ҳам бўлмаса кошки эди.

Ул ой каби гўзал ёр висолдан ҳаёт умиди йўқ экан, унинг ҳажридан жонга хатар ҳам бўлмаса яхши эди.

Ошиқ бир гўзал ҳижронига беҳабар тушган экан, гоҳ-гоҳ ундан хабар бўлмаса, қандайин бало бу?!

Эй соқий, мени ақлу ҳушимдан нишон, балки асар ҳам бўлмайдиган қилиб маст қилсанг нима бўларди?!

Бу кўнгул ўз ҳолида бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, мастлик билан Шоҳи Ғозий мадҳини куйлайин.

Эй Навоий, сен оҳ чекяпсан, лекин у паримисол гўзал сочлари бу шамол билан тарқоқлашмаса яхши эди!

Не хуш бўлғай иковлон маст бўлсақ васл боғинда,  
Қўлум бўлса анинг бўйнидаю оғзим қулоғинда.

Даме васл ичра волиҳлиғ била рухсорим энгида,  
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.

Тутуб гоҳе занахдонин мукаррар айласам бот-бот,  
Кўруб гуллар очилған бодадин рухсори боғинда.

Шимиб ютсам гаҳе ҳайвон суйидек завқдин кўргач,  
Тарашшуҳ бодадин гул яфроғи янглиғ дудоғинда.

Гаҳе кўз суртаримда, йўқса ҳар ён шодлиғ ашким,  
Гул узра қатра шабнамлар киби сиймин сақоғинда.

Гаҳе беҳудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми  
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.

Не келса тонгла келсун, бир тун усрук ётса ҳам  
хуштур  
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.

Қачон даврон манга бир буйла ишратни раво кўргай  
Ки, ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.

Навой, сен киму ишрат майи?! Билмасмусенким, ит  
Агар қон ичса ҳам боши керактур ўз ялоғинда.

Икковимиз висол боғида маст бўлсак, қўлим унинг  
бўйнида-ю, оғзим қулоғида бўлса, қандай соз бўларди?!

Висол чоғи бир дам одоб билан юзимни эғнига, яна  
бир дам ожизлигу ёлбориш билан бошимни оёғига қўйсам  
қани эди?!

Юзи боғида майдан гуллар очилганини кўриб тез-тез  
бағбақасини такрор-такрор ушласам қани эди.

Гоҳо гулбаргларга ўхшаш лабларида май сизиб турган  
ини кўриб, уни тириклик сувидек завқ билан шимиб ют-  
сам!

Гоҳо кўз сурганимда, шодликдан кўз ёшларим ёрнинг  
кумушдек бағбақасига худди гул барги устига шабнам қат-  
ралари оққани каби томиб турса!

Гоҳида белига чирмашар эканман, эҳтиросим кучайиб  
кетган маҳал ўзимга келиб, одоб расмини тутсам!

Киши баҳор чоғида бир гул хирманини қучоғига тор-  
тиб, бир тун бўлса ҳам ширакайф бўлиб ётиши яхшидир,  
эртасига нима бўлса-бўлаверсин!

Мени ҳижрон дарду доғида куйишга ўргатган даврон  
қачон менга бундай ишратни раво кўрарди?!

Навой, сен киму, ишрат майи қаёқда?! Ит қон ичса  
ҳам боши ўз ялоғида бўлиши кераклигини билмайсанми?!

Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлган бало,  
Жондадур девона кўнглумдин хато бўлган бало.

Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир,  
Ҳеч кишига бўлмасун, ё Раб, манго бўлган бало.

Шод юзланманг балолар бизгаким бўлмас халос,  
Бу кўнгул зиндони ичра мубтало бўлган бало.

Васлида рашк ўлтурур, ҳажрида – ғам, ваҳким,  
манга  
Васл аро бўлган балодур, ҳажр аро бўлган бало.

Ўлтурурлар ҳамдаминг бўлсам, ўлармен, бўлмасам,  
Бўлмаган, жоно, сенинг бирла бало, бўлган бало.

Носиҳо, ошиқлиғимни манъ қилдинг, билмадинг  
Ким, насиҳат бирла дафъ ўлмас қазо бўлган бало.

Чун балосиз ком йўқ, топмас бақо комин магар  
Кимки, они ўртамас оти фано бўлган бало.

Эй Навоий, токи борди ёр, билдим ҳажр эмиш  
Шиддат ичра ҳар балиятдин сиво бўлган бало.

Осмондан айрилган бало менинг кўнглимдан ўрин олган, девона кўнглимдан адашиб қолган бало менинг жонимдадир.

Ишқ мендан бошқани асир қилишини истамайман, ё Оллоҳ, менга теккан бало ҳеч кишига тегмасин.

Балолар, бизга шодлик билан ёндошманг, бу кўнглим зиндонига тушган балони қутқазиб бўлмайди.

Ёр васлига етишсам, рашк мени ўлдиради, ундан айрилсам – ғам ҳалок қилади, эй воҳ, мен учун ҳижрон ҳам бир бало, висол ҳам бир бало!

Сенга ҳамдам бўлсам – ўлдиришади, ҳамдам бўлолмасам ҳам ўлишим аниқ, сен билан бўлиш ҳам бало, бўлмаслик ҳам бало!

Эй насиҳатчи, ошиқлигимни нега манъ қилдинг-у, қазодан келган балонинг насиҳат билан дафъ бўлмаслигини билмадинг.

Мақсадга балосиз етишиб бўлмас экан, фано деб аталган бало ўртамаган одам абадийликка эриша олади.

Эй Навоий, ёрим кетгандан сўнг билдимки, ҳар қандай кулфатдан оғир бало айрилиқ экан.

Хилъатин айлабмудур ул шўхи сийминбар қаро,  
Тун саводи бирла кийгандек маҳи анвар қаро?

Ул пари ҳиндусимен мен телбаким, урён таним  
Тифллар тошидин, ийнак, бўлди сартосар қаро.

Ашқдек оқти қаро сув кўзларимдин ҳажрида,  
Тонг йўқ идборим чу бўлмишдур манга ахтар қаро.

Кош ўюб ёқсанг қора бўлган кўзумнинг мардумин,  
Холи майгунингни қилганча қўюб анбар қаро.

Ишқ рафъ ўлғач, кўнгулга йўқтурур жуз тийралик,  
Ул сифатким шуъласи ўчкач бўлур ахтар қаро?!

Ғайрдин қилғил замиринг сафҳасин пок, эй фақиҳ,  
Тобакай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро.

Дуди оҳидин қаро эрмас Навоий кулбаси  
Ким, қилиптур хонумонин бир парипайкар қаро.

Ул шўх, кумуштан гўзал нурли ой тун қоронғилиги билан кийингандек, қора кийим кийиб олибди.

Мен девона у парининг ҳиндуси – қора қулиман, яланғоч таним, болалар тошидан бошдан оёқ қора бўлибди.

Маҳбубадан айрилганим туфайли кўзларимдан кўз ёши ўрнига қора сувлар оқди, юлдузим қора бўлган экан, бахтсизлигимга ажабланишнинг ҳожати йўқ.

(Эй гўзал), май ранг холингни анбар<sup>6</sup> қўйиб қорайтиргунча, кўзимнинг қора бўлган мардуми – қорачиғини ўйиб олиб ёқсанг кошки эди!

Шуъласи ўчгач, чўғ қорайиб қолгани каби ишқ йўқ бўлгач, кўнгилнинг қоронғулиққа маҳкум бўлиши аниқ.

Эй фақиҳ<sup>7</sup>, кўнглинг саҳифаларини ортиқча нарсалардан покла, қачонгача макру айёрлик ёзувлари билан бу дафтарни қора қиласан – тўлдирасан.

Навоий кулбаси унинг оҳи тутуни билан қора бўлгани йўқ, унинг хонумонини – кўнгил уйини бир паримисол гўзал қора қилган!

---

<sup>6</sup> Анбар – қора рангли хушбўй модда.

<sup>7</sup> Фақиҳ – диний ҳуқуқ олими.

Ҳам рамад теккан кўзунга чашми бедорим фидо,  
Ҳам учуқ чиққан лабингга жони афгорим фидо.

Ашкким, андин томар, гирён кўз онинг садқаси,  
Қонғаким мундин чиқар бу чашми хунборим фидо.

Ул кўзу бу лабга умрум боғу гулзориндағи  
Наргису гул барги йўқким, боғу гулзорим фидо.

Кўзу оғзингдин кетарга бору йўқ ошубу ранж  
Сабру ишқим садқа, яъниким, йўқу борим фидо.

Гар кўнгул оху кўзунг оллида лойиқ бўлмаса,  
Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамгорим, фидо.

Жон агар ширин лабингга ўлгали дархўр эмас,  
Айлай алфозинг учун, эй талх гуфторим, фидо.

Ўзлугумнинг қайдидин бир май била қилдинг халос,  
Ваҳ не дей, эй муг, санга бут бирла зуннорим фидо.

Бода миръотида шоҳид акси зоҳир бўлмади,  
Бодаву шоҳидқа бўлмай нақд пиндорим фидо.

Эй Навоий, демаким, жону кўнгулни найладинг,  
Айладим жавлон қилиб чиққанда дилдорим фидо.



Оғриган кўзингга бедор кўзларим фидо бўлсин.  
Учук чиққан лабингга мажруҳ жоним фидо бўлсин.  
Кўзингдан томаётган ёшга гирён кўзим садақа,  
Кўз ёшингдаги қонга қонли кўзларим фидо бўлсин.  
У кўзу бу лабга умримнинг боғи билан гулзоридаги  
Наргис билан гул барги, йўқ, йўқ, боғим билан гулзо-  
рим фидо бўлсин.

Кўз билан оғзингдан бору йўқ (барча) машаққату  
ҳаяжонни тортиб олиш учун ишқим билан сабрим, яъни  
бору йўғим фидо бўлсин.

Эй шўх ситам қилувчи (нозанин), агар кўнглим оху  
кўзингга лойиқ бўлмаса, итларингга фидо бўлсин.

Эй аччиқ сўзли ёр, жоним агар ширин лабингга муно-  
сиб бўлмаса, уни сўзларингга фидо қилайин.

Эй майхоначи, ўзлигим бандидан мени қутқардинг, бу-  
нинг учун сенга бут билан зуннорим фидо бўлсин.

Бода билан шоҳидга такаббурлик бойлигини фидо қил-  
магунча, ичкилик кўзгусида шоҳид акси кўринмади.

Эй Навоий, жонинг билан кўнглингни нима қилдинг,  
деб сўрама, дилдорим жавлон қилиб чиққанида, мен улар-  
ни ёримга фидо қилдим.

Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла,  
 Жуз менинг эски сафолимники, хуноб тўла.

Жоми майдек тўла қон бўлди ичим бермай даст,  
 Ёр базми аро бир жоми майи ноб тўла.

Ваҳки, ҳар кирпиги бир ништар эрур захролуд,  
 Гарчи бор ул ики наргисда шакархоб тўла.

Жолалар туштиму гул барги аро, ёхуд эрур,  
 Ҳуққайи лаълинг ичинда дури сероб тўла.

Оразинг акси дурур кўздаки ёш эвруладур,  
 Боғи жаннат гулидин бўлди бу гирдоб тўла.

Мену – муғ дайри аро муғбача бошида гулу,  
 Сену – зуҳд аҳли била масжиду меҳроб тўла.

Эй Навоий, неча оз-озғина май мадрасада,  
 Дайр аро кирки, ичар шайх тўла, шоб тўла.

Замона эл қадаҳларини тоза май билан тўлдирди, ёлғиз менинг эски сафолим хуноб билан тўла.

Ишим ўнгига чопмай ичим май жомидек тўла қон бўлди, ёр базмида тоза майдан жомга қуйиб бергин.

Э воҳ, икки наргис кўзи уйқуда бўлса ҳам, ҳар киприги бир заҳарли ништардир.

Гул барги ичига шудринг тушдими ёки лаълинг қутичасининг ичи тоза дурлар билан тўлами?

Кўздаги ёшимда юзинг акси кўриняпти, бу гирдоб жаннат боғининг гули билан тўла.

Мен билан майхона ичидаги май қуювчи бошида ғалва бўлса, сену зоҳидлар билан масжиду меҳроб тўлиб кетди.

Эй Навоий, қачонгача мадрасада оз-оздан ичасан, майхона ичига киргилки, у ерда шайх ҳам, ёш йигитлар ҳам, қадаҳларни тўлдириб ичишяпти.

Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо  
Ким, кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.

Бу жафо дафъин не янглиғ айлагайменким, етар  
Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.

Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам, бир тараф, ул бир  
тараф  
Ким, етар жонон учун жонимға ҳижрондин жафо.

Сайддекким, чаргада юланса ҳар ён келгай ўқ,  
Аҳли даврондин келур кўнглумга ҳар ёндин жафо.

Гар кўнгул ул зулфдин кўрса жафо, ваҳ, не ажаб,  
Чун кўрар ушбу сияҳрўзи паришондин жафо.

Англа, жоноким, жафо қилмоққа топқунг йўқ киши,  
Мен жафокашга нединким ўтти имкондин жафо.

Кечалар ул ой жафосидинки афғон тортарам,  
Ул худ ортуқроқ чекар ҳар тун бу афғондин жафо.

Не мусулмонлиғ бўлур ушбуки, даврон бошима  
Еткурур ҳар дам яна бир номусулмондин жафо.

Эй Навоий, борғали жонон сари жоним, етар  
Жонға жонондин жафо, мен хастаға жондин жафо.

Замона-ю замона аҳлидан шунча кўл жафо кўрдимки, жонондан етган жафо кўзимга тўтиё бўлиб кўри-  
няпти.

Қандай қилиб бу жафодан қутулайин, ахир кимдан жафо қилмасликни умид қилсам, худди ўшандан жафо кўряпман-ку!

Ҳар лаҳзада минг жафо кўрсам, бу бир тараф бўладию, жонон ишқида жонимга ҳижрондан етган жафо ҳам бир тараф бўлади.

Овчилар ўртасига тушиб қолган ҳайвон қайси томонга қараб югурса, ўша томондан ўқ келгандек, замона аҳлидан кўнглимга ҳар томондан жафо юзланади.

Кўнгул у сочлардан жафо кўрса, не ажаб, ушбу қора кунда қолган паришондан жафо кўряпти.

Жонона, шуни билки, энди жафо қилишга одам тополмайсан, чунки мен жафокашга жафо чекиш имкони ҳам қолмади.

Кечалари у ой (гўзал) жафосидан нолиб дод-фарёд чекаман, бу оҳу фарёддан ҳар кечаси унинг ўзи кўпроқ жафо чекади.

Бу қандай мусулмонлик бўлдики, замона бошимга ҳар дам бир номусулмондан жафо етказди.

Эй Навоий, жоним жонон сари борар экан, жонга жонондан, мен хастага эса жондан жафо етади.

Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,  
Манга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо.

Туганлар кўнглум ичра лаззати дардингни билдурди,  
Танаъум даст бермас кимсага, бўлмай дирам пайдо.

Шафақгун юз, ҳилолий қош ила то жилвагар бўлдунг,  
Кўзумда бўлди қон зоҳир, қадимда бўлди ҳам пайдо.

Самад қилғач зухур ул навъким асном ўлур маъдум,  
Бўлур бутлар бари мабхут, бўлғач ул санам пайдо.

Чу айлар жилваи ҳусн ул пари ушшоқ аро, нетгай  
Юзин ёшурмаса бўлган замон мен телба ҳам пайдо.

Не муҳлик водий эрмиш ишқ даштиким, киши анда  
Қадам урған дам-ўқ кўзга бўлур мулки адам пайдо.

Кўюнг йиғлайки, кўнглумнинг губори пастроқ бўлсун  
Ки, манъи гард этар ногаҳ ҳавода бўлса нам пайдо.

Оқизғил бода селобини, эй соқийки, ҳижрондин  
Кўнгул даштида бўлмиш корвони дарду ғам пайдо.

Навоийни чу сўрдунг, эй пари, бир дам таваққуф қил  
Ки, ул мажнун бўлур саҳро юзидин дам-бадам пайдо.

Гул устига қопқора хат билан ёзиб шундай бир рақам ҳосил қилдингки, уни кўриб менинг жоним саҳифасида юз алам хати пайдо бўлди.

Кўнглим ичидаги тугунлар мени дардинг лаззатидан баҳраманд қилди, бировнинг пули бўлмас экан, роҳатда ҳаёт кечириб бўлармиди?!

Шафақ каби қизил юзинг, янги ой каби қошинг билан олдимда намоён бўлганимда, кўзимда қон кўриниб, қаддимда эгилиш пайдо бўлди.

Самад юзини кўрсатганда бутлар йўқ бўлгани каби, у санам пайдо бўлганида, барча бутлар ҳайратдан донг қотиб қолади.

У пари ошиқлар ўртасида чиройини намоёиш қилаётган экан, мен телба пайдо бўлган чоғда юзини яширмаса, нима бўларкин?!

Ишқ дашти қандай ҳалокатли водий эканки, киши унга қадам қўйиши биланоқ кўзи олдида йўқлик мамлакати пайдо бўлади.

Кўйиб беринг, бир йиғлаб олай, токи кўнглимнинг тўзони бироз пасайсин. Ахир ҳавода нам пайдо бўлса, чанг-тўзонга тўсиқ бўладику!

Эй соқий, бода селобини оқизгил, чунки ҳижрон туфайли кўнглум даштида дарду ғам карвони пайдо бўлди.

Эй пари, Навоийни сўрабсан, бир дам тўхтаб тур, у мажнун саҳро юзида дам-бадам пайдо бўлиб туради.

Бўлса икимизнинг юзи акси суда пайдо,  
Ул су не тараф борса, очилгай гули раъно.

Зулфунг гами кўнглумни белинг фикрига солди,  
Кўрким, не тахайюлға солиптур ани савдо.

Гавго қилур эл моҳвашим кўйида, лекин  
Маҳвашлар иши қилмоқ анинг кўйида гавго.

Аҳволима Фарҳод ила Мажнунға таажжуб,  
Ишқ этти хирад аҳли қошида мени расво.

Ҳар сори тамошоғаким, ул шўх қилур азм,  
Йўқ менга тамошоки, эрур элга тамошо.

Даврон санга зулм этса, қадаҳлар тўла май ич,  
Қон ютсанг аёғлар тўла давронға не парво.

Ул шўхки майдон аро кўрганга солур тийғ,  
Кўрмасга солур, етса Навоий сари амдо.



Иккимизнинг аксимиз сувда пайдо бўлса, у сув қайси томонга борса, раъно гули очилади.

Сочинг гами кўнглимни белинг ҳақида ўйлатиб қўйди, кўргилки, шайдолик уни не-не хаёлларга солибди?

Одамлар ойдек гўзал маҳбубалар кўчасида гавго қилишяпти, уларнинг иши эса менинг дилбарим кўчасида гавго қилмоқдир.

Менинг аҳволимни кўрган Фарҳод билан Мажнун таажжубда қолишди, чунки ишқ мени ақлли кишилар олдида расво қилди.

У шўх гўзал ҳар тарафга томоша қилиш учун чиқади, лекин у томоша қилаётгани йўқ, балки одамлар уни томоша қилишяпти.

Замона сенга зулм қилса, қадаҳларни тўлдириб май ич, сен қадаҳларда тўла қон ютганинг билан замона бунга парво қилармиди?

У шўх нозанин жанг майдонида кимни кўрса тир уради, лекин Навоий томонига яқин келса, ўзини кўрмасликка солади.

Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё,  
 Ё шуъла аро бир-бир аҳгарму экин оё?

Бир сори қулоғингда гавҳарму экин ёхуд  
 Бир жонибида ойнинг аҳтарму экин оё?

Рухсоринг уза хайдин юз қатраки кўргуздунг,  
 Гул баргида шабнамдин гавҳарму экин оё?

Гунча ичида даврон муҳкам тикан урғондек,  
 Кўнглум аро ғамзангдин ханжарму экин оё?

Кўнглум қушиким қолмиш зулфунг аро  
саргардон,
 Савдо тунида сойир шабпарму экин оё?

Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдирган,  
 Оҳим тутуни ичра озарму экин оё?

Ҳижрондаму ул маҳваш ағёрға мойилдур,  
 Ё захри фироқ ичра ништарму экин оё?

Жон пардасида ҳар ёнким, янги туганлардур,  
 Қатлимға фалак тузган маҳзарму экин оё?

Эл деса Навоийниким, жавр ила тарк этти  
 Ишқингни, санга бу сўз боварму экин оё?

Юзларинг май ичганинг учун қип-қизариб кетдимикан ёки шуъла ичра чўғлар кўринаётганмикан?

Кулоғингдаги гавҳармикан ё ойнинг ёнида юлдуз жой олганмикан?

Юзингдаги тердан юз қатра кўриняптими ёки гул барги устидаги шабнам гавҳарлари кўзга ташланяптими?

Кўнглим ичига худди ғунча ичида даврон маҳкам тикан ургани каби, ғамзангнинг ханжари жойлашганмикан?

Кўнглим қуши сочларинг орасидан чиқолмай уриняптими ёки шайдолик тунида кўршалалак учиб юрибдими?

Сочлари ичида юз каби оламни куйдирган нарса оҳим тутуни ичидаги оловмикан?

У ойдек гўзал маҳбуба айрилиқ туфайли душманимга мойил бўлдимикан ё фироқ заҳари ичидаги ништармикан?

Жоним пардасининг ҳар томонидаги тугунлармикан ёки фалакнинг мени ўлдириш учун тузган ҳукномасимикан?

Эл: «Навоий сенинг ишқингни жавр қилиб тарк қилди» деса, бу сўзга сен ишонасанми?

Зор жисмимға хадангинг захмидин ортар наво,  
Создекким, тешсалар они фузун айлар садо.

Қадди ҳажринда ғамим шамъини ҳар деворға  
Ким, таябмен сарв андоми била бўлмиш қаро.

Фунчанг анфоси насими заврақи жон қасдиға  
Еткурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано.

Орзуйи васлидин ранжур эрур мунглиғ кўнгул,  
Қут учун тазвир ила бемор бўлғандек гадо.

Нега йиғлаб анбарин зулфин кесар ҳижрон туни,  
Ўлмагимни англабон гар шамъ тутмайдур азо?

Ҳажр дардин кўнгулма кам қилди холинг оқибат,  
Доғ эмиш дарди шалойин хастаға охир даво.

Рухпарвардур Навоий оҳи ул юз шавқидин  
Ул сифатким, лолау гул юзидин келгай сабо.

Созни тешсалар овози баландлашгандек, ўқларинг ярасидан хаста жисмимининг оху фарёди кучаяди.

У гўзалнинг ҳажрида ғамим шамини ҳар деворга таяб қўйсам, сарв шаклидаги қора пайдо бўлибди.

Сенинг ғунчанг нафасидан эсан насим жоним кемасига ёмонлик кўзлаб, ҳар дамда йўқлик дарёсидан фано-бақосизлик мавжини келтирмоқда.

Овқат топиш учун гадоё хийла қилиб ўзини касал кўрсатганидек, менинг ғамгин кўнглим ҳам ёр васли орзусидан аламдадир.

Шамъ менинг ўлимимдан хабар топиб аза тутмаётган бўлса, нега айрилиқ кечаси йиғлаб, ўзининг қопқора сочларини кесиб ташлайди?

Холинг охири кўнглимдаги ҳажр дардини камайтирди, ҳолсизланган касалга охирги даво доғ экан-да!

Лола билан гул юзидан сабо эсиб келганидек, Навоийнинг ўша гўзалнинг юзи иштиёқида чекаётган охи ҳам руҳпарвардир.

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо?  
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ул қуёш ҳажринда қўрқармен фалакни ўртагай  
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афгондин жудо.

Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,  
Жисм айларму фиғон бўлган нафас жондин жудо?

Ҳажр ўлимдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун,  
мени  
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил  
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким,  
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

Бир эясиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,  
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Гулистонидан жудо бўлган булбул қандай қилиб куйлай олади? Шаққаристонидан айрилган тўти қандай қилиб гапира олади?

Ул қуёш (маҳбуба) ҳажрида менинг ўтли фиғонимдан отилиб чиқаётган учқунлар фалакни ёндириб юборадими, деб қўрқаман.

«Ҳижронимда кўп ҳам фиғон чекаётганинг йўқ», - дема. Ахир жонидан айрилган жисм фиғон чека олармиди?

Эй ҳажр, юз минг жоним бўлса, борини олгину, ёрни мендан ёки мени ундан жудо қилмагин.

Айрилиқ ўлимдан ҳам аччиқроқ эмиш, шунинг учун бундан кейин, эй фалак, мени жонондан жудо қилгунча, жондан жудо қилақолгин.

Субҳ ўз шамъи шабистонидан жудо қилмоқчи бўлганини билган парвона васлни афзал кўриб, куйиб ҳалок бўлди.

Ёрсиз Навоий бир эгасиз итдек бўлиб қолган эди, ё Оллоҳ, қул ҳаргиз ўз султонидан жудо бўлмасин.

Маҳвашо, саряқудо, лоларухо, сиймтано,  
Чораким, қолмади сабрим гами ҳажрингда яно.

Ахтари саъд сенингдекки туғуптур гўйиё  
Ким, куёш эрди атову тўлун ой эрди ано.

Гар фалак сайридур истар сени айлаб таку дав,  
Ва-р малак зикрин эшитсанг санга дер мадху сано.

Уйла ишқинг майи лабташнасименким, ичман  
Оз дебон, бодам учун бўлса фалак жоми ино.

Ишқ меҳнатлари таркини буюрманг мангаким,  
Мужиби сиҳҳату қувватдурур ул ранжу ано.

Хонақоҳ ичра эрур шайху – ўзин кўрсатмак,  
Эй хушо, муғбачалар жилвасию – дайри фано.

Жуз Навоий бориға жоми каромат туттунг,  
Айюҳас-соқий, мин-ул-каъси фано айн-ул-ано?



Эй ойга монанд, сарвқад, лола юзли, кумуш танли гўзал,  
сендан айрилиқ гамида сабрим тамом бўлди, бирон чора  
қилгин.

Сендек бахт юлдузи туғилган экан, қуёш отангу тўлин  
ой онанг бўлса керак.

Фалак сени излаб югургани югурган, фаришталар зик-  
рини эшитсанг, билгинки, улар сенга мадҳия ўқишяпти.

Ишқинг майига шунчалик ташна бўлдимки, осмондек  
жом бўлса ҳам, оз деб ичмайман.

Менга ишқ азоб-уқубатларидан ажралишни буюрманг,  
бу алам-қайғулар менинг саломатлигим сабабчисидир.

Хонақоҳда шайхнинг ўзини кўрсатишидан йўқлик май-  
хонасидаги май қуювчи болалар жилваси аълодир.

Навоийдан бошқа барчага каромат жомини тутдинг  
Эй соқий, фано жомидан бизга қани?

Зиҳи висолинга толиб тутуб ўзин матлуб,  
Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳлуб.

Уружунг оқшоми бўлмай тўқуз сипеҳр ҳижоб,  
Юзунг хижолатидин меҳр ўлуб вале маҳжуб.

Ўт ичра тушса бўлур нисбати самандардек  
Кишики, ишқинг ўтиға ўзин қилиб мансуб.

Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,  
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.

Китобат этмаганингда қаламда нол эрмас  
Ки, тушти кўнгли аро тоб уйлаким мактуб.

Либоси мотам аро қилди то абад соя  
Ки, меҳридин нега ёнингда бўлмади масҳуб.

Мутеъи амринг агар подшоҳ, агар сойил,  
Гадойи хонинг агар ҳушманд, агар мажзуб.

Ажаб йўқ олса кўнгул ҳушин ул ики гесу,  
Бу бўлса силсила, кўп телбани қилур мағлуб.

Тиласа равзани зоҳид, Навоийю – кўюнг  
Ки, ҳар киши ани истарки, бор анга марғуб.

Толиб висолингга интилиб ўзини матлуб деб билди.

Ҳабиб сени севганидан отингни маҳуб кўйди.

Мерож кечаси сенга тўққиз осмон ҳам тўсиқ бўлолмади, лекин юзингдан хижолат чекканидан қуёш парда орқасига яширинди.

Итинг ҳисобига кирган одам ҳам ҳисоб вақтида гуноҳи беҳисоб бўлса ҳам, гуноҳкор бўлмайди.

Қалам ичидаги ингичка тола эмас, балки сен ёзмаганинг учун мактубдек кўнгли сиқилган.

Меҳрингдан ҳамиша ёнингда ҳамсуҳбат бўла олмагани учун соя либоси тоабад мотам ичида қолди.

Подшоҳ ҳам, гадо ҳам амрингга бўйсунди, хушли одам ҳам, девона ҳам дастурхонинг гадосидир.

У икки кокил кўнгил ҳушини олса ажабланурли жойи йўқ, улар қимирласа кўп девонани мағлуб қилади.

Зоҳид жаннатни, Навоий эса сенинг кўчангни истаса ажабланарли эмас, чунки ҳар ким ўзига ёққан нарсани истайди-да!

Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб,  
Биридур айна хумор ичинда, бири масти хоб.

Тийғ тортиб дам ола олмай етиштинг бошима,  
Гўйиё хуршид янглиғ йўлда кўргуздунг шитоб.

Офариниш баски аҳволимға йиғлар ҳар кеча,  
Ашк дарёси эрур гардуну кавкаблар — ҳубоб.

Толпинурмен ашк аро ҳар дамки тишлар лаълини,  
Ким тенгизга тушса, жон ваҳмидин айлар изтироб.

Ранжу заъфим бўлмиш андоқким сўрар келган улус,  
Ҳолим айларлар савол, аммо эшитмаслар жавоб.

Неча тасбиҳинг ҳисоби, зоҳидо, ич бодаким,  
Сену мендекларга худ бу корғаҳда не ҳисоб?!

Гар карам дарёсининг мавжи будурким, чоғладим,  
Қони ўз бўйниға, ким ишратдин этса ижтиноб!

Ич, Навоий, майки фаҳм эттук табиби ишқдин,  
Гуссаву ғам захриға тарёк эмиш ёқути ноб.

Хосса базмиким қуёш жомин шафақ роҳи била  
Элга тутқай хусрави анжумсипоҳи Жамжаноб.

Икки ўтли наргис кўзинг жигаримни кабоб қилди, уларнинг бири хуморда бўлса, яна бири маст уйқуда.

Тиғ кўтариб, дамнингни ҳам олмай, бошим устига етиб келдинг, гўёки қуёш мисоли йўлда росаям шошилибсан.

Яратувчи фалак ҳар кеча менинг аҳволимга шундай йиғлайдики, гардун унинг кўз ёши дарёси, юлдузлар эса унинг устидаги кўликлардек кўринади.

Маҳбубам лаъл лабларини тишлар экан, худди денгизда қолиб, жони ваҳмида изтироб чекаётган одамдек кўз ёшларим ичида талпинаман.

Аламу дардим шу даражага етдики, ҳол сўрашга келган одамлар аҳволимни сўраб савол берадилар-у, жавоб ололмайдилар.

Эй зоҳид, тасбиҳингда нечта дона бўлса, шунча қадаҳ бода ич, зеро сену мендекларга бу оламда ҳисоб-китобнинг нима ҳожати бор?!

Карам дарёсининг мавжи шу бўлса, айш-ишратдан ким ўзини тортса, қони унинг ўз бўйнига деб биламан.

Навоий, май ич, чунки ишқ табибидан билиб олдики, русса-ю ғамга тоза ёқут дори бўлар экан.

Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,  
Деди: кўрким, Қавс буржидин туғуптур офтоб.

Бир лабинг жон олди андоқким, бириси билмади,  
Эмдиким билди: ароларида бордур шаккароб.

Гар фалак қошинг била баҳсе ҳилолидин қилур,  
Бир деса, пайваста, жоно, эшитур икки жавоб.

Гул киби юзунгда тер фард этти ҳушумдин мени,  
Гарчи беҳуш элга ҳуш учун муқаввийдур гулоб.

Ким сиришким кўрди маълум этти ишқим ҳосилин,  
Дона бирла уйлаким эл нақдини айлар ҳисоб.

Не чамандур буки ҳасрат суйию дард ўтидин  
Парвариш топмиш қаю бир гулдаким, бор обу тоб.

Гар Навоийнинг куюк бағрида қондур, не ажаб,  
Хомсўз ўлур ёлин узра тушуб куйган кабоб.

Қошинг билан кўзингни ниқобсиз кўрган мунажжим  
«Қавс буржидан<sup>8)</sup> офтоб чиқибди», - деб айтди.

Бир лабинг жон олди-ю иккинчиси буни сезмай қолди,  
энди билсам, уларнинг ораларига низоъ тушган экан.

Фалак қошинг билан ўз ҳилоли – янги чиққан ой ҳақида  
баҳс юритар экан, уларнинг икковини бир хил, туташ деса,  
«икки хил» деган жавобни эшитади.

Одатда гулоб беҳуш одамни ҳушига келтириш учун ёрдам  
берарди, лекин сенинг гулдек юзингдаги тер мени ҳушим-  
дан жудо қилди.

Одамлар доналар билан ўз пулини ҳисоб қилганидек,  
кўз ёшимни ким кўрган бўлса, ишқим ҳосили унга маълум  
бўлди.

Кўнглимни ўқингга шишлаб, ишқинг ўтига қўйган  
бўлсанг, бундан жаҳлинг чиқмасин: сиз ҳам куйгани йўқ,  
кабоб ҳам!

Бу не чаманки, ҳар бир гул ҳасрат суви билан дард  
ўтидан парвариш топиб етилади.

Навоийнинг куйган жигарида қон бўлса, бунинг ажаб-  
ланарли жойи йўқ, ахир аланга устига тушиб куйган ка-  
боб хомсўз бўлади-да!

Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб,  
Барқи ломиядур саманди, гарди андоқким саҳоб.

Ўқи рашкидин эрур кўксум аро кўнглум қуши,  
Ул кабутарким, қабақ ичинда қилғай изтироб.

Отса ўқ ул қоши ё юз печ урар жон риштаси  
Ким, манга ҳирмону анинг ўқиға етқай таноб.

Ногаҳон отқайму деб бир ўқ қабақ шакли била  
Боши устига келур майдонда ҳар кун офтоб.

Ул қуёштин бошқа ким отқай қабақ, ваҳ кўрмадук  
Ахтари саъдеки, ҳар дам зоҳир этқай бир шиҳоб.

Жон берурмен қайрилуру чоғда кўруб белида печ,  
Ўлса тонг йўқ улки, жони риштасиға тушса тоб.

Кимки саркашрак, ҳаводис ўқиға кўпрак ҳадаф,  
Ушбу ҳолатни қабақ аҳволидин қилғил ҳисоб.

Эй Навоий, чун ўқи ҳар дам фалак майли қилур,  
Сен оти гардиға қоний бўлки, бордурсен туроб.



Майдон ичида ҳар тарафга тезлик билан от сураётган гўзал чавандознинг мингани – ялтироқ чақмоқ, унинг оёғи чанги мисоли булутдир.

Ёр ўқи рашкидан кўксим ичидаги кўнглим қуши нишон қовоқ ичида талпинаётган кабутарга ўхшайди.

У қоши ёйдек гўзал ўқ отса, жоним ипи юз марта буралиб тўлғанади-ю, менга умидсизлик етса, унинг ўқи эса янада тезроқ учадиган бўлади.

Гўзал ногаҳон мени нишон қовоқ шаклида кўриб бир ўқ отармикан, деб ҳар куни офтоб майдонда унинг боши устига келади.

У қуёшдан бошқа ким ҳам нишон қовоққа ўқ отарди, афсуски, ҳар дамда бир булутни пайдо қилган бахт юлдузини кўрмадик.

Қайрилиш чоғида ёр белидаги тўлғанишни кўриб жон бераман, жони илига аланга тушган одам ўлса ажаблаларли эмас.

Ким ўжарроқ бўлса, ҳодисалар ўқиға кўпроқ нишон бўлади.

Бу ҳолатни нишон қовоқ ҳолидан билиб олиш мумкин.

Эй Навоий, ёр ўқи ҳар онда осмонга учади, сен эса унинг оти чанги билан қаноатлан, чунки сен тупроқсан.

Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб,  
Ичар эдим вале ғамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб.

Ки, ҳозир эрди ўшул сарви нарғиси махмур,  
Валек рағмима қилмас эди қадаҳға шитоб.

Манга не захраи улким, десамки, бир қадаҳ ич,  
Не онсиз ичкали май, не қарори тоқату тоб.

Бу ғусса бирла ичим қон бўлуб нечукки қадаҳ,  
Кўзумга ҳар нафас ашк эвурур мисоли ҳубоб.

Чу англадики борур ихтиёр илгимдин,  
Кулуб қадаҳ киби лутф айладию қўйди итоб.

Қадаҳни ичтию юз лоба бирла тутти манга  
Ки, онинг ичкани-ўқ қилди мени масти хароб.

Чу соқий этти қадаҳ кўзгусида жилваи ҳусн,  
Не айб ошиқи майхора кўнгли бўлса ябоб?

Навоий, васл биҳиштида шукр қил бу нафас  
Ки, яна чекмагасен ҳажр дўзахида азоб.

Ҳаво яхши эди-ю олдимда бир қадаҳ тоза май турарди, лекин мен ғамим кучлилигидан қадаҳ-қадаҳ хуноб ичардим.

Олдимда ўша кўзлари хумор (сарв қомат дилдор) турарди-ю, лекин истагимга қарши қадаҳ кўтаришни истамасди.

Менда «Бир қадаҳ ич» дейиш учун журъат ҳам, усиз май ичиш учун сабру тоқат ҳам йўқ эди.

Бу хил алам билан ичим қадаҳнинг ўзи каби қон бўлган, кўз ёшларим ҳар онда мисоли сув устидаги кўпик бўлиб кўринарди.

Маҳбуба ихтиёрим кўлдан кетаётганини англади-ю, қадаҳ каби кулиб жаҳлидан тушди.

Қадаҳни ичди-ю, юз ноз-карашма билан менга тутди, лекин унинг ичганиёқ мени масту хароб қилган эди.

Қадаҳ кўзгусида соқий ҳуснининг жилваси пайдо бўлганда, ичкиликни севувчи ошиқ кўнгли хароб бўлса нима айби бор?

Навоий, бу нафас висол жаннатида шукр қилгин, токи ҳижрон дўзаҳида азоб чекмагайсен.

Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб,  
Оғзини йўқтур десам, воқиъки, ҳеч эрмас ажаб.

Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадур?  
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб.

Васл не янглиғ муяссар бўлғусидир, чун эрур  
Дилбарим нозук мизожу мен бағоят беадаб.

Гар қуёш дерлар юзунгни, гарм бўлуб чекма тийғ,  
Элга журме йўқ, инар чун осмондин ҳар лақаб.

Лаълинг олса чоклик бемор кўнглумни не тонг,  
Эй малоҳат нахли, чунким хастасиз бўлмас рутаб.

Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлоға ҳай,  
Бас не осиф они ҳайдин қовламоғлиғ, эй араб.

Толиб улким топмасанг доғи бу баским, айламас  
Бир нафас гофил сени матлуб ёдидин талаб.

Қаҳр барқи бирла раҳмат ёмғури гар буйладур,  
Эмин эрмас Булғало, навмид эмастур Булаҳаб.

Гар наво топса Навоий лабларингнинг зикридин,  
Тонг эмастур, чун мудом афзун бўлур майдин тараб.

У ширинлаб гўзал менинг юз сўзимдан биттасига ҳам жавоб бермаяпти, шундай экан, унинг оғзи йўқ экан, десам, ажабланмасангиз ҳам бўлади.

Холинг нуқтаси нега ширин лабинг устида, ҳар қаерда «лаб» сўзи ёзилса, нуқтаси унинг остига қўйиладику!

Дилбаримнинг мижози нозик бўлиб, мен жуда беадаб эсам, қандай қилиб васл менга муяссар бўлсин?

Агар сенинг юзингни қуёш десалар, аччиғланиб, тиф тортма. Элнинг айби йўқ, ахир ҳар бир лақаб, исм осмондан тушадику.

Ёрилган бемор кўнглимни лаъл лабларинг олган бўлса нима қилибди? Эй гўзаллик ниҳоли, ахир етилиб пишган хурмонинг ҳам данаги бўладику.

Мажнуннинг барҳаёт кўнгли Лайлига эл бўлса уни бу элдан ҳайдаб не фойда кўрасан, эй араб?!

Ҳақиқий толиб ўзи истаган ёрни излаб тополмаган чоғида ҳам севгилисини ёд этишни бир нафас бўлсин эсдан чиқармайди.

Қаҳр — ғазаб чақмоғи билан раҳмат ёмғири шундай бўлса, Булъало ўз ишончини тарк этмаганидек, Булаҳаб ҳам ноумид бўлмайди.

Навий агар лабларинг зикрини тилига олиб шод-хуррам бўлса ажабмас, чунки май ичган кишининг хурсандлиги ҳамиша ортиб боради.

Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун санга ашҳаб,  
Бошинг устидаги дур уйлаки, тонг бошида кавкаб.

Поймол эткан учун маркаби жавлонда бошимни  
Узр учун қилдим анинг наълини юз бирла музаҳҳаб.

Меҳр туркин қилибон паст, фалак рахшидин ўтти,  
Оллоҳ-оллоҳ, бу не рокибдуруру, ваҳ, бу не маркаб.

Не қатиф ҳолки, ҳажринг кечаси тинғали қўймас,  
Ер элин ашк ила андуҳ, кўк элин наъраву ё Раб.

Ити меҳмонлиғ учун эмди қадам қўйса бўлурким,  
Кўнгул ўт қилди муҳайёву бағир туъма мураттаб.

Ҳар киши бўлди қулунг, ул кишидур олам аро шаҳ,  
Қулларинг қурбини ким топса эрур шаҳға муқарраб.

Юзи васфида керак сафҳа вале лавҳайи хуршид,  
Сочи васфини ёзар вақтда тун дуди мураккаб.

Ёр чун барча замон нозир эрур ҳолинга, бўлғил  
Бори ҳолатда мушоҳид, бори эл бирла муаддаб.

Телбараб кўнгли Навоийнинг агар арбада айлар,  
Дафъиға силсилаи зулф ила басдур чаҳи ғабғаб.

Эй гўзал, юзинг – давлат тонги, фалак туллори – сенинг отинг, бошинг устидаги дур тонг бошидаги юлдуздир.

Оти юрар чоғи бошимни босиб янчгани учун узр маъносида унинг тақасини юзим билан зарҳал қилдим.

У чавандоз қуёш устидан ўтиб, ошиб кетди. Ҳай-ҳай, бу қандай чавандозу, қандайин тулпор экан-а?!

Қандайин оғир аҳволки, ҳажринг кечасида ер аҳлини кўз ёшлари билан дод-фарёд, кўк аҳлини эса илтижою «ё Раб» овозлари тинчитмайди.

Ёр ити энди меҳмон бўлиш учун қадам қўйса бўлаверди, чунки кўнгил ўт тайёрлаган бўлса, жигарим луқмани хозирлаб қўйди.

Ҳар киши қулинг бўлса, у оламда шоҳ кабидир, қуллар билан ким яқин бўлса, у шоҳга ҳам яқин бўлади.

Юзини мадҳ этиш учун қуёш лавҳаси, сочини таърифлаш учун эса тун тутунини тўплаш керак.

Ёр ҳамиша ҳолингни кузатиб турибди, шунинг учун ҳамма ҳолатда ҳам мушоҳада билан иш тут, эл билан одобли бўл.

Навойнинг кўнгли телбаланиб тўпалон қиладиган бўлса, уни дафъ этиш учун сочлари занжири-ю бағбақа чоҳи етарлидир.

Неча бўлгай манга ҳажр ичра тазаллум, ё Раб?  
Айла бу зулм аро ҳолимга тараҳҳум, ё Раб.

Ваъдаи қатл қилиб, ваъдага қилгунча вафо,  
Нега мен хастанӣ ўлтурди таваҳҳум, ё Раб?

Лабларининг калимотики, берур жисмга руҳ,  
Оби ҳайвон унидур, йўқса такаллум, ё Раб?

Хони васлида ўкуш неъмат ародур ағёр,  
Рўзи эт бизга ҳам ул навъ танаъум, ё Раб.

Ваҳки, кўнглумни шикоф этти кулумсуб оғзи,  
Гунчаларни нетиб очти бу табассум, ё Раб.

Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шаҳидур,  
Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум, ё Раб?

Ёр қатл эткали ушшоқини йиғдурған эмиш,  
Бер бу базм ичра Навоийга тақаддум, ё Раб.



Ё Оллоҳ, ҳажр ичра менга қачонгача зулм бўлади, бу зулм чоғи менга раҳм айлагин.

Ёр мени ўлдиришга ваъда берди-ю, ўша ваъдасига вафо қилгунича нега мен хастани ваҳм ўлдирди, ё Раб?

Лабларидан чиқиб жисмимга жон бағишлаётган сўзлар сўз эмас, ҳаёт булоғи овозидир, ё Раб!

Рақибим висол дастурхонида мўл-кўл ноз-неъматдан баҳраманд бўляпти, бизга ҳам ана шундай неъматларни насиб эт, ё Раб!

Ваҳки, оғзи кулимсираб кўнглимни илма-тешиқ қилиб ташлади. Бу табассум ғунчаларни қандай қилиб очди экан, ё Раб?

Умр бевафо, киши олам шоҳи бўлса ҳам ўлади, шундай экан мунча кибрланиш на ҳожат, ё Раб?

Ёр ўлдириш учун ошиқларини йиғдирган эмиш, бу базма Навоийни олдингилардан қилгил, ё Раб!

Эй, санга юз хўбу лаб хўбу лабингдин кулгу хўб,  
Ҳар неким воқеъ бўлур сендин, кўзумга асру хўб.

Дединг ул ой васфин, эй ровий, яна сўз демагил  
Хўблардинким, сўзунг эрди бу ерга тегру хўб.

Хўблар кул бўлдилар, лекин парилар қочтилар,  
Олам ичра одамий бир сенча бор эркинму хўб?!

Хўбларни арз қилдим, қилмади кўнглум писанд,  
Они кўргач ихтиёри қолмайин деди, бу хўб.

Васлида жонимга ҳажридин не келганни деман  
Ким, фараҳ базмида зикр этмак эмастур қайғу хўб.

Жавру лутфу кибру ноз андин кўнгулга хўб эрур,  
Ҳақ азалда зотини онинг яратибдур чу хўб.

Соф қил хотирки, солғай акс ул юз яхшиким,  
Кўргузур юзни, қачонким равшан ўлди кўзгу хўб.

Эй кўнгул, борсанг ул ой наззорасиға зинҳор  
Ашк бирла кўзларингдин ғайрининг нақшин ю хўб.

Хўбларни кўрмаса сенсиз Навоий қилма айб  
Ким, кўрунмайдур кўзига кимса сендин айру хўб.

Эй (гўзал), сенинг юзинг ҳам, лабинг ҳам, лабингдаги кулгу ҳам гўзал, сен ниманики қилган бўлсанг, кўзимга барчаси чиройли кўринади.

Эй ҳикоячи, у ой (гўзал)ни мақтадинг, бошқа сўз айтмагин, гўзаллар ҳақидаги сўзларинг шу ерга қадар ёқимли эди.

Гўзаллар кул бўлдилар, лекин парилар қочиб кетдилар, оламда сенчалик чиройли одам бормикан?

Кўнглимга бошқа гўзаллар ҳақида сўзладим, лекин кўнглим бошқаларни писанд қилмади, маҳбубани кўргач, ихтиёрини йўқотди-ю, «бу – гўзал» деди.

Ёр билан кўришган чоғимда айрилиқ чоғи бошимга нелар келганини сўзламайман, чунки хурсандлик базмида қайғу ҳақида гапириш яхши эмас.

Кўнглимга унинг жабри ҳам, лутфи ҳам, кибри-ю нози ҳам ёқимли, Оллоҳ азалда, унинг зотини гўзал қилиб яратган-да!

Хотирингни ҳамиша пок тут, шунда бу хил юз яхши акс этади. Ахир кўзгу ҳам равшан, тиниқ бўлгандагина юзни яхши кўрсатади.

Эй кўнгил, агар у ойни кўришга борсанг, кўз ёшлари билан кўзларингдан бошқаларнинг нақшини яхшилаб ювгин.

Навоий сен бўлмаганингда гўзалларни кўрмай қолса, айб қилма, чунки унинг кўзига сендан бошқа ҳеч ким кўринмайди.

Сен лабинг сўрған сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,  
Сен май ичгилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб.

Дедилар, аҳбоб дардиға ҳабиб айлар даво,  
Ваҳки, мен куйдум муҳаббатдин, эмас воқиф ҳабиб.

Кўюнга киргач, кўнгул қошингға майл айлар бале,  
Гўшаи меҳроб этар пайваста манзилға ғариб.

Чеҳра сарғарған сойи ортар кўнгулнинг ноласи,  
Бор ажаб воқиъ хазон фаслида нолон андалиб.

Ҳошалиллаҳ, шарбатимни заҳри қотил бирла эз,  
Чун иш андин ўттиким, келгай Масиҳим, эй табиб.

Неча ул ой меҳридин шайдо кўнгулни овутай,  
Телбага ёлғон ҳикоят бирла бергандек фиреб.

Майға раҳн ўлмай фано дайрида тасбиҳу ридо,  
Пири дайр этмас ҳавола элга зуннору салиб.

Нафсинг этса шўхлиғ, чарх эмгагидин қил адаб,  
Тифлни андоқки зажр айлар фалақ бирла адиб.

Эй Навоий, зулмидин дерменки, ишқин тарк этай,  
То назардин ғойиб ўлди, йўқ яна сабру шикеб.

Сен лабингни сўрган сайин мен қон ютаман, эй дўстим.  
Сен май ич, менга эса жигар қони насиб бўлгандир.

Дўстлар дардини дўст даволайди, дейишади, эй воҳки,  
мен куйганман: ҳабибим муҳаббат нималигини билмайди.

Кўчангга киргач, кўнглим сенинг қошингга интилади,  
ахир мусофир ҳам меҳробни ўзига доимий манзилгоҳ қила-  
ди-да!

Юз сарғайган сайин кўнгил фарёди кучаяди, булбул-  
нинг куз фаслида дард билан куйлаши ажойиб воқеа эмас-  
ми?

Худо кўрсатмасин, шарбатимга захарни қўшиб қўй, эй  
табиб, чунки Масиҳимнинг келишидан фойда йўқ.

У ой меҳридан шайдо бўлган кўнгилни, девонани ҳикоя  
айтиб алдагандек, қачонгача овутай?!

Йўқлик майхонасида майга тасбиҳу ридо гарав бўлма-  
гунча, майхона эгаси одамларга зуннору салибни ҳавола  
қилмайди.

Нафсинг фалак машаққатига чидолмай, шўхлик қилса,  
муаллим ўқувчини фалақ билан азоблагани каби, унга жазо  
бер.

Эй Навоий, ёр зулмидан ишқини тарк қилай дейману,  
кўзимдан ғойиб бўлиши биланоқ яна сабру тоқатимни  
йўқотаман.

Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб,  
Куйса хошок ёлиндин не ажаб?

Секриди, чунки самандинг деди ақл,  
Барқ бўлмиш бу қуёшқа марқаб.

Хўблар мактаб аро хайли нужум,  
Ул қуёш ўртада моҳи мактаб.

Зақанинг чоҳу анинг остида хол,  
Чоҳнинг нуқтаси, эй нўшин лаб.

Хусн аро ишвау ноз эл кўнглин  
Онча олмаски, ҳаё бирла адаб.

Нега матлуб тиларсен, чунким  
Не талабдур санга, не дард талаб.

Ҳажр аро хаста Навоийю фиғон,  
Эй висол аҳли, сизу – лаҳни тараб.

Танам ишқ ўтидан ёнса, бунинг сабабини сўрамай қўя  
қол: ҳашак аланга тегиб ёниб кетса, бунга ажабланиб бўла-  
дими?

Саман отинг кўкка сакраганди, ақл «Бу қуёш чақмоққа  
миниб олибдику», – деди.

Мақтабга келган гўзал болалар юдузлар гуруҳи бўлса,  
улар ўртасидаги у қуёш мактаб моҳи – нурли ойдир.

Эй ширинлаб гўзал, иягинг чуқурча бўлса, унинг ости-  
даги хол «чоҳ» нинг нуқтасидир.

Гўзалликда ишва билан ноз эл кўнглини ҳаё билан одоб  
олганчалик забт эта олмайди.

Сенга тилак ҳам, дард алами ҳам бегона, шундай экан,  
нега бировга талабгордек бўлиб кўринасан?

Айрилиқ ғами туфайли Навоий дилида ҳамиша оҳу фи-  
фон ҳукм суради. Сиз эса, эй висол аҳли, ёр жамолига  
муяссар бўлган ошиқлар, ҳамиша шодлик куйини куйлаб,  
айшу ишрат қилинг.

Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб,  
 Ҳеч кимга заррае чун бермаиш Ҳақ илми ғайб.

Ошиқу шайдолиғимни манъ этар зоҳид, кўрунг  
 Ким, хунар ҳам бор эмиш нодон киши оллида айб.

Ёшурун қолғайму кўксум жайбидек чок ўлғани  
 Хоссаким, ҳажр илгидин кўксум киби чок эрди жайб.

Кўзларинг бирла лабинг андоғки урди дин йўлин,  
 Не балолардин Билол ўткай, не саҳбодин Суҳайб.

Зарраға саяк эса оғзинг манга йўқ ҳеч шак,  
 Чеҳранг ўлғандек қуёшнинг даҳ сади йўқ ҳеч райб.

Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас Калим  
 Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб.

Эй Навоий, сендек эткан зойиъ айёми шабоб,  
 Суди йўқ анжум киби ашки надомат шоми шайб.



Менга ёр оғзининг сири маълум бўлмаса, айбми бу? Оллоҳ ахир ҳеч кимга сир билиш билимидан озгина бўлса ҳам иқтидор бермаган.

Зоҳид менинг ошиқу шайдолигимни манъ қилади, кўринки, нодон одам олдида ҳунар ҳам айб эмиш!

Кўксим кўйлак ёқасидек йиртилгани яширин қолармиди, ахир ҳажр қўлидан кўйлагим ёқаси ҳам кўксим каби чок бўлганку!

Кўзларинг билан лабинг дин йўлини шундай тўсиб қўйдик, на Билол бу балолардан ўта олади, на Суҳайб қизил майдан кеча олади.

Юзинг қуёшнинг юздан ўн қисмига тенг эканига гумон бўлмаганидек, оғзинг зарранинг юздан бир қисмига тенглигига шубҳам йўқ.

Бу водий ичида пирсиз кезмагин, зеро Шуайб хизматга буюрмай туриб Калим қоронғу кечада ёруғликка эришолмайди.

Эй Навоий, ёшлик даврини, сен каби бекорга ўтказган одам кексалик тунида юлдузларча кўз ёши тўкса ҳам бефойдадир.

Бовужудиким адам ўлдум ғамидин қайғуруб,  
Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин топман сўруб.

Жонки, қат-қат қон бўлуптур, доғи ишқинг кетмагай,  
Лола баргидек ани бир-бир совурсанг куйдуруб.

Новакинг кўнглумда қилмиш хона, бовар қилмасанг,  
Кўксума илгингни келтурким, туруптур билгуруб.

Ишқидур жон пардасида равшан эттим, дўстлар,  
Неча куйгаймен ҳарир ичинда ўтни ёшуруб.

Барқдек пўямни айб этманг, саломат аҳликим,  
Мундоғ ўтеким, туташибдур манга бўлмас туруб.

Истама таҳсинки, шокирмен не келса оллима,  
Шукр қилмай найлай олурсен қазони ёзғуруб.

Чун Навоий жониға марҳам эрур пайконларинг,  
Кош, ёқса марҳаме ўқунг ёнимға ўлтуруб.

Маҳбуба ғами билан қайғу чекавериб адою тамом бўлганимдек, ёкути (лаби)дан қанча сўрамайин (сўрмайин!) ҳеч оғзи сўроғини (қаердалигини) тополмайман.

Жонимда қават-қават қонга айланган, ишқинг доғини уларни лола баргидек куйдириб бирма-бир кўкка совурсанг ҳам юракдан кеткизиб бўлмайди.

Сен отган ўқлар кўнглимдан ўзига жой топиб олибди, ишонмасанг кўлингни кўксимга тегизгинг билиниб турибди.

Ёр ишқи жонимнинг пардасида, уни эй дўстлар, элга равшан кўрсатдим, ахир ўтни ипак ичига яшириб, қачонгача қуяман?

Эй соғ-саломат юрганлар, яшиндек тез югуришимни кўриб айбламанглар, менга шундай бир ўт туташганки, бир жойда асло тинч туриб бўлмайди.

Мендан таҳсин кутма, олдимга нима келса ҳам шукр қиламан. Шукр қилмай қазони гуноҳкор қилармидинг?

Сенинг ўқларинг Навоий жонига малҳамдир. Ўқинг ёнимда ўтириб дардимга малҳам қўйса кошки эди.

Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб  
Ким, чиқиб лаълини ўпкай риштаи зулфин тутуб.

Зулфин очқанда занах чоҳиға тушкай минг кўнгул,  
Кўймаса ул чоҳ уза рухсори шамъин ёрутуб.

Ишқи муҳриқ даштини қатъ айламак душвор эрур,  
Кирмасам, оҳим ели бирла ҳавосин совутуб.

Куйгали розимену ҳажриға йўқ, ваҳким, мени  
Айлади рози иситмоққа ўлумдин кўркутуб.

Деб эмиш: Бир кун келиб кўнгли яросин буткарай.  
Келса буткил, эй кўнгул, бу сўзга худ бўлмас  
бутуб.

Даҳр бўстонида қилмоқ сайр айлаб ҳою ҳуй  
Ҳарза кезмакдур ҳаётинг қушларини уркутуб.

Жоми васлингдинки, элни тиргузурсен, бил яқин  
Ким, Навоий ўлгуси хунобаи ҳижрон ютуб.

Зулфи ипларидан тутиб кўтарилиб, лаъл лабини ўпишни истаб оёқ ости бўлган жоним қон ютиб унинг оёғи остидаги тупроққа айланди.

Агар у ўзининг бағбақаси чоғи устига рухсорининг шамъини ёқиб қўймаса, зулфини ёйганида ўша чоғга мингта кўнгилнинг тушиб ҳалок бўлиши муқаррар.

Агар оҳим шамоли билан ҳавосини совутиб кирмасам, ишқининг куйдирувчи даштини кесиб ўтишим қийин.

Куйгани розиману ҳажрига рози бўлмайман, ваҳки, ўлимдан қўрқитиб мени иситмоққа рози қилди.

«Бир кун келиб унинг кўнгли ярасини даволайман», - деган эмиш; эй кўнгул у келса, сен тузала қол, чунки бу сўз билан тузалмайсан.

Жаҳон бўстонида ҳай-ҳайлаб сайр қилиш ҳаётинг қушларини ҳуркитиб бекор кезмақдир.

Васлинг жоми билан халқни тирилтиряпсан, лекин шуни билки, Навоий ҳижроннинг қонли сувини ютиб ўлишига яқин қолди.

Ваҳ, не қотилдур, келур ойини қатлу кин солиб,  
Ошиқ ўлтурмак учун ҳар қошиға юз чин солиб.

Чун ўтуб ишқ аҳлидин, ошуби сабру фаҳм ўлуб,  
Чун етиб зуҳд аҳлиға торожи ақлу дин солиб.

Эл сариким юзланиб қиндин чиқариб тийғи кин,  
Чун манга маркаб суруб бошимға тийғи кин солиб.

Бу сариғ рухсора бирла қон ёшимдин ёд қил,  
Ичсанг олтун жом ичинда бодаи рангин солиб.

Сенсизин, эй умр, чун мумкин эмас орому сабр,  
Борма ҳар дам бизни мундоғ бедилу ғамгин солиб.

Ҳар тарафким, гом уруб юз порсо йўлин уруб,  
Ҳар қаёнким, кўз солиб яғмову қатл ойин солиб.

Боғи ҳуснунгким гул очти ранг-ранг, эй муғбача,  
Гўйи ичтинг майға барги лолау насрин солиб.

Шаръсиз хошок аро хашхошдекдур, эй ҳаким,  
Кўкка чиқсанг жайбинг ичра субҳайи Парвин солиб.

Дарду ғам қолиб, Навоий жони чиқти оқибат,  
Ҳажр элиндин хонумонин борди ул мискин солиб.

Оҳ, у гўзал қандай қотилки, адоват билан ошиқни ўлдириш учун ҳар қошларини чимириб келади.

Ишқ аҳли олдидан ўтаркан, уларнинг сабру фаҳмини навроғга қўйиб, зоҳидларнинг ақлу динини талон-тарож қилади.

Халқ томон йўл олиб чиндан адоват ханжарини чиқаради-да менга қараб отини суриб бошимга урмоқчи бўлади.

Олтин жом ичига қизил май қуйиб ичар экансан, бу сариғ юзимни-ю қон ёшларимни ёдингга ол.

Эй умр, сенсиз орому сабрнинг бўлиши мумкин эмас, шундай экан, бизни ҳамиша бундай ғамгин ошиқ қилиб ташлаб кетма.

Ҳар тарафга йўл солиб юзта порсонинг йўлини тўсиб ҳар томон кўз солиб зулму ўлимни мақсад қилиб бизни ташлаб кетма.

Эй май қуювчи, ҳуснинг боғида ранг-баранг гуллар очилди, худди майга лолаю насрин баргини солиб ичганга ўхшайсан.

Эй ҳаким, чўнтагингга дандон тасбиҳ солиб кўкка чиқсанг, хашак ичида кўкнор донаси (уруғи) сақлаб ношаръий иш қилгандек бўласан.

Ханжаринг жонимга етти кўрагимга санчилиб,  
Новакинг ёнимга ўлтурди иёдатқа келиб.

Кириб ўтган ўқларинг жон пардасин реш этгали  
Сафҳадекдурким қирилғай саҳв хатлар ёзилиб.

Югурур ҳар кирпигимга ортилиб бир қатра ёш,  
Шўх ёшлардекки ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб.

Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам эрди ногаҳон,  
Ўлғай эрдим ваҳмдин, албатта, заҳрам ёрилиб.

Наълим ичра доғ учун қўйган фатила дуд ила,  
Дард ўчогинда тутайдур анда ўти ёқилиб.

Ул қуёш бирла борур эл соядек, мен хоксор,  
Ваҳки, қолурмен изининг туфроғидек айрилиб.

Сирри ваҳдат чун фано дайрида сизмас лафз аро,  
Невчун оё хонақаҳ ичра туганмас айтилиб?

Нуктаи тавҳидни билган қила олмас баён  
Ким, баён қилдим деса билгилки қилмайдур билиб.

Эй Навоий, майда соқий лаълидин эрмиш фуруғ,  
Кайфиятни чунки фаҳм эттинг, нетарсен ойилиб.



Сенинг ханжаринг кўкрагимга санчилиб, жонимга қадар етиб борди, сен отган ёй ўқи эса касал кўргани келган меҳмон каби, менинг ёнимдан жой олди.

Жон пардасини яралаш учун қириб ўтган ўқларинг изи хато ёзилган сўзлари қириб ўчирилган қоғоз саҳифасига ўхшайди.

Қар қайси кипригимга ортилган қатра ёшлар новдаларни от қилиб миниб ўйнаётган шўх болаларни эслатади.

Ушбу айрилиқ кечасини ногаҳон туш кўриб қолсам, албатта кўрқувдан ўтим ёрилиб ўлган бўлардим.

Халқ у қуёш кетидан соядек эргашиб борар экан, излари тупроғи оёқ ости бўлиб, ундан айрилиб қолиб кетавераман.

Ёлғизлик сирлари йўқлик ибодатхонасидаги сўзлар ичигаки сизмас экан, қандай хонақоҳ ичида айтилиб тугасин?

Тавҳид илмининг нозик маъноларини билувчи инсон уларни баён қилиб бера олмайди, ким баён қилдим деса, билгинки, у бу маъноларни яхши билиб олмабди.

Эй Навоий, майда соқий лаъл лабларининг равшанлиги акс этади, шуни англаб етган бўлсанг, ундан айрилиб нима қиласан?

Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб,  
Ўтқа тушган қил масаллиқ ўртанурмен тўлганиб.

Очқил ўтлуғ оразинг, эй шамъким, парвонадек  
Ўртанай бошинг уза бир неча қатла айланиб.

Солғасен оламға ўт, гар гул совуғи тобидин  
Гунчадек гулшанға чиқсанг ҳуллаларға чирманиб.

Бийм эрурким, офаринишдин чиқарғайсен дамор,  
Базмдин усрук чиқиб майдонға чопсанг отланиб.

Ёр ила хўй айлаган кўнглум эрур ул навъ қуш  
Ким, кишидин айрила олмас кичикдин ўрганиб.

Молдин умрунғға осойиш агар етмас не суд,  
Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғаниб?

Қабрим узра қўйғасиз тошеки, заъф айёмида  
Ул пари кўйида ётмишмен бошимға ястаниб.

Эй Навоий, тушта гар кўрмак ани мумкин эса,  
Барча гар худ сўнгғи уйқудур, нетурсен уйғаниб.

Заиф жисмим ҳар дам ҳажринг оловида ёниб, худди ўтга тушган қил каби тўлғаниб куяман.

Эй шамъ, ўтли юзингни очгил, парвонадек бошинг атрофида бир неча марта айланиб ўртанай.

Гул совуғи туфайли хилма-хил кийимга чирманган гунча мисоли гулшанга чиқсанг, оламга ўт соласан.

Базмдан ширакайф чиқиб отланиб майдонга чопсанг, оламнинг яратилиш ўрнини ҳам тор-мор қилиб юборишинг хавфи бор.

Ёрга ўрганган кўнглим кичикликдан ўрганган кимсасидан айрила олмайдиган қушга ўхшайди.

Қолсиз чоғларимда у пари кўчасида бошимга қўйиб ётган тошни қабрим узра қўйгайсиз.

Қорун ганжини қизганиб, Нуҳ умрига эришсангу, бу мол-дунёдан умрингга роҳат етишмаса, не фойда?

Эй Навоий, у гўзални тушда кўрмак мумкин экан, сўнгги уйқу бўлса ҳам ундан уйғониб нима қиласан?

Хаста жоним заъфин англа, кўнглум афғонин кўруб,  
Сўрма кўнглум ёрасин, фаҳм эт кўзум қонин кўруб.

Васлида лаъли уза холин кўруб куйган киби,  
Ўртанурмен жонда эмди доғи ҳижронин кўруб.

Водийи сабрим дағи хору хасак қилдим гумон,  
Кўнглум атрофида ҳарён нўғи пайконин кўруб.

Англадим қилмиш кўзи олған кўнгул сайдиға қасд,  
Ҳар тарафдин чарга тузган хайли мужгонин кўруб.

Еру кўкта истабон пайдо эмас Хизру Масих,  
Қочтилар гўё дудоғинг оби ҳайвонин кўруб.

Жисм боғида равон шакле тасаввур қилди ақл,  
Бўстони ҳусн аро сарви хиромонин кўруб.

Шабнам эрмас наргис ашқидур, недин қон йиғламас,  
Кўз юмуб очқунча гулшан умри поёнин кўруб.

Чархдин сидқ аҳли мотам ичрадур, фаҳм айлагил,  
Ҳар саҳарғақ субҳнинг чоки гирибонин кўруб.

Номасин ваҳким очиб солмоқ назар мумкин эмас,  
Чун Навоий ҳуши зойил бўлди унвонин кўруб.

Кўнглим фарёдини тинглаб хаста жонимдаги дарду аламларни англагин, кўнглимнинг ярасини сўрамай, кўзим қонини кўриб фаҳмлаб ол.

Ёр билан кўришган чоғ ёқут лаби устидаги холини кўриб куйганимдек, энди жонимда ҳижрони доғини кўриб ўртаняпман.

Кўнглим ҳар томонидаги ўқлари учини кўрганда, уларни сабрим водийсидаги тикану хашаклар деб гумон қилдим.

Ҳар тарафдан сафга тизилган киприклари лашкарини кўриб маҳбуба кўзи ўзи мафтун этган кўнгил сайдини ўлдиришга қасд қилганини англадим.

Еру кўкдан Хизр билан Масиҳни излаб топишолмаяпти, улар сенинг лабингдаги ҳаёт сувини кўриб қочиб кетишганга ўхшайди.

Ақл ҳусн бўстони ичидаги сарви хиромонни кўриб, жисм боғидаги келишган шаклни тасаввур қилди.

Булар шабнам эмас, балки наргис гулининг кўз ёшидир, ушбу гулшан умрининг кўз юмиб очгунча ўтиб кетаётганини кўрган наргис нега қон тўкиб йиғламасин?

Фалак адолатсизлиги туфайли ҳақиқат аҳли мотам ичида, ҳар саҳар субҳнинг кўкси чоклигини кўриб буни фаҳмлаб олиш мумкин.

Афсуски, ёр номасини очиб, уни кўриш мумкин эмас, чунки унинг кимга аталганини кўрибоқ Навоий ҳушидан жудо бўлди.

Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб,  
Тифл янглиғким югургай ҳар тараф оҳу кўруб.

Қолди ҳайрон зоҳид ашқимда кўруб ҳар ён ҳубоб  
Рўстойидекки, ҳайрат айлагай ўрду кўруб.

Жон аро тийғинг кўруб кўнглум қуши тузди наво,  
Тўтиёдекким, такаллум айлагай кўзгу кўруб.

Водийи ишқинг макон қилди кўнгул кўргач юзунг,  
Эл биёбон ичра манзил айлагандек су кўруб.

Жонда ўз доғин кўруб ошиқлиғимни англади,  
Ул кишидекким, таниғай ўз қулин белғу кўруб.

Бода тутқач, дема бехуд бўлдим ул кўзгудин,  
Борди ҳушум ёр ҳусни жилвасин ўтру кўруб.

Эй Навоий, дафъ ўлур холин кўруб кўҳи ғамим  
Фил янглиғким, ҳазимат айлагай ҳинду кўруб.

Бир жодули наргис кўзни кўргач, кўз ёшим оҳуни кўриб қолиб ҳар томонга қараб чопган боладек, тез югуриб кетди.

Кўз ёшимнинг ҳар ёнида осмон гумбазларини кўрган зоҳид катта саройни кўриб лол қолган қишлоқи каби ҳайрон бўлиб қолди.

Жон ичидаги тигингни кўрган кўнглим қуши кўзгуни кўрган тўти янглиғ фарёд қила бошлади.

Юзингни кўрган кўнгил, одамлар биёбонда суъни кўриб ўша ерни манзил қилгандек, ишқинг водийсини ўзига макон қилиб олди.

Маҳбубам (жисмимда) ўзи қолдирган доғни кўргач, қулини белгига қараб таниган кишидек, менинг ошиқлигимни англади.

Ичкилик тутгач, кўзгуга қараб туриб ҳушидан айрилди, демагин. Ўз рўпарасида ёр ҳусни жилвасини кўрган ҳушим мени ташлаб кетди.

Эй Навоий, ёр холини кўрганда ҳиндини кўриб қочган фил каби, ғамим тоғи дафъ бўлади.

Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб,  
Такаллум чошнисин шарбати юҳйил-изом айлаб.

Азалда лаълинга сайд эткали кўнглум қушин гўё  
Қазо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб.

Чаманда тозалиғдин ҳар қуруқ шохе эрур Хизре,  
Магарким андин ўтмиш оби ҳайвоним хиром айлаб.

Агар ҳарф ўлса мудғам, ваҳки, холинг нуқта идғомин  
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.

Не бўлғай тийра бўлмайд рўзгоримким, очиб гесу  
Қаро шомимни муҳлик айладинг, субҳумни шом айлаб.

Фараз ул юзни мастур асрамоқдурким, ҳакими сунъ  
Улусқа оҳ этар қисмат, ани ойинафом айлаб.

Чу Ҳақ даргоҳидин мардуд этар, найларсен, эй зоҳид,  
Қабули халқ учун ортуқси тоат илтизом айлаб?

Ёшингни дона, бағрингни су қилким, тутти фақр аҳли  
Ҳидоят қушларин бу донаву су бирла ром айлаб.

Навоий кунда чун бир қурси мақсум ортмас, не суд  
Фалакдек бўлмоғинг саргашта тун-кун эҳтимом айлаб?



Сенинг лаъл лабларинг Масихдек ширин сўзлаб, такал-лум лаззатини суякларни тирилтирувчи шарбатга айлантиради.

Азалда қазо овчиси кўнглим қушини лаъл лабларинг ўлжасига айлантириш мақсадида жонлар ипидан тузоқ ясаганга ўхшайди.

Чаманнинг покизалигидан ундаги ҳар бир шох Хизрга ўхшайди, у ердан ҳаёт сувидек маҳбубам хиром айлаб ўтган бўлса керак-да!

Агар ҳарф яширин бўлса, холинг кўзим мардуми ичидан жой олиб ўша нуқтани аён қилди.

Ҳаётим қоронғулик ичра қолди, чунки сен қопқора сочларингни ёйиб субҳимни шомга, қора шомимни эса ҳалокатли тунга айлантириб юбординг.

Ҳакими сунънинг ул юзни акс этувчи қилмишидан ва улуста оҳ чекишни қисмат этишидан мақсади ҳам ўша юзни яширин сақлашдан иборатдир.

Эй зоҳид, Ҳақ сени ўз даргоҳига яқинлаштирмайди, шундай экан, халқ олдида ортиқча тоат-ибодатни бажо этиб нима қиласан?

Ёшингни донаю, бағрингни сув қилгилки, фақр аҳли ҳидоят қушларини бу дона ва сув билан ром қилиб тутган.

Навоий, насибанг кунда бир кулча экан, туну кун фалакдек саргардон кезишингдан не фойда?

Қон ёшим йўлингда томмайдур кўзум гирён бўлуб,  
Ким, оёғингга тушубтур кўз қораси қон бўлуб.

Ғунчадек кўнглум чекар ун, ғарқ ўлуб хуноб аро  
Сўз деганда оғзинг икки лаъл аро пинҳон бўлуб.

Сўрса Мажнун ишқ даштида мени, айт, эй рафиқ  
Ким, қуюндек итти бу водийда саргардон бўлуб.

Ҳажри кўнглумни бузуб, ғам сели ҳамвор этти, вой  
Ким, асар ҳам йўқтур ул маъмурадин вайрон бўлуб.

Тиғи худ ўтти, суубат кўрки, муҳлик ёраси,  
Бу замон бошимга қолиптур балойи жон бўлуб.

Ҳар замон оғзинг хаёли санчилур кўнглум аро,  
Гўйиё бу ғунча они захм этар пайкон бўлуб.

Чарх ушшоқ оҳи ўқидин магар ваҳм эттиким,  
Қубба қилди меҳрини ўз ҳайъати қалқон бўлуб.

Ҳашр хуршидиға моний фикр қилмассен, не суд,  
Атласи гардун саропардангга шодурвон бўлуб.

Эй Навоий, фоний ўл ёр истасангким, хўб эмас,  
Жонни севмаклик баҳона ўртада жонон бўлуб.

Қон ёшим гирён бўлиб йўлларингда томаётгани йўқ, балки кўзим қораси қонга айланиб аёғинг остига тушяпти.

Сўзлаётганингда оғзинг икки лаъл (лабинг) орасида яширинар экан, гунчадек кўнглум қон ёшига фарқ бўлиб, фарёд чекаяпти.

Эй дўстим, Мажнун мени ишқ даштида сўраб қолса, бу водийда қуюндек саргардон кезиб йўқ бўлиб кетди, деб жавоб бер.

Ёр ҳажри кўнглим уйини бузиб, ғам сели уни шундай текислаб ташладики, у манзил бўлганидан бирон асар ҳам қолмади.

Маҳбубам тиғи кўксимни тешиб ўтди-ю, ҳалокатга эл-тувчи машаққатли яраси бу замон бошимда балойи жон бўлиб турибди.

Оғзинг хаёли ҳар замон кўнглимга санчилади, гўё бу гунча пайкон бўлиб, уни ярага айлантиради.

Чарх ошиқларнинг оҳлари ўқларидан қўрққан шекилли, ўз ҳайъатидан қалқон ясаб, қуёшини унга қубба (гумбаз) қилган кўринади.

Қиёмат қуёшига қарши фикр юргизмаётган экансан, фалак атласи саропарданга соябон бўлишидан не фойда?

Эй Навоий, ёр истасанг фоний бўл, чунки ўртада жон-нон баҳона бўлиб, жонни севмаслик яхши эмасдир.

Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб мунграшиб,  
Ётса гоҳе чирмашиб, ўлтурса гоҳе ёндашиб.

Зулфи эл кўнглин паришон айламакка жамъ ўлуб,  
Турфароқ буким, кўнгулларни йиғарға тарқашиб.

Мумкин эрмас тортмоқ пайконларинким, жисм аро  
Ҳар бири маскан туруптурлар сўнгакка ўрнашиб.

Чиқти зулфин солғач ул чоҳи занахдондин кўнгул,  
Анкабут ул навъким, ториға чиққай ёрмашиб.

Ҳажр хайли кўнглум ичра мўрдек айлаб ҳужум,  
Гарчи васл уммиди етканда чибиндек бутрашиб.

Соқийё, қилсанг ҳимоят голиб ўлғум буйлаким,  
Ғам била кўнглум талашурлар икавлон қармашиб.

Қил ҳавола дурдақашлар жониби, эй майфуруш,  
Май чу ҳар соат тўкулгай жўш уруб куптин тошиб.

Ошуруб ҳаддин Навоий ҳам ниёзу ажзини,  
Ёр истигнову нози ҳар неча ҳаддан ошиб.

Ҳар киши ёри билан ғамини бўлишиб, ҳасратлашиб, гоҳ чирмашиб ётса, гоҳ ёндашиб ўтирса, бундан яхши нарса борми?

Ёр сочлари эл кўнглини паршон қилиш мақсадида жам бўлди, қизиғи шуки, у кўнгилларни тўплаш учун эса тарқашиб кетди.

Жисмимдаги ўқларингнинг темир учларини тортиб чиқариш мумкин эмас, чунки уларнинг ҳар бири суякка ўрнашиб, жойлашиб олган.

Ёр сочларини ёзгач, кўнглим у бағбақа чоҳидан, ўргимчак инидан юқори кўтарилган каби, чиқиб олди.

Айрилиқ лашкари кўнглим ичида чумолилардек ҳужум қиляпти, лекин улар кўриниш онлари етганда пашшадек тарқаб кетишади.

Мен куйдиму, лекин у сочларнинг шуъласи шамъ ипи кул бўлганда ҳам чирмашиб тургани каби жоним ипларидадир.

Ғам билан кўнглим иккови бел ушлашиб талашишмоқда.

Эй май қуювчи, мени ҳимоя қилсанг, ютиб чиқишим мумкин.

Эй май сотувчи, май ҳар соат кўпириб хумдан ошиб тўкиляпти, уни тезроқ майхўрлар томонга узатақол.

Ёр нозу карашмаларининг ҳаддидан ошиши Навоийнинг ёлбориши-ю ожизлигини ҳам ҳаддидан ошириб юборди.

Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимга солгай деб,  
Агар ўлтурса қоним ранги туфроғида қолгай деб.

Кўнгулга юз туман ниш урса ҳижрон, айламан нола,  
Висолинг нўшидин ул захмлар бир кун ўнголгай деб.

Кўнгулга новакинг то кирди беҳад ҳифзин айлармен  
Ки, бу шиша ичинда ул дағи ногаҳ ушолгай деб.

Кўнгулни кўйида юз ранж ила меҳнатқа топшурдум  
Ки, гар кўрса бу сурат бирла шояд кўнглум олгай деб.

Сиришким қони қилди кўйининг туфроғин оғушта,  
Итига шояд ул балчиғ била бир уй ясолгай деб.

Ҳарам васлин тиларсен пўя ур мардона, эй солиқ,  
Қадам оҳиста чекма бағринг ул елмакда толгай деб.

Навоий бенаволиғ бирла доим май ичар, бир кун  
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолгай деб.

Ёр ҳолимга назар ташлармикан, агар мени ўлдирса,  
қоним ранги тупроғида қолармикан деб унинг кўчасида  
неча йиллардан бери кезиб юрибман.

Ҳижрон кўнглимга юз туман (миллион) найза урса ҳам,  
бир куни у яралар битиб кетади, деб фарёд чекмайман.

Ўқинг учи кўнглимга киргандан бери, бу шиша ичида у  
ногоҳ синиб қолмасин деб, эҳтиёт қилганим-қилган.

Кўнглимни ёр кўчасида аламу уқубатларга топшириб  
қўйдим, уни бу ҳолда кўрган дилдор зора кўнглимни олса!

Кўзимдан оққан қонли ёш ёр кўчаси тупроғини лой  
қилиб юборди, зора ўша лойдан итига бир уй ясалса!

Эй солиқ, ҳарамни кўрмоқчи бўлаётган экансан, мар-  
дона қадам ташла. Бағрим шу юришда чарчаб қолади деб  
яна қадамингни секинлаштириб юрма.

Навоий бир куни даврон созандаси базмда наво куйи-  
ни чалармикан деб, ноумидлик билан май ичгани ичган.

Дам-бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб,  
Мен йироқтин боқибон, қон ютибу оҳ чекиб.

Не ғамим ит киби ўлмақдин, агар элтур эса  
Бўйнума ип солибон кўйига ул моҳ чекиб.

Ғаразим буки, унуттурмағамен ўзни анга,  
Кўйига кирмагим афғон гаҳу бегоҳ чекиб.

Кўнглума ҳажр агар дард ўқи ёғдурса, не тонг,  
Гар чиқарур эса пайкониини дилхоҳ чекиб.

Мен адам йўлиға борман, мени лекин элитур  
Оғзи шавқида кўнгул ўзига ҳамроҳ чекиб.

Майи асфарки тўкулмуш кўюбон юз ичсам,  
Каҳрабони кўрунгуз жилва қилур коҳ чекиб.

Журъасин берса Навойиға эрур ўлгуча бас,  
Базми айш ичра тараб соғарин ул шоҳ чекиб.



Ул гўзал ой дам-бадам ўзга киши билан шодлик жомини кўтаради, мен эса унга узоқдан боқиб, қон ютаман-у, оҳ-фарёд чекаман.

Ул ой менинг бўйнимга ип солиб кўчаси томон элтар бўлса, ит каби ўлиб кетишдан ғамим бўлмас эди.

Ёр кўчасига кириб гоҳ-гоҳ фиғон чекиб фарёд солишимдан мақсадим унга ўзимни унутдирмасликдир.

Кўнглимга агар ҳажр дард ўқини ёғдирса-ю, ўқ учларини кўнглим истаган дилдор тортиб чиқарадиган бўлса, ҳеч-қиси йўқ.

Мен йўқлик йўлига бормайман, лекин мени кўнгил оғзи ишқида ўзига ҳамроҳ қилиб бормоқда.

Сариф май тўкилибди, юзимни қўйиб ичганимда қаҳрабони кўрингки, сомонни тортиб жилва қиляпти.

Айш базмида шодлик пиёласини тутаётган у шоҳ (гўзал) Навоийга бир қултум май берса, ўлгунича етади.

Не махласим бор анинг ишқидин канора қилиб,  
Не тўймоғим бор анинг ҳуснига наззора қилиб.

Ўчарга ишқ ўти чора қил дединг, эй шайх,  
Бўлурму қисматим ўлган балоға чора қилиб?

Бошимда тийғи яросин неча дебон сўрманг,  
Киши бўлурму бошининг тукин шумора қилиб?

Кўнгулки итти қилиб тийра хонумонимни,  
Қовай агар яна келса, юзини қора қилиб.

Кўнгулни яра қилиб улки тикти кўксумни,  
Ёқамни тикмак эрур кўкрагимни пора қилиб.

Дедимки, майкададин хонақаҳ йўлин тутайин,  
Нетайки, ул сари йўл бермас истихора қилиб.

Навоий этти ниҳон ишқин, эй фиғон била ашк,  
Анинг бу айбини найларсиз ошкора қилиб.

На унинг ишқидан четга чиқиб нажот топа оламан, на унинг ҳуснига боқиб тўя оламан.

Эй шайх, ишқ ўтини ўчириш чорасини қил, дейсан, тақдирим бўлган балога чора қилиб бўлармиди?!

Бошимдаги тиғи яраларининг сонини сўраманг, қайси одам бошидаги туклар сонини санаб билибди?

Кўнглим хонумонимни қора қилиб, йўқолиб кетди, яна келадиган бўлса, юзига қора суриб қувлаганим бўлсин.

Дилбар кўнглимни яра қилиб, кўксимни тикмади, балки кўкрагимни пора қилиб ёқамни тикди.

Майхонадан воз кечиб хонақоҳ йўлига юрай дедим-у, нетайки у фол кўриб, йўл бермаяпти.

Навоий ишқини яширди, эй фиғон билан кўз ёшлари, унинг бу айбини ошкора этиб нима қиласиз?!

Ул ой қасдима тийғи буррон чекиб,  
Мен оллида шукронаға жон чекиб.

Масиҳим чу фарёдима етмади,  
Неча ўлтурай ўзни афгон чекиб.

Ҳамоно ёмон кўзга майл айладинг,  
Алиф нил ила юзга ҳар ён чекиб.

Лабинг нўшдорусидин не осиг,  
Мен ўлдум чу хуноби ҳижрон чекиб.

Кетур, соқиё, давр аёғин тўла  
Ки, жон қолмади ранжи даврон чекиб.

Агар васли боқий керак, истагил,  
Фано кўйига рахти ҳирмон чекиб.

Навоий бериб жон ўқи шавқидин,  
Анинг захмидин ёр пайкон чекиб.

У ой (маҳбуба) мени ўлдирмоқ учун ўткир ханжар ушлаб турибди, мен унинг олдида шукронасига жонимни беришга тайёрман.

Масиҳим менинг оху фарёдимни кўриб туриб ҳам парво қилмади, энди фиғон чекиб ўзимни ўлдиришдан ўзга чора қолмади.

Юзингга ҳар тарафдан қора бўёқ билан алиф ҳарфларини чиздинг-да, ёмон кўзликларни истаб қолдинг.

Лабингнинг ширин дорусидан энди фойда йўқ, мен ҳижроннинг қонли сувини ичиб ўлиб бўлдим.

Эй соқий, давра қадаҳини тўла қилиб келтир, чунки замона аламини тортабериб жоним қолмади.

Агар абадий висол керак бўлса йўқлик кўчасига бориб умидсизлик юкини кўтаргил.

Навоий ёр отган ўқ шавқидан жон берди, маҳбуба эса унинг ярасидан ўқи учини тортиб чиқарди.

Чобукум рахш уза ҳижрон йўлида пўя қилиб,  
Мен анинг кейнича гоҳе югуруб, гаҳ йиқилиб.

Йиқилиб ёна кўпуб, чунки уруб йўлга қадам,  
Ваҳки, юз ништари ҳижрон аёғимға тикилиб.

Тобоним дарду бало хораларидин ўюлуб,  
Юрагим ранжу ано хорларидин тешилиб.

Турфа, кўргилки инон тортмай ул шўх даме,  
Сўнгича буйла қатиқлик била ҳолимни билиб.

Ишқ дардиға жуз ўлмак йўқ эмиш ҳеч илож,  
Бош кўюб оллиға анингки бу маънони билиб.

Истарам ўзни харобот ичида лояъқил,  
Хуш чун боиси ранж ўлди, нетармен ойилиб.

Гар Навоийға ёғин ашк эдию раъд – фиғон,  
Ҳажр чун кож урубон кўзларига ўт чақилиб.

Чавандозим (учқир) тулпори билан ҳижрон йўлида тез йўртиб борар экан, мен унинг кетидан гоҳ югуриб, гоҳ йиқилиб бораман.

Йиқилиб, яна туриб йўлга қадам урар эканман, воҳки, оёғимга ҳижроннинг юзлаб ништари тикилиб туради.

Товоним дарду бало тошларидан ўйилиб кетди, юрагим ранжу кулфат тиканларидан илма-тешик бўлди.

Қизиғи шундаки, ул шўх гўзал оти тизгинини бир дам бўлсин тортмай, шунча қаттиқлик билан ҳолимни билиб туради.

Ишқ дардига ўлимдан бошқа илож йўқ эмиш, ёр олдига бош эгиб борганимда, шу маънони англадим.

Ўзимни майхона ичида беҳуш бўлишимни истайман, ҳуш (менга етган) аламлар сабабчиси бўлган экан, ундан айрилиб нима қиламан.

Навоийга ёмғир кўз ёши-ю, чақмоқ фарёд бўлди, ҳажр юзларига шапалоқ уриб, кўзларидан ўт чақилди.

Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп,  
Гўйига бошим ниёзин еткуруб чавгонин ўр.

Бодпойи сайрига ҳамтаклик айлайолмасанг,  
Ерга мендин юз қўюб кўрган сойи жавлонин ўп.

Кулса лаъли, ваҳки, қолмас менда бир ўпкунча ҳуш,  
Ҳашв эрур, кўнгулки, айтурсен лаби хандонин ўп.

Пок этак истар эсанг, бир пок этаклик истабон,  
Хоки наълайнига юз қўй, гўшаи домонин ўп.

Гар аёғин рахшининг ўпмак муяссар бўлмаса,  
Кўз солиб ҳар ердаким, кўрсанг аёғ босқонин ўп.

Қоши ёси ғамза ўқин отса ваҳ, мен хастадин,  
Кўзларингга суртубон суфорини пайконин ўп.

Эй Навоий, каъбаи мақсуд васлин истасанг,  
Шоҳи Ғозий қасрининг даргоҳи олийшонин ўп.



Эй сабо хабарчиси, мен томонимдан у чавандознинг майдонини ўп, тўпчасига бошим ўтинчини етказиб, чавгонни<sup>4</sup> ни ўп.

Тезюрар отининг юриши чоғи ҳамдамлик қила олманг, ерга мен учун юзингни қўйгину, ҳар кўрганингда ўйноқлашини ўп.

Эй кўнгул, лаъл каби лаби кулса, менда ўпишга ҳам ҳол қолмайди, лаби хандонини ўп деганинг ортиқча сўздир.

Покиза этак истасанг, бир пок этаклик одамни истаб, икки ковуши чангига юз қўйиб, этагининг бир чеккасини ўп.

Отининг оёғини ўпиш муяссар бўлмаса, кўз солиб, қаерга оёқ босганини кўргину ўша ерни ўп.

Қошининг ёйи ғамза ўқини отса, мен хаста учун у ўқни кўзингга суртиб, пайконини ўп.

Эй Навоий, мақсад каъбасини кўришни истасанг Шоҳи Ғозий қасрининг олий даргоҳини ўп.

---

<sup>4</sup> Чавгон – от устида туриб ўйналадиган тўп ўйинида тўпни тўхта-тиш, уришга мўлжалланган учи эгри узун таёқ.

Зулфу юздин сунбулунгни гул уза тарқотма кўп,  
Даҳр боғида гулу сунбул исин бутротма кўп.

Кўзларингким, масти хоболуд эрур кўп овлама,  
Ҳар сари уйқуға борған фитнани уйғотма кўп.

Зулфиға, эй мушқ, истарсен қаримчи бандалиғ,  
Йўқ ҳадинг, кечкил бу савдодин ўзунгни сотма кўп.

Ўйнай-ўйнай ўлтурур бир-бир улусни кўзларинг,  
Шўх қотилларни жонлар қасдиға ўйнотма кўп.

Тийрадур Мажнунки, мендек дебсен ани, эй хирад,  
Ақлу ҳуш аҳлини бу девонаға ўхшотма кўп.

Эйки, мужгондин ясол туздунг кўнгуллар сайдиға,  
Кўз юмуб очқунча ушбу хайлни қўзғотма кўп.

Эл била ҳар дам қадаҳ янглиғ кулуб, эй муғбача,  
Қон ёшим сочиб суроҳийдек мени йиғлотма кўп.

Сафҳайи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,  
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.

Чун Навоий қисмати жоми май ўлмиш, эй фақиҳ,  
Сарзаниш айлаб анга санги маломат отма кўп.

Эй гўзал, гул устига кокилинг билан сунбулдек сочларингни кўп тарқатаверма, олам боғида гул билан сунбул ҳидларини кўп анқитаверма.

Кўзларинг маст ва уйқисираган, уларни кўп безовта қилаверма, уйқуга кетган фитнани кўп уйғотаверма.

Эй мушк, ёр кокилларига ҳабашдек қуллик қилмоқчи бўлсанг, бунга сенинг ҳаддинг йўқ, кўп ўзингни бозорга солиб сотаверма.

Кўзларинг элни ўйнаб туриб бирма-бир ўлдиради. Шўх қотилларни жон олиш учун кўп ўйнатаверма.

Эй ақл, Мажнунни мендек шарманда дебсан, ақли, ҳуши бор одамларни бу девона – ошиққа кўп ўхшатаверма.

Эй гўзал, кўнгилларни овламоқ учун киприкларингни саф торттирдинг, кўз юмиб очгунча бу лашкарни кўп қўзғатаверма.

Эй май қуювчи, одамлар билан ҳамиша қадаҳ сингари кулиб сўзлашасан. Менинг қон ёшларимни май шишасидек тўкиб кўп йиғлатаверма.

Эй ориф, хотиранг варағида ёр турган бўлса бас, кўпам яккалик поклигига хавотир хашагини қўшаверма.

Эй фақиҳ, Навоийнинг қисмати жоми май бўлибди, уни уялтириб маломат тошларини кўп отма.

Қасри жоҳингға сипеҳр авжида айвон бўлди тут,  
Ҳам сипеҳр осибидин ер бирла яксон бўлди тут.

Лаъли руммоний тиларсен дам-бадам зийнат учун,  
Қатра-қатра бағринг андин нордек қон бўлди тут.

Нафъ учун куймактин ўзга кўрмадук парвонадек,  
Бир қуёш ҳар тун санга шамъи шабистон бўлди тут.

Дайр қасди қилмағил ҳар лаҳза ошиқ бўлғали,  
Қасди дининг қилғучи бир номусулмон бўлди тут.

Истадинг дунё арусин туштаги маҳбубдек,  
Топмас эргач ком лаълидин пушаймон бўлди тут.

Шўхлар қошин тиларсен, лек андоқким ҳилол,  
Жонға етганда кўрунғач кўзга пинҳон бўлди тут.

Бир муғаннийдин наво топмоқ тиларсен, чангдек  
Эгри қад бирла ишинг фарёду афғон бўлди тут.

Кўси шавкат етти дўзахга эшик қоқмоқдурур,  
Бас ети иқлим мулки узра султон бўлди тут.

Эй Навоий, ўзни жамъ эт, йўқса олам махзанин  
Қон ютуб жамъ айлабон, ўлғач паришон бўлди тут.

Мартабанг қасрига осмон гумбазида айвон қурилди деб бил,

Ҳам фалак кулфатидан бу айвон ер билан яксон бўлди деб бил.

Безамоқ учун дам-бадам қипқизил лаъл тошини қиди-расан, қатра-қатра бағринг анордек қон бўлди деб бил.

Парвонага ўхшаб куйишдан бошқа фойда кўрмадик. Бир қуёш ҳар кеча санга тундаги шамъ бўлди деб бил.

Ошиқ бўлиш учун ҳар лаҳза майхонага боришни ўйлай-верма. Бир номусулмон динингга қасд қиляпти деб бил-гил.

Тушингда кўрган маҳбубадек дунё келинини истайсан, унинг лаълдек лабидан баҳра олмагандан кейин пушаймон бўлдим деб бил.

Шўх гўзалларнинг қошларини кўришни истайсан, ле-кин бундай ҳилол жонингга етканингда кўздан ғойиб бўли-шини ҳам билиб қўй.

Чангга ўхшаб бир ашулачидан куй тингламоқчи бўла-сан, эгри қадинг билан ишинг доду фарёд бўлди деб бил.

Шавкат ноғораси етти дўзахга етиб, унинг эшигини қоқмоқдир. У энди етти иқлим мамлакатига подшо бўлди деб бил.

Эй Навоий, ақлингни йиғиб ол, бўлмаса қонлар ютиб тўплаган олам хазинаси сен ўлганингда кейин тўзиб кет-ди деб билавер.

Эй кўнгул, ул аҳди ёлғон меҳр шартин қилди тут,  
Аҳдини поёнига еткурмайин айрилди тут.

Ханжари ҳижрон била охир кесар жон риштасин,  
Меҳр торин риштаи жонингга маҳкам бўлди тут.

Чун майи васл ўзгалар ичмакка боис бўлғуси,  
Ҳар нафас хуноби ҳижрон ютмоғингни билди тут.

Ё эшитмас, ё эшиткач зулмин айлар бирга юз,  
Ҳолинг ул золимга юз минг қатла бас айтилди тут.

Дема санчиб ниши ҳижрон еткурай нўши висол,  
Чун бу нўшунг ўлтурур, ул ниш ҳам санчилди тут.

Мотам ашки дурри чун туфроғинга сочилғуси,  
Гавҳари анжум фалакдин бошинга сочилди тут.

Эй Навоий, қисвати фақр иста, йўқса чархнинг  
Атласин кийдинг гумон эт оқибат эскилди тут.

Эй кўнгул, у аҳди ёлғон гўзал меҳрибонлик кўрсатишга шарт қилди деб билгин, лекин ваъдасини охиригача ет-кизмасдан айрилди, деб билгин.

Ҳижрон ханжари билан охирда ўз ипларини кесади, шундай экан, меҳр торларини жонинг иплари билан боғлаб қўйди, деб бил.

Маҳбуба висол майини ўзгалар ичишига сабаб бўлган экан, у ҳар нафасда ҳижроннинг қонли сувларини ютишингни билар экан, деб ҳисоблагин.

Ҳолингни у золимга юз минг марта айтилган бўлса ҳам, аҳволимни ё эшитмайди, ё эшитгач, зулмини юз марта оширади.

Ҳижрон тигини санчиб висол лаззатини еткизаман, дема, чунки бу лаззатинг ўлдиради, у тигни ҳам санчганинг рост.

Мотам ёшларининг дурлари тупроғингга сочилар экан, юлдузлар гавҳари бошингга сочилди, деб бил.

Эй Навоий, фақирлик кийимини истагин, бўлмаса фалак атласини кийдингу, охирида эскиди, деб билгин.

Келгул, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,  
Чун вафодин тортилул, сен ҳам бориб бир гўша тут.

Чунки ул бизни унутмоғни соғинди яхши иш,  
Сен дағи кел бир нафас ани соғинмоғни унут.

Ул қуёш ҳар дам бўлул бир зарра бирла гарммехр,  
Меҳр шамъин сен дағи бир ўзга ой бирла ёрут.

Ҳайф эрул ҳар шўхи раъно юзига чун пок ишқ,  
Шавқ ўтин кел сен дағи бир ишвагарлардин совут.

Эй пари, бир телба гар оввора бўлди, ғам ема,  
Одамийвашлар била нозук мизожингни овут.

Гар кўзум ёшиға ул гул мултафит бўлмас не ғам,  
Гул булутдин тозадур, сероб эмас гулдин булут.

Даҳр боғида гиёҳи меҳр ҳаргиз бутмади,  
Гар десангким кўрмайин бемеҳрлик, бу сўзга бут.

Шаҳди айшинг заҳр этар гардун, сен ушбу жомдин,  
Хоҳ комингни ачит, хоҳи мазоқингни чучут.

Тарк қил, сен ҳам Навоийдек ҳавосин, эй кўнгул,  
Ёки ҳар дам бир тараф майлин кўруб, хуноба ют.



Эй қурбон бўлган кўнгул, кел, у қоши ёйдек гўзалнинг меҳрини унут, ул вафо қилишдан воз кечибди, сен ҳам боргин-да, ўзингга бир гўша излаб топ.

У бизни унутишни ўзига муносиб кўрган экан, кел, сен ҳам бир нафас уни соғинишни эсингдан чиқар.

У қуёш юзли дилбар ҳар вақт бир зарра билан ўзаро меҳрибон экан, сен ҳам меҳр шамъини бошқа бир ой билан ёритгил.

Ҳар қайси шўх раъно маҳбубага покиза ишқ ҳайф экан, кел, сен ҳам шавқинг ўтини бу ишвагарлардан совутгин.

Эй пари, бир девона овора бўлибди, деб ғам ема, чинакам, соғ одамлар билан нозик миждозингни овутавер.

Агар ул гул менинг кўзларим ёшига илтифот кўргузмас экан, ғам чекиш керак эмас, чунки гулдан булут баҳра топмайди, лекин гул булут туфайли тозаланиб, гўзаллигига гўзаллик қўшилади.

Олам боғида меҳр гиёси ҳаргиз ўсмайди, шундай экан, бемеҳрликдан шикоят ҳам бефойда.

Гардун айшинг асалини заҳарга айлантиради, сен ушбу жомдан оғзингни ачитсанг ҳам, у асло парво қилмайди.

Эй кўнгул, сен ҳам Навоийдек ҳаёт муҳаббатидан воз кеч, ёки ҳар дамда унинг бир тарафга мойиллигини кўриб, қону зардоб ютиб юравер.



Оҳки, у ошно (маҳбуба) оқибатда (бизга) бегона бўлди,  
Ёр ҳажрида девоналигим оқибатда афсонага айланди.

Ақл билан донишдан лоф урган кўнглим эндиликда йиғ-  
лаб юрибди, ҳа у ўша паримисол гўзалдан айрилганига  
оқибатда девона бўлиб қолган.

Севимли дилдор билан кўришган дамларда қатра-қатра  
шодлик ёшларини сочган эдим, ўша кўз ёшларим оқибатда  
ҳижрон қушларига дона бўлди.

У ҳусн ганжи (гўзаллик хазинаси) ёнимдан кетгач, ғам-  
гин кўнглим аламга тўлди-ю бизнинг вайрона оқибатда  
аждаҳо уйига айланди.

Ҳижрон аламини дафъ қилувчи давоси мастлигу, ўзини  
унутиш эмиш, шундай экан, оқибатда доимий турар жой-  
им майхона бўлиб қолди.

Эй соқий, менга май тут, чунки оқибатда ҳижрон ғами-  
дан мени қутқазган маю май идиши бўлди.

Эй Мажнун, фарёд қилмай менинг оқимни кўргин:  
булбул кўп фиғон чекади-ю, лекин оқибатда куйиб ўрта-  
нувчи парвона бўлади.

Бутга бошимни эгмадим, кўргилки майхона пири олди-  
даги диним ҳадяси оқибатда жарима бўлди.

«Эй Навоий, сен ўлгин, мен эса гоҳ-гоҳ тирилтирай»,  
- деяпсан. Жонона, оқибатда сенга нима бўлганини ҳеч  
билолмай қолдимку!

Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингга бот  
Ким, қабул этман офир деб чиқса эгнимдин қанот.

Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,  
Ташла ул юкни, етишмак истасанг васлиға бот.

Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ  
Ким, анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.

Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни туфайл  
Ангаким, топмиш Масиҳ онинг туфайлидин ҳаёт.

Меҳр юз кўрмай ўчашди пардадин чиққач юзунг,  
Олғали қўймас сариғ юзин қора ердин уёт.

Чун юди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб  
Ким, дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.

Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг  
Бор биайниҳ тўтиё ичинда солғандек набот.

Сенинг висолингга тезроқ етишармиканман деб шундай ҳаракат қиляпманки, ҳатто эгнимдан қанот чикса ҳам, оғир деб рози бўлмайман.

Эй кўнгил, сабр тоғи билан тез юриб бўлмайди, ёр билан тезроқ кўришишни истасанг, у юкни ташлаб юбор.

Чавандозимнинг учқир оти шунчалик тез югурадики, ҳатто чақмоқ ҳам ундан орқада қолди, чунки унинг одати тезлик бўлса, мунинг одати сабр қилишдир.

Масихо ҳақида кўп гапирмай, ҳаётингни ёрга бахшида эт, чунки Масих ҳам у туфайли ҳаётга эришган.

Сенинг юзинг пардадан чиққач, қуёш юзингни кўрмай туриб сен билан ўчакишган эди, энди (юзингни кўргач), уят қора ердан сариг юзини кўтаришга қўймапти.

Кўзларим қорасини ёшларим ювди, юзингни очиб, кўзларимга нур бағишла, ахир бепул одамларга бой кишиларнинг закот бериши фарзку!

Эй Навоий, (ёрниг) оёғи чанги ҳақидаги ширин сўзинг тўтиё ичига новвот солган кабидир.

Тийра кулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер нажот,  
Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.

Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,  
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.

Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилганим,  
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.

То кўнгулдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,  
Қуш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот.

Васл умидиға тилармен умр, лекин войким,  
Сенсизин кўрсам, тирикмен, ўлтурур мени уёт.

Истасангким, ул қуёш чиққач санга қилғай тулуъ,  
Эй кўнгул, ғам сели етқач, тоғдек тутқил сабот.

Ишқинг ўтин гар Навоий десаким, айлай рақам,  
Сўзидин куяр қалам, қурур қора, эрир давот.

Жонона, қоронғи кулбамга келиб, зулматда Хизрни тириклик суви ўлимдан қутқариб қолгандек, мени ҳам ҳалокатдан халос қил.

Содда кўнглим ичига лаъли лабинг хаёлининг тутиши шиша ичига навот солган кабидир.

Юзинг қуёшидаги оғзингни гадо бўлиб сўраяпман, Оллоҳ сени қуёш қилиб яратган экан, заррангдан закот бергил.

Сен отган ўқларинг учлари кўнглимнинг ҳар томонидан худди темирқанот бўлган қуш боласидек бош чиқариб турибди.

Сен билан кўришиш умидида ўзимга умр тилаяпману, лекин, афсуски, сенсиз тирик юрсам, уят мени ўлдиради.

Эй кўнгил, у қуёш чиққач, сенга кулиб боқишини иста-санг, тоғ каби саботли бўл.

Навоий ишқинг ўтини ҳисоб қилмоқчи бўлса, сўзидан қалам куйиб, сиёҳ қурийдди, сиёҳдон эриб кетади.

Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,  
Бияйниҳи анга кирпичлар ўлмиш икки қанот.

Безанса дарду бало шоҳиди ҳалоким учун,  
Мижам тароғдурур, эски туганларим – миръот.

Лабинг хаёлида ашким эрур ҳаёт суйи,  
Фироқинг ичра қорарған кўзум анга зулмот.

Закот ўлур эди юзунг жамоли нақдиға меҳр,  
Тажаммул аҳлиға юздин бир ўлса эрди закот.

Десангки, жонима ўт солмағайсен, эй соқий,  
Такаллум этма майолуд лаб била ҳайҳот!

Қолурлар оғзин очиб ишқ аҳли пўямдин,  
Соғ элга кулгу эрур телба айлаган ҳаракот.

Лабингки, жон берадур аҳли дард қони учун,  
Навоий қониға гар майл этар мумидди ҳаёт.



Кўзим учмоқда, у қутлуғ юзингни тезроқ кўришга шо-  
шиляпти, гўёки киприклар унга икки қанот бўлибди.

Дарду бало шоҳиди мени ҳалок этмоқ учун безанмоқчи  
бўлса, киприкларим унга тароғу, эски доғларим кўзгу бўлсин.

Лабингни ўйларканман, кўз ёшларим ҳаёт сувидир, фи-  
роқинг ичида қорайган кўзим унга (ҳаёт сувига) зулматдир.

Гўзаллар юздан бир закот берадиган бўлса, юзинг жа-  
моли бойлигига қуёш закот бўлур эди.

Эй соқий, жонимга ўт солма, май теккан лабинг билан  
сўзламагин.

Ишқ аҳли тез юришимни кўриб оғизларини очиб қоли-  
шади, соғ одамларга телба қилган ҳаракат кулгили-да!

Навоий қонига ҳаёт ёрдамчиси мойил бўлса, лабинг  
дард аҳли қони учун жон беради.

Эй кўнгул, ёр ўзгалар домига бўлди пойбаст,  
Сенга мушкил ҳолату бизга қатиқ иш берди даст.

Васл торин чекти ул, мен доғи чектим оҳким,  
Риштани уздию бўлдум ҳажр туфроғиға паст.

Неча бош қўйдум йўлида, ваҳки, қилди поймол,  
Заъфлиғ жисмимга зулфи торидек солиб шикаст.

Заҳра йўқ, мужиб сўрарға бўлмасун, ё Раб, киши  
Муфлису ошиқ, севар дилдори – мустағнию маст.

Соқийё, бу ишга беҳудлуғдин ўзга йўқ илож,  
Мужда муғ куйига еткургулки, бўлдум майпараст.

Ғарқ ўлай май баҳри ичра рост ул ғоятқача,  
Ким солиб бўғзум аро чеккай ажал қуллоби шаст.

Эй Навоий, журм узри даштида қил пўяким,  
Яхши эрмас зуҳд занжириға бўлмоқ пойбаст.

Эй кўнгил, ёр ўзгалар қурган тузоққа илиниб қолди,  
сен учун оғир ҳолату, биз учун қаттиқ иш юз берди.

Ул ёр висол торини чертди, мен эса оҳ-фарёд чекдим,  
муҳаббат ипларини узиб юборгани учун ҳажр тупроғига  
юз тубан йиқилдим.

Дилдор йўлига неча бор бошимни қўйдим, у эса дардли  
жисмимни сочлари торидек мажруҳ қилиб бошимни бо-  
сиб ўтди.

Мадорим йўқ, ё Раб, сабабини сўрашга киши бечора  
ошиқ, ёри эса тортинувчи-ю маст бўлмасин экан!

Эй соқий, бу ишга ўзни унутишдан бошқа чора йўқ  
экан, майхона кўчасига хушxabар еткизгинки, мен майпа-  
раст бўлдим.

Май денгизи ичига шу даражагача ғарқ бўлайки, ажал  
бўғзимга қармоқ солиб тортиб оладиган бўлсин.

Эй Навоий, гуноҳлар учун узр сўрайдиган даштда ма-  
кон тутки, зоҳидлик занжирига боғланиб қолмоқ яхши  
бўлмайди.

Субҳ эрур, соқий, мен – махмурмен, сен майпараст,  
Тут қуёшдек жомни, монӣ недур бўлмоққа маст?

Тийра шоми ҳажр аро, ваҳ, асру куп чектук хумор,  
Маст ўлали бу нафаским, васл субҳи берди даст.

Кун бийик чиққунча ҳўю нолани паст этмали,  
Кўп бийик чиққай бу кунким, бўлғабиз биз ерга паст.

Анжуман аҳли юзин гулгун қилали май била,  
Меҳрдин топқунча анжум гуллари бир-бир шикаст.

Чарх мотам еткурур, биз дағи онча йиғлали,  
Ким, кўҳан ғамхонаси ул селдин қилсун нишаст.

Ғар шафоатқа малойик келса, номаҳрам дебоң,  
Меҳр шаклидин фалак йўлин қилали хорбаст.

Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,  
Ким, азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.

Эй соқий, тонг отди: мен май ичгучиман, сен эса май севувчисан, қуёшдек жом тутки, маст бўлишга нима монълик қилади?!

Ҳижроннинг қоронғи кечасида майга кўп хумор бўлдиқ, висол тонги бизга насиб бўлган экан, бир нафас маст бўлайлик.

Кун баландга кўтарилгунча шовқину фарёдни пасайтирмайлик, кун эса биз ерга ласт бўлганимизда ҳам кўп юқори чиқади.

Қуёшдан юлдуз гуллари бир-бир шикаст топгунга қадар йиғилганлар юзини май билан қип-қизил қилайлик.

Фалак бизга мотам келтиряпти, биз шундай йиғлайликки, унинг эски ғамхонаси у селдан вайрон бўлсин.

Воситачиликка фаришталар келса, номахрам деб қуёш шакли билан фалак йўлини тўсиб ташлайлик.

Навой абадийлик кечасигача маст бўлса, ажабланарли жойи йўқ, чунки унинг қисмати азал субҳидаёқ масту аласт бўлган.

Жунун тоши уруб ҳар ён янги доғимни афгор эт,  
Ичимдин лоладек, ишқ ичра тошимни намудор эт.

Чу мажнун қилдинг эмди, эй муғанний, гўшатобингни,  
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнулға туммор эт.

Десанг, кўнгул қуши айлаб ҳаво чеккай навои ишқ,  
Хадангингинг парин айлаб қанот, пайконни минқор эт.

Сочинг куфрида ўлсам, қабрим узра қўйма хирқамни,  
Чекиб ҳар торини бир барҳаман белига зуннор эт.

Кўнгул айвонида оҳим елидин пардаи ишқинг  
Десангким, учмасун, мужгондин атрофиға мисмор эт.

Десанг, оғзин кўрай, эй ақл, марказ нуқтасин иста,  
Вале шарт ушбуким, аввал қуёш даврини паргор эт.

Иморат тарҳидур наълу алифдин ҳар тараф кўксум,  
Вафо қасрин кўпарсанг, бу бинолар узра девор эт.

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра, йўл  
буртоқ,  
Бу йўлда салб этиб ўзлук юкин, ўзни сабукбор эт.

Навоий ўлса тургизгил, юзига юз қўюб, яъни  
Юзига сув уриб ул уйқусидин они бедор эт.

Девоналик тошини уриб ҳамма ёғимда янги доғимни яралаб ташла, ичимдан, худди лоладек ишқ ичидаги тошимни аён қил.

Эй муғанний, мени девона қилдинг, энди кўнгил аламини таскин топтириш учун чолғунг гўшагини бўйнимга тумор қил.

Кўнглим қуши осмонга учиб ишқ куйини куйласин десанг ўқингнинг парини қанот қилгину, ўқинг учидаги темирдан тумшук яса.

Сочинг дардида ўлсам, жандамни қабрим устига қўймай, ҳар бир ипини суғуриб олиб бараҳман белига зуннор қилгин.

Кўнглим айвонида оҳим елидан ишқинг учмасин десанг, киприкларингдан унинг атрофига қозиқ қилгин.

Эй ақл, ёр оғзини кўрай десанг, марказ нуқтасини излаб топ, лекин бунинг бир шарти бор: аввал куёш атрофини паргор қил.

Иморат тарҳи – наъл, кўксимда ҳар тараф алиф.

Вафо қасрини қурмоқчи бўлсанг, бу бинолар устига девор қил.

Мақсад – узоқ, водий – узун, тун – қоронғу, йўл – ўнқир – чўнқир. Бу йўлда ўзлик юкидан воз кечиб, енгил бўлиб ол.

Навоий ўлса, юзига юзингни қўйиб тирилтиргин, яъни юзига сув сепиб, уни уйқусидан уйғотгин.

Вужудим ўртадинг, эй ишқ, эмди тарким тут,  
Худой учунки, мени қайда кўрдунг, анда унут.

Кўнгулни васл чароғи била, дединг, ёрутай,  
Туташти чун бизнинг уй, эмди ўзга уйни ёрут.

Чу васл куймак ила ҳосил ўлмади, эй кўз,  
Таҳассур ашки била шуълалиғ кўнгулни совут.

Жунуни дафъиға кўнглумни доғ этай дебсан,  
Бу доғ саҳлдурур, ҳажр доғидин кўрқут.

Бухори оҳим эрур лойиқ, англагил, эй ашқ,  
Баҳори ҳусниға ногаҳ кераклик ўлса булут.

Не воқиъ ўлса чу тақдирдин эмас хориж,  
Бас ўктадур қилуридин кишига бермак ўгут.

Навоиё, бу ўтар олам ичра беш кун қил  
Ўзунгни май била машғулу ишқ бирла овут.



Эй ишқ, вужудимни ёндирдинг, энди мени холи қўй,  
Худо ҳаққи, мени қаерда кўрсанг, ўша ерда унутгин.

Кўнглингни висол чироғи билан ёритай, дединг. Биз-  
нинг уйга ўт кетди, энди бошқа бир уйни ёрит.

Эй кўз, куйиш билан ёр висолига эришиб бўлмади, ҳас-  
рат ёшлари билан шуълали кўнглини совутгин.

Девоналикни йўқ қилиш учун кўнглимни доғ қилай деб-  
сан, бу доғ-осон, ҳажр доғи билан қўрқитгин.

Эй кўз ёшларим, ҳусни баҳорига ногаҳон булут керак  
бўлса, билгилки, унга оҳим тутуни муносибдир.

Ҳаётда нима юз берса, тақдирдан ташқари эмас, шун-  
дай экан, қилган ишидан одамга ўғит бериш бефойда.

Эй Навоий, бу ўткинчи оламда беш кун ўзингни май  
билан машғул қилгину, ишқ билан овутгин.

Кўнглум олди бир парипайкар малаксиймо йигит,  
Ким, бани одамда андоқ бўлмашиш пайдо йигит.

Оти саркаш, тўни заркаш, хусни дилкаш, нутқи хуш,  
Кўрмадук бу навъ маҳваш чобуку раъно йигит.

Ишқида кўзу кўнгулнинг бир-биридин рашки бор,  
Оллоҳ-Оллоҳ, бўлур эрмиш мунча ҳам зебо йигит.

Зорлиғлар бирла ўлмай топмағумдур худ висол,  
Не учунким мен қари қулдурмен, ул мирзо йигит.

Йўлида юз минг куҳанпир ўлса, қилмас илтифот,  
Кимса кўрганму экин бу навъ бепарво йигит.

Йўлунг узра ҳам гадомен, ҳам қари, ҳам хаста ҳол,  
Бир боқиб ўт ҳолима ҳуснунг закоти, о йигит.

Дайр пири мазҳабин тутмай, мусулмонлар, нетай,  
Олган ўлса нақди иймонимни бир тарсо йигит.

Бош оқарди, сабза хатлар тарки тутсам яхшироқ  
Ким, хуш эрмастур йигитлар базмида, илло йигит.

Эй Навоий, қариб ўзни солмаким, айлар сени  
Бир қадаҳ май бирла ул шўхи қадаҳпаймо йигит.

Бир паримисол фариштасифат йигит кўнглимни олди,  
бундай йигит одам зоти ичида пайдо бўлмаган.

Оти ўжар, тўни – заррин, ҳусни дилга ёқимли, сўзлари  
ширин бундай ойга монанд чавандозу гўзал йигитни кўрма-  
ган эдик.

Бу йигит ишқида кўз билан кўнгил бир-биридан рашк  
қилади, ҳай-ҳай йигит ҳам бунчалик зебо бўлар эканми?!

Зорланиб ўлмагунча унинг висолига етиша олмайман,  
чунки мен қари қулман, у эса мирзо йигитдир.

Йўлида юз мингта қари ўлса ҳам у илтифот қилмайди,  
бундай бепарво йигитни ким кўрган экан?

Мен сенинг йўлингда ҳам гадоман, ҳам қариман, ҳам  
беморман, хуснинг закоти қилиб менга бир боқиб ўтгин,  
о йигит!

Эй мусулмонлар, иймоним бойлигини бир тарсо йигит  
олган бўлса, майхона бошлиғи айтган йўлдан бормай, нима  
иложим бор?

Бошим оқарди, мийиғи сабза урган ёшлардан ўзимни  
узоқ тутсам яхшироқ бўлади, чунки йигитлар базмида  
бўлмоғим маъқул эмас.

Эй Навоий, қаридим деб ранжима, ўзингни унутиб қўйма,  
у шўх косагул сени бир қадаҳ май била йигитга айланти-  
ради.

Маст чиқти яна ул қотили бебок йигит,  
Чок айларга кўнгуллар ёқаси чок йигит.

Ақл пирина фано дайрида расво қилди,  
Ким кўруптур бу сифат золиму бебок йигит.

Етти иқлимда офат йигитимча эрмас,  
Қуёшидин ясаса бу етти афлок йигит.

Гаҳ қилур зулму гаҳе қатл ҳавас, ким кўрмиш  
Қотилу золим аро буйла ҳаваснок йигит?

Поклик пардасида тутсун ани эзиди пок  
Ким, эрур асру юзи поку ўзи пок йигит.

Қаридинг, ўзни қарилар сари солким, ярашур  
Кирса чолок йигит базмиға чолок йигит.

Эй Навоий, йигитинг назминга майл этти, севун  
Ким, насиб ўлди санга соҳиби идрок йигит.

Ул бепарво қотил йигит кўнгиллар ёқасини чок қилиш учун яна маст бўлиб чиқди.

У ақл пирини йўқлик майхонасида расвои олам қилди. Бундай золиму бепарво йигитни ким кўрибди экан?!

Етти осмон агар қуёшидан ясаганда ҳам етти иқлимда менинг офатижон йигитимча бўла олмайди.

Гоҳ зулм қилади, гоҳида одам ўлдиришни ҳавас қилиб қолади.

Қотиллару золимлар ичида бундай ҳавасли йигитни ким кўрган?

Пок Оллоҳнинг ўзи уни поклик пардасида тутсин, чунки у ниҳоятда юзу поку ўзи пок йигитдир.

Қаридинг, қарилар ичига кир, тетик йигитлар базмига йигит кирса ярашади.

Эй Навоий, йигитинг шеърингга мойил бўлди, севингилким идрок соҳиби бўлган йигит сенга насиб қилди.

Ёна солди ҳажр ҳам тан, ҳам кўнгул, ҳам жонға ўт,  
Солди ўт ҳижрон манга, ё Рабки, сол ҳижронға ўт.

Айтқай, киймиш жунун мулки шаҳи заркаш либос  
Кўрган эл, бу навъким тушмиш мени урёнға ўт.

Гўйиё бўлди қуюн ғам даштида эскан самум,  
Йўқса тушти мен киби мажнуни саргардонға ўт.

Манзилинг эрди кўзу кўнглум, вале сен борғали  
Муни сув қилди харобу тушти ул вайронға ўт.

Мен дағи куймай қутулмоқ, эй кўнгул, мумкин эмас,  
Буйлаким солди дамим ғам даштида ҳар ёнға ўт.

Дуди оҳим дош дудидекму равзандин чиқар,  
Ё солибтур фурқатинг бу кулбаи аҳзонға ўт.

Гар манга ўт солди даврон ҳажридин, бас айб эмас,  
Мен дағи солсам дамодам оҳ ила давронға ўт.

Не учун ашжордин йиғмиш ўтун, эй боғбон,  
Оташин гулдин агар урмас фалак бўстонға ўт.

Эй Навоий, тан қолиб жонимни олиб борди ёр,  
Солди ул борғанға ўт, ҳижрон вале қолгонға ўт.

Айрилиқ яна тану кўнгулу жонимга ўт солди, ҳижрон менга ўт солди, ё Аллоҳ, сен ҳижронга ўт солгин.

Менинг яланғоч танимга тушган ўтни кўрган одамлар жиннилик мамлакатининг подшоси олтинранг кийим кийибди, деб ўйлашади.

Мен каби саргардон мажнунга ўт тушгани йўқ, гўё ғам-алам даштида эсаётган чанг тўзони қуюнга айлангандек бўлди.

Сенинг келадиган жойинг кўзимга кўнглим эди, лекин сен бораётган чоғ буни сув хароб қилди-ю, у вайронга ўт тушди.

Эй кўнгил, менинг нафасимдан ғам даштида ҳамма ёққа ўт тушган экан, куймасдан қутулишимнинг иложи йўқ.

Оҳим тутуни қозон тутунидек дарчадан чиқаяптими ёки фурқатинг бу ғам кулбасига ўт солганмикан?

Даврон ёр ҳажридан менга ўт солган экан, мен ҳам вақти-вақти билан давронга ўт қўйсам айб бўлмайди.

Эй боғбон, фалак оловранг гуллардан бўстонга ўт қўйишни истамаса, нима учун дарахтлардан ўтин йиғяпти?

Эй Навоий, ёрим танимни қолдириб жонимни олиб кетди, у кетганга ўт солган бўлса, ҳижрон қолганга ўт қўйди.

Ваҳки, ҳажринда жаҳон бўлди кўзумга зулумот  
Ким, борур яйқалибу қайтмас ул оби ҳаёт.

Зулфи оллинда бинафшаки, бошин солди қуйи,  
Ани кўрмакка ҳамоно мунга монӣдур уёт.

Ҳаракат қилса лабинг туз тўкулуб шаҳд оқар,  
Тузлуқ эл кўп, бири йўқ сен киби ширинҳаракот.

Терлаган лаъли гулоб ичрамудур гул барги  
Йўқса усрук кўзиму солди арақ ичра набот.

Кўнглум ул гулга қилиб майл, фиғонким, булбул  
Орият истадиму бермади бир лаҳза қанот.

Бу чаман ичра хазон сарсаридин сарв киби,  
Ғами йўқ тузлуқ ила кимки шиор этти сабот.

Кўр Навоийники кўнгли уйидур бутлар ила  
Уйла бутхонаки, анда тўладур Лоту Манот.



Эй воҳ, ёрдан айрилганим туфайли жаҳон кўзимга қоп-қора бир зулмат бўлиб кўринмоқда. Бу ҳаёт суви чайқалиб боряпти, лекин қайтиб келмайди.

Ёр сочи олдида бинафша бошини қуйи солди, чунки уни (сочини) кўришга бунинг (бинафшанинг) ҳаёси йўл қўймади.

Лабинг ҳаракат қилса, туз тўкилиб, асал оқади. Тузли эл кўпу, лекин биронтаси ҳам сен каби ширин ҳаракат қила олмайди.

(Маҳбубанинг) терлаган лаби гулоб ичидаги гул баргими ёки ширакайф кўз арақ ичига новвот солиб қўйдимикан?

Кўнглим у гулга (гўзалга) мойилдир, лекин, ҳайҳот, бул-бул вақтинчаликка ҳам қанотини менга бериб турмади.

Бу чаманда ким сарвдек тўғрилиқни ўзининг доимий шиори деб билган бўлса, кузнинг кучли совуқ шамолидан ғам чекмайди.

Навоийни кўргинки, кўнгли уйи бутларга тўла, бу кўнгли шундай бир бутхонаки, унда Лот ва Манотлар тўлиб-тошиб ётибди.

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лаболаб бодаошомимға айт.

Ком талху бода заҳру ашк рангин бўлганин,  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.

«Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди?» деб,  
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ҳажрида нангу номким, тарк айладим,  
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимға айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимға, айт?

Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини зинҳорким, кўрсанг дилоромимға айт.

Эй тонг шабадаси, менинг аҳволимни дилоромимга айтгин; сочлари сунбуд, юзи гуд, қомати сарв каби ёримга айтгин.

Лаъл каби лаблари дардида дам-бадам қон ютишимни базмда айш суриб, тўлдириб май ичаётган маҳбубамга айтгин.

Оғиз аччиғ, май – заҳар, кўз ёшларим қонли бўлганини лаъл каби лаблари ширин, сўзлари чиройли, шўху ўжар дилбаримга айтгин.

Айрилиқ кечаси ҳаётингни нега қора қилди? – деб мендан сўрамагин-да, бу сўзларни тонги йўқ шомимга айтгин.

У паридек гўзал ҳажрида номусу обрўйимдан айрилдим, буни айрилиқ водийсидаги кўнгил деб аталган ёмон отлигимга айтгин.

Эй каромат қилувчи, ишимнинг бошланиши исён бўлган эди, охир ҳаётимга раҳмат шамъининг нури тушармикан, айтгин.

Ғам-алам ичида ошиқ Навоийнинг ороми йўқ, эй дўстим, дилоромимни кўриб қолсанг, аҳволимни зинҳор унга айтиб қўйгин.

Хирмани рухсориға солмиш майи гулнори ўт,  
Уйлаким, гул хирманиға оташин рухсори ўт.

Ҳажр шоми ғам сипоҳин, кўрки, кўнглум даштида  
Най ёқибдурлар черик тушган киби ҳар сори ўт.

Ўт агар итса жаҳондин, оҳим ўлса, ғам эмас,  
Еткурай бир дамда юз аввалғи ўт миқдори ўт.

Ғар ҳарорат мужиби эрмас чучуклик, бас недур  
Ҳар замон жонимға солмоқ лаъли ширинкори ўт?

Фўтайи зарбафт эмас ул шўхи раъно бошида  
Ким, аён қилди узори тобидин дастори ўт.

Май батининг кўр нишотафзолиғин ҳузн аҳлиға  
Ким, сочар суҳбатни гарм айлар учун минқори ўт.

Ғар Навоий ўхшатур кўкни тутунга, айб эмас,  
Чун булутқа урмиш онинг оҳи оташбори ўт.

Ёрнинг оловранг рухсори ўт солгандек у ичаётган анор гули рангидаги май юзи хирмонига ўт солибди.

Кўргинки, айрилиқ кечаси кўнглим даштида ғам-алам аскарлари бир ерга тушган лашкар ҳар тарафда ўт ёққанидек қамиш ёқибди.

Агар жаҳондан ўт ғойиб бўлса, менинг оҳим бор экан, ғам чекишнинг ҳожати йўқ, бир нафасда аввал қанча ўт солган бўлса, ундан юз марта кўпроқ ўт етказиб берман.

Ҳарорат сабаби ширинлик бўлмаса, нега ҳар замон жонимга ёрнинг ширин лаби ўт солади.

У шўх гўзал бошидаги заррўмол эмас, балки салласи унинг юзи тобидан ўт бўлиб кўриняпти.

Қайғу аҳлига май ўрдаги (қадах)нинг шодлик бағишлашини кўрки, суҳбатни қизитиш учун унинг тумшуғи ўт сочмоқда.

Навоий осмонни тутунга ўхшатса айби йўқ, чунки унинг (Навоийнинг) ўт сочувчи оҳу фарёди булутларга ўт ургандир.

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,  
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонға тушти ўт.

Дедилар: эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти.  
Бу сўз эшиткач, мени бехонумонға тушти ўт.

Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,  
Барқи офат чоқилиб ул корвонға тушти ўт.

Ўқларинг кўнглумга тушкач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан  
Ким, куяр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт.

Совуруб гул хонумонинму қуюн рангин экин,  
Ё фалак бедодидин сарви равонға тушти ўт?

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдуртали,  
Элга ўт солдинг, вале мен нотавонға тушти ўт.

Эй Навоий, билки оҳе чекмишам беихтиёр,  
Десаларким, бешаи Мозандаронға тушти ўт.

Лолазор эмас, оҳимдан жаҳонга ўт тушган, шафақ эмас  
бир чеккадан осмонга ўт кетган.

Ёр юзининг ўти элнинг уйларини ёндирмоқда, дедилар.  
Бу сўзни эшитгач, мен бошпанасиз дарбадарга ўт тушди.

Юзининг ёлқини сабрим лашкарини куйдириб юборди,  
гўёки офат чақмоғи чақилди-ю, карвонга ўт тушди.

Ўқларинг кўнглимга тушгач, кўзим ҳам, баданим ҳам куй-  
ди, чунки қамишзорга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

Гул уйини совурган қизғиш қуюнмикин ё фалакнинг  
адолатсизлигидан солланаётган сарвга ўт кетганмикин?

Халқни куйдирай деб юзингни очдингу одамларга ўт  
солдинг, лекин ўт мен бечорага тушди.

Эй Навоий, Мозандарон ўрмонига ўт кетибди, десалар  
билгинки, бу менинг беихтиёр чеккан оҳимдир.

Войким, душмандек ўлди аҳдидин бегона дўст,  
 Душманим ўлтурса, аҳд эттимки, тутмай ёна дўст.

Соғаримда захру сахро узра пўям шиддатин  
 Билмас улким, бор анга ҳамкосаву ҳамхона дўст.

Жон қуши ўртанди севгач ёрнинг ўтлуғ юзин,  
 Найлагай куймай, чу бўлғай шамъ ила парвона дўст.

Водийи ҳижронда ағёреға ёр ўлдум, не тонг  
 Гар бўлур гули биёбоний била девона дўст.

Дўстлуқ жонондин истармен, манга олам эли  
 Душмани жон бўлса бўлсун, бор эса жонона дўст.

Аҳли дин паймоншикандур, қилса бўлмас дўстлуқ,  
 Бас манга муғ дайрида улким, тутар паймона, дўст.

Зулфиға тушса Навоий холи шавқидин не тонг,  
 Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст.



Эй вой, дўстим худди душмандек ўз ваъдасини унутди, душманим ўлдирса ҳам энди дўст тутмайин, деб аҳд қилдим.

Кўлимдаги қадаҳда заҳар борлигини ҳам, саҳро бўйлаб югуриб юрганимда ҳам менга ҳамкоса-ю ҳамхона бўлган дўстим билмайди.

Жоним қуши ёрнинг ўтли юзини кўргач, ўртаниб ёнди, шамъ билан дўст бўлган парвона куймай нима ҳам қиларди?!

Ҳижрон водийсида бир рақибга ёр бўлдим. Дашту саҳро деви билан девона дўст бўлса нима қилибди?!

Жононадан дўстлик истаяпман, у менга дўст экан, олам аҳли душмани жон бўлса бўлаверсин.

Дин аҳли аҳдида турмовчи бўлади, шунинг учун улар билан дўст бўлиш ярамайди. Майхонада қадаҳ тутувчи менга дўст бўлса, шунинг ўзи басдир.

Ёр холи ишқида Навоий кўнгли унинг сочлари ичига тушиб қолса ажабланарли жойи йўқ, чунки донхўр ҳар бир қушнинг тузоққа тушмай иложи йўқ.

Бош қўярмен куп аёгинда май ичсам пайваст,  
Қани муғ дайрида мендек яна бир бодапараст.

Ҳажридин токи кўнгул синди, оқар турмай қон,  
Шишадекким, тўкулур бодаси чун топти шикаст.

Дин ҳавас айласам, ўлтурмангиз, эй муғбачалар  
Ким, бурун тавба ушатқан куни бўлмишмен маст.

Мени майхонага соқию муғанний қилмиш –  
Чанг зулфию тараб соғари бирла побаст.

Жоҳ базми аро саркашлик ила топма гурур  
Ким, бўлур буйла бийиклар яна бир жом ила паст.

Йўқ ҳарифеки, фано даштида қўллар тутушиб,  
Бўлса йўл қатъида ҳампой мангаву ҳамдаст.

Мени усрук кўрубон жомим ушатма, эй шайх  
Ким, бу янглиғ мени маст этган эрур жоми аласт.

Селдин томға нишаст ўлғанидек, дайр ичра  
Бода селобидин ўлди мени вайронға нишаст.

Ғарқи май бўлди Навоию эрур уйла заиф  
Ким, суроҳий қилидин солса бўлур бўғзиға шаст.

Майни тўхтамасдан, қадаҳни қадаҳга улаб ичсам, май идиши оёғига бошимни қўйишим аниқ. Муғ дайрида, майхонада менга ўхшаш бир бодапараст, ичкиликбоз топи-лармикан?

Маҳбубдан айрилиқ туфайли кўнглим дарз кетди-ю, худди шишага шикаст етса, ичидаги бода тўкилганидек, ундан тинмай қон оқяпти.

Эй май ташувчи йигитчалар, дин йўлига интилган бўлсам, мени ўлдирманглар, чунки олдинги кунни тавба қилган чо-римдаёқ маст эдим.

Мени соқий ва чолғучи майхонада чанг зулфи ҳамда шодлик қадаҳи билан боғлаб қўйишган.

Молу дунё базмида ўжарлик қилиб, мағрурланмагин, чунки сенга ўхшаган кеккайганларнинг бир жом май ичга-нидаёқ шашти пасайиб қолади.

Фано, йўқлик даштида тинмай йўл босарканман, ме-нинг қўлимдан тутиб, ҳамқадам, мададкор бўла оладиган бирон улфатим йўқдир.

Эй шайх, мени ширакайф ҳолда кўриб, қўлимдаги жо-мимни синдирма, чунки мени бунчалик маст қилган нарса худди аласт жоми, яъни тақдир майидир.

Узлуксиз сел ёққанида уйларга шикаст етиб, йиқилга-нидек, майхонадаги май селидан менинг жисмим уйи ҳам вайрон бўлган.

Навоий май денгизига фарқ бўлиб, шунчалик ҳолдан кетдики, қадаҳ ичига тушган қилни бўйнига солиб уни сувдан тортиб олиш мумкин.

Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис,  
 Ҳавоси шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.

Масиҳ дам ура олмас анга уруж туни,  
 Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис?

Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё  
 Нуқатни дона, хутутини дом қилди ҳадис.

Лабидин айру тушуб сўт учун китобатдин,  
 Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.

Чибинни шаҳд нечукким йиғар, такаллумдин  
 Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.

Зиҳи такаллуми мўъжизнизомким, келгач,  
 Араб фасиҳлариға ҳаром қилди ҳадис.

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,  
 Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

У ширин сўз гўзал гапирганида,

Юз йил изом шарбатининг ҳам ҳавасини келтириб юборди.

Агар бизнинг юқорида юрувчи ойимиз қадам қўйса,

Масиҳ мерож туни унга дам ура олмайди.

Қаерга сўзини ёзган бўлса, нуқталарни дона, хатлари-  
ни тузоқ қилганидек, халқ унинг ови бўлди.

Унинг ёзувидан айрилгани учун сўз мотам тутиб кийи-  
мини қора қилган бўлса, ажабмас.

Асал чивинларни йиққани каби сўзи билан ҳуркиб қоч-  
ган кўнгилларни бир нафасда ўзига ром қилди.

Сўзлари шундай мўъжизакорки, улар араб олимларига  
сўзни ҳаром қилди.

Навой сўзи элни тутиб кетди, чунки улар Расули алай-  
ҳиссаломнинг сўзлари эди-да!

Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,  
Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.

Ёр дерким, баҳс қил эрним билаким, не учун  
Кўнглунг олиб қасди жон этти, қилай жон бирла баҳс.

Эй кўнгул, гар ақл этар манъи жунуним не жадал,  
Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.

Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонғадур,  
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонға жонон бирла баҳс.

Носиҳо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,  
Олими шаҳр этмагай вули биёбон бирла баҳс.

Фақр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,  
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмағил  
Ким, гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.

Ёрнинг нутқи жон бағишлаш соҳасида у кулувчи лаъл билан, гўё Исо ҳаёт суви билан баҳслашгандек, беллашади.

Ёр: «Лабим билан баҳс қил, нима учун у кўнглингни олиб қасди жон этди, жонинг билан мен баҳслашай», - дейди.

Эй кўнгул, агар ақл девоналигимни манъ қилса, у билан баҳслашма: ахир доно одамнинг нодон билан баҳслашиши айб саналади.

Жонимни жонон тилар экан, Худо ҳақи, бу жонимга қилинган яхшиликдир. Ёр қандай ҳукм қилса ҳам, у билан баҳслашиш жонга тегмайди.

Эй насиҳатчи, кийиклардан айрил деб мен билан кўп баҳслашаверма: шаҳар олими биёбон деви билан баҳслашмайди, ахир!

Йўқлик кўчасида нима эшитсанг, баҳслашмай қабул қил маърифат билан баҳслашган одам доно саналмайди.

Эй Навоий, ёр ҳар қанча зулм қилса, тортгилу, норозилик билдирма, чунки гадонинг ҳеч бир ишда подшо билан баҳс қилишга ҳадди йўқ!

Менинг жунунима гар ул пари эрур боис,  
 Ҳалокима қад ила пайкари эрур боис.

Дема недин куясенким, анинг юзу лабидин  
 Бу ишга шуъла била ахгари эрур боис.

Кўнгул қуши туну кун мулки бохтар сари  
 Ҳаво қилурға маҳи ховари эрур боис.

Мангаки, ғамзасидин ўлмишам, ҳаёти абад  
 Хаёлиға лаби жонпарвари эрур боис.

Чаманда булбул этар шавқ нуктасин такрор  
 Ки, гул варақларининг дафтари эрур боис.

Ул ой фироқида ашким оқарға шому саҳар,  
 Тулуъи Зухра била Муштарий эрур боис.

Кўнгулни чоку бағирни шикоф истарима  
 Анинг қиличи била ханжари эрур боис.

Ҳамеша дайр ичида бўлмоғимға муғбачалар  
 Карашмасию фано соғари эрур боис.

Навоий ўлмасиға озими Ироқу Ҳижоз  
 Магар назоҳати мулки Ҳири эрур боис.



Менинг девоналигимга у пари сабаб бўлса, ҳалокатимга унинг қадду басти сабабчидир.

Унинг юзию лабидан нима учун қуялсан деб сўрама. Бу ишга унинг шуъласи-ю, чўғлари сабабдир.

Кўнгил қушининг кечаси-ю кундузи ғарб мамлакати томон учишига Шарқ ойи сабабдир.

Мен унинг ғамзасидан ўлганман, абадий ҳаёт хаёлига жон бағишловчи лаби сабабдир.

Чаманда булбул ишқнинг нозик маъноларини такрор қиларкан, бунга гул варақларининг дафтари сабабчи.

У ой ҳажрида эртаю кеча кўз ёшимнинг оқишига Зухра билан Муштарийнинг чиқиши сабаб.

Кўнглимнинг бўлиши-ю, жигаримнинг тешилишига ёрнинг қиличи билан ханжари сабабчидир.

Менинг ҳамишам майхона ичида бўлишимга май қуювчи болаларнинг нози карашмаси-ю йўқлик қадаҳи сабабчи.

Навоийнинг Ироқу Ҳижоз томон кетмаслигига Ҳирот шаҳрининг покизалиги сабабчи.

Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж  
Ки, ранж чекмаса ҳаргиз муяссар ўлмас ганж.

Агар кишига чекиб ранж, ганж бўлди насиб,  
Деса бу ганжни асрай, йўқ андин ортуқ ранж.

Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,  
Бу ғуссасанждур, олған киши – фароғатсанж.

Йилон киби, не ажаб, ганж асраған кишининг  
Ҳамеша комида гар заҳр эрур, танида шиканж.

Замона жоҳи учун ҳар ғулулайи ташвиш  
Ки, келса кўнглунг уйини анга қилурсен ханж.

Десангки, фард ўлай элдин кўнгулни холи тут  
Ки, тоқ дерлар агар ханж сари отсанг ланж.

Боши қуйидурур озода савсан оллинда,  
Бу наргис ўлди чаман махзанида нақд-ул-фанж.

Тариқ киби сўюлур талхкомлиқ бирла,  
Тариғ-тариғки, йиғиштурди олтунин норанж.

Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,  
Навойи, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.

Ранжиган кўнгил орзуси фано – йўқлик бўлса, у ранж – алам чексин. Зеро, ранж чекмагунча ҳаргиз ганж – бойликка эришиб бўлмайди.

Агар бир одам алам тортиб, бойликка эришса ҳам, бу бойликни асраб авайлаш учун беҳад машаққат чекиш зарур бўлади.

Ўша одам жавоҳирларини ўлчаб кўриб, уларни кўмиб қўйса, ўзи қайғу ичра қолади-ю, уларни топиб олган киши роҳат-фароғатда яшайди.

Илон сингари хазина асраган кишининг оғзида ҳамиша заҳар бўлиб, танаси бемор бўлиши ҳам ажабланарли эмас.

Замон бойлиги дея ғам-ташвиш тузоғига дуч келгудек бўлсанг, кўнглинг уйини унга бўшатиб беришинг аниқ.

Халқдан узоқроқ бўлайин десанг, кўнглингни холи тут, чунки **фойда сари юрган** кишини тоқ дейишади.

Тик қоматли савсан олдида доим бошини эгиб тургани учун ҳам нарғис чаман хазинасида **«соф фойда»** унводини олишга муяссар бўлди.

Йўлма-йўл олтин йиғиштирган апелсин оқибатда маҳзунликка учраб, эти тариқ каби сўйилди.

Навой, борар еринг Мадина ёки Фаранг (Европа) бўлса ҳам, кўнглинг ҳарамидан хавотир деган сўзни чиқариб ташла.

Эй гадоингнинг гадои барча аҳли тахту тож,  
Ким, гадоингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж.

Кўзларинг оз журм учун қилса итоб эрмас ажаб,  
Бор муайянким, бўлур беморлар нозук мизож.

Гар сановбар тузмамиш сарвинг хилофин кўнглида,  
Ел чинор илги била невчун урар юзига кож.

Эйки, кўнглумни бузуб, дерсен, хаёлимни чиқар,  
Ҳеч ким вайронадин ганж истамас ҳаргиз хирож.

Сен жафо қилғач, кўнгул жон бирла тарким туттилар,  
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож.

Ҳажрдин дод истадим, дединг, сабур ўл, войким  
Тоза доғимға ёнар ўт бирла айларсен илож.

Чун фано гарди ёпар, не суд, тахти жоҳинга,  
Кўкнинг анжумдин мукалал атласин қилсанг дувож.

То гадоингдур Навоий тахт ила тож истамас,  
Эй гадоингнинг гадои барча аҳли тахту тож.

Эй гўзал, барча шоҳу шаҳзодалар сенинг гадойингнинг гадойидир. Ким гадойинг бўлса, унга тожу тахтнинг кераги бўлмай қолади.

Кўзларинг салгина гуноҳ учун ғазаб қилса, ажабланарли жойи йўқ, чунки беморлар одатда нозикмижоз бўладилар.

Санобар дарахти сенинг сарв қоматингга адоватда бўлмаса, нега чинор ўз қўллари билан унинг юзига тарсаки тортмоқда?

Эй «Кўнглингни бузиб, хаёлимни ундан чиқариб ташла» деган маҳбуба, ҳеч кимса вайронадан хирож эмас, ганж олишни ҳам истамайди-ку!

Сен жафо қилганингдан кейин кўнглум билан жоним мени ташлаб кетдилар, шоҳ золим бўлса, эл ичида зулм кучаяди-да!

Айрилиқдан адолат тиласам, «Сабр қилгин» дединг, оҳки, танамдаги янги доғни ёнаётган ўт билан даволамоқчи бўляпсан!

Йўқлик гарди тахту тожингни қоплайдиган бўлса, уларга осмоннинг юлдузлар билан безатилган атласини ёпинчиқ қилганингдан не фойда?

Эй барча тахту тож аҳли гадойингнинг гадоси бўлган гўзал, Навоий сенинг гадойинг экан, тахту тожни асло истамагай!

Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,  
Жавҳар олмоқға гани қилган киби динор харж.

Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўқким, бўлур  
Кечқурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.

Нақди раҳмат харжинг этса Ҳақ, не тонг, улким топар  
Сен киби маҳбуби васлин, айлагай ночор харж.

Фош этиб нақди шафоат қилдинг умматни халос,  
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.

Баҳри раҳматдинки, топтинг, халқ уза бир қатра бас,  
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изҳор харж.

Мағфират ганжи санга тамлик эзур, мониъ эмас,  
Айласанг исёни кўп умматқа ҳар миқдор харж.

Сен киму наътин демак, тил асрағил кўп нуктадин,  
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.

Фалак изинг тупроғи учун, худди қимматбаҳо тошлар олиш учун бой одам олтин пул сарфлаган каби, сайр қилувчи юлдузларини харажат қилди.

Сенинг бошингдан сайр қилувчи ва турғун юлдузлар сочқи қилинса арзийди, зеро, кечқурун шоҳ меҳмон бўлса, мезбон кўпроқ харажат қилади.

Яратган раҳмати бойликларини харж қилса ажабланурли жойи йўқ, ким сендек маҳбуба висолига эришса, бор-йўғини харж қилади-да.

Шафоат хазинасини намоён қилиб одам бор пулини бозор қизиганда харажат қилган каби умматни халос қилдинг.

Гарчи даромад билан харажатни тенглаштириш афзал бўлса ҳам, раҳмат денгизидан халқ ичида бир қатра топган бўлсанг шунинг ўзи сен учун етарли.

Мағфират хазинаси сенинг мулкингдир, кўп исён қиладиган умматга ҳар қанча харажат қилсанг зиён бўлмайди.

Эй Навоий, сен кимсану, унинг мақтовини айтмоққа журъат қиласан, кўп сўз дейишдан тилингни асра, маърифатни ҳар нарсага харажат қилаверма.

Майи лаълинг эрур жон бирла мамзуж,  
Йўқ эрса оби ҳайвон бирла мамзуж.

Жигаргундур сирешким, негаким бор  
Бағир бу ашки ғалтон бирла мамзуж.

Жаҳонни бузди ашким оҳ иланким,  
Эрур сарсар бу тўфон бирла мамзуж.

Кўшилди кўзларимнинг ашки, ваҳм эт  
Ки, Қулзум бўлди Уммон бирла мамзуж.

Кўнгул қон бўлдию ишқинг ўтидин  
Бу қон маҳлул пайкон бирла мамзуж.

Юзига тушти зулф, айланг назора  
Ки, бўлди куфр иймон бирла мамзуж.

Манга ҳар майки, тутти соқийи давр,  
Бурун қилди ани қон бирла мамзуж.

Майи васл истама кўп, эй кўнгулким,  
Эрур ул заҳри ҳижрон бирла мамзуж.

Навойи сури мотам бўлдиким, бор  
Суруди айши афгон бирла мамзуж.



Лаълинг майи жон билан аралашдир,

Ё бўлмаса обиҳаёт билан аралашдир.

Кўз ёшим жигаррангдир, негаки бағрим бу юмалоқ кўз ёшлари билан аралашган.

Кўзларимнинг ёшлари бир-бири билан қўшилди, эҳтиёт бўлки, Кулзум Уммон билан аралашди.

Кўнгул ишқинг ўтидан қон бўлди, бу қон эритилган пайкон билан аралашиб кетган.

Ёр сочи юзига тушди, томоша қилингки, куфр иймон билан аралашиб кетди.

Замона соқийси менга тутган ҳар бир қадаҳ майини олдиндан қон билан аралаштирган.

Навоий, мотам куйи чалинди, бор, бу айш куйи дод-фарёд билан аралашдир.

Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, кушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Кўзум қон ёш тўкар, нетиб кўнгул захмин яшурайким,  
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.

Бўёлған қон аро жон пардаси еткач гами ҳажринг,  
Кўнгул боғида баргедурки, ол ўлмиш, хазон кўргач.

Хадангинг захми ичиндин балоларни юған ёшим,  
Эрур тифлеки, олғай қуш боласин ошён кўргач.

Кўнгуллар нақдини торож этарга ёпмоғинг бурқаъ  
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи корвон кўргач.

Юзин зулф ичра то кўрдум ўлуб васлиға етмасмен,  
Галат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Навойй, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир  
Ки, сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.

Сочларинг ўрамини ногаҳон кўриб қолган кўнгиллар ноҳаси илон кўрган қушларнинг қичқиришига ўхшайди.

Дарёда қон кўрган одамлар балиғнинг ярадорлигини фаҳмлаганларидек, кўзимдаги қизғиш ёшлар кўнглим яра-ларини элга фoш қилиб қўйди.

Кўзим қон ёш тўкаётган экан, қандай қилиб кўнглим ярасини яшириб бўларди?! Ахир овланмоқчи бўлган ҳай-вон қонидан нишон топган одамлар уни тезда топиб олиш-лари аниқ-ку!

Ҳажринг гами етганда, қонга бўялган жон пардаси кўнгил боғининг кузда қизарган барги кабидир.

Ўқингнинг яраси ичидаги балоларни юваётган ёшим қуш уясини кўргач, боласини олган гўдакка ўхшайди.

Кўнгиллардаги бойликни талон-тарож этиш мақсадида юзингга парда тутишинг қарвон кўрган қароқчининг юзи-ни боғлаб олишини эслатади.

Ёр юзини қаро сочлари орасида кўрдиму, лекин ўлиб ҳам унга етишолмаслигим аниқ. Зеро кечаси ҳар томонда ўт кўргач, у томонга қараб йўл олиш нотўғри-ку ахир.

Бу оламда молу дунё вақтинчалик, яхши ном эса аба-дийдир, бас, қўлинг баланд бўлса, элни мақсадига етказ-гин.

Навобий, назмингнинг нозик нукталарини шундай таҳ-рир қилдингки, нозикфаҳи шоҳ бошингдан олтин зарра-ларини сочгусидир.

Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гульузор ўлғач,  
Қуруқ шох уйлаким зоҳир қилур гуллар, баҳор ўлғач.

Қошин кўргач ҳасаддин истарам эл кўзи боғланғай,  
Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор ўлғач.

Жунун эрмас кийиклар суҳбати дермен манга шояд,  
Бир ўқ теккай ғалат, ул қоши ё гарми шикор ўлғач.

Ҳавас ишқ айлаган озода, кечкил бу хаёлингдин  
Ки, чиқмас бу тикан кўнглунгда ногаҳ устувор ўлғач.

Дейолмас дард ила иттим, вале билгилки, чекмишмен,  
Бир оҳе барча олам русса дуди бирла тор ўлғач.

Қилиб манъи жунунум ул пари кўйига юзланган  
Сўзи ҳашв эрканин фаҳм айлағай, беихтиёр ўлғач.

Қани Ҳотам, қани Қорун, қани Жамшиду Афридун?  
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғач.

Фурури жаҳл жоми бирла маст ўлмаки, ўлмакдур,  
Маозаллаҳ, бу майға чарх давридин хумор ўлғач.

Навоий шамъдек йиғлаб, куюб ҳолимни шарҳ айлай,  
Ул ой базмида бир тун рост ошиқларға бор ўлғач.

Ҳамдамим ўша гул юзли ёр бўлгач, унинг жамолини мадҳ этаман, бу, баҳор бўлгач, қуруқ шоҳлар гуллар пайдо қилишига ўхшайди.

Қошини кўрсам ҳасад қилиб одамларнинг кўзи боғла-нишини истайман, негаки улар янги ой чиққанда унга кўзла-рини узмай қарашади.

У қоши ё қизиқиш билан ов қилар экан, битта ўқи хато кетиб менга тегармикан деб риндлар мажлисини эмас, кийиклар суҳбатини истайман.

Ишқни ҳавас қилган покдил инсон, бу хаёлни бошинг-дан чиқариб юборгил, чунки бу тикан кўнглингга ўрнашиб қолса, кейин мутлақо чиқариб бўлмайди.

Айтиб бўлмас дард билан адои тамом бўлдим, лекин билгинки қоронғи бўлгач, барча оламнинг алами тутунла-ри аралаш бир оҳ чекканман.

Менинг девоналигимни манъ қилиб, у парининг кўча-сига йўл олган киши беихтиёр бўлар экан, сўзининг ор-тиқча эканини англаб етади.

Ҳотам қани, Қорун қани, Жамшиду Фаридунлар қани? Шундай экан, сенга фалақдан озгина эътибор бўлгач, эҳсон қил.

Билимсизлик жоми билан мағрурланиб мастлик қилма, Худо паноҳ берсин, бу майга фалақ даврасида хумор бўлган одам ўлгусидир.

Навоий, у ой (гўзал) базмида бу тун ҳақиқий ошиқлар-га эътибор бўлгач, шамъ каби йиғлаб, куйиб аҳволимни тушунтирай.

Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин ларишон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,  
Ё юзунга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,  
Сув қўюб тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач.

Жонга қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!

Гўзал маҳбубам юзи атрофидаги қора сочларини анбар таратувчи қилиб ёйиб юборса ҳусни янада ортади, (ахир) шамъ пилиги таратилса, у равшанроқ ёнади-да!

Юзингни гуллар билан безаб бизни қурбон айладингми ёки бизни қурбон қилганингдан сўнг юзингга бу қонлар тегдими?

Ханжару пайконларинг кўнглим хароб бўлганидан сўнг етиб келди, у мамлакатни вайрон қилгач, сув қуйиб, уруғ экдинг.

Жисмидан оқаётган қонлар эмас, балки жаннат хазиначиси унинг устига гулгун ҳулла (нозик, нафис кийим) ёлган.

У гўзал юзини намоён қилди-ю кўзимни ҳайрон айлади, кўзимни ҳайрон айлагач, яширинча кўнглимни ҳам ўзига ром қилди.

Жонимга ишқи бойлигини жойлагач, кўнглимни ҳалок қилди. Хазинасини яшириб бўлган подшо маҳрамини ўлдиради-да!

Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни ярадор қилмаган бўлса, нега фарёд чекканинга оғзингдан қон келяпти?

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ич,  
Нафас-нафас қуюбон май, тўла-тўло қадаҳ ич.

Мукаддар ўлса замиринг замона меҳнатидин,  
Агар десанг, берай ул кўзгуга жило, қадаҳ ич.

Нишот базмида соқийи моҳваш сархуш  
Бош урса дағи аёғ тутса, қўл соло қадаҳ ич.

Жаҳон ишида боқиб халқ ибтилолариға,  
Алардек истамасанг ўзни мубтало, қадаҳ ич.

Десанг халоу малода бўлай нишот била,  
Агар мало, қадаҳ ичкил, вагар хало, қадаҳ ич.

Риё ичинда неким ҳосил эттинг, эй зоҳид,  
Десанг халос ўлай, эт раҳну ҳосило, қадаҳ ич.

Сангаки дайр элининг шоҳисен, Навоий, агар  
Йўлуқса дайрда махмур, уруб сало, қадаҳ ич.



Ишқ ичида сенга юз азобу бало етса, қадаҳ ич,  
Вақти-вақти билан май қуйгину, тўла-тўла қадаҳ ич.

Замона кулфатларидан кўнглинг кўзгуси хира бўлса, у  
кўзгуга жило берай десанг, қадаҳ ич.

Шодлик базмида ой юзли соқий ширакайф бўлиб ёнин-  
гга келса-ю, қадаҳ тутса, қўлингга олиб қадаҳ ич.

Олам ишларида халқнинг номаъқул қилиқларини кўриб,  
улардек мубтало бўлишни истамасанг, қадаҳ ич.

Танҳолигу кўпчилик ўртасида доим шод бўлай десанг,  
танҳо бўлсанг ҳам қадаҳ ич, кўпнинг ичида бўлсанг ҳам  
қадаҳ ич.

Эй зоҳид, иккиюзламачилик билан нимага эришдинг?  
Ўша эришган нарсаларингдан қутулай десанг, гапнинг қис-  
қаси, гаров бойлашгину, қадаҳ ич.

Навой, майхона элининг шоҳисан, агар сенга майхо-  
нада маст учраса, садо бериб қадаҳ ич.

Фақр аҳлиға подшо муҳтож,  
Уйлаким шоҳға гадо муҳтож.

Ёрға билгач эҳтиёжимни,  
Бўлмадим кимсага яно муҳтож.

Иштиёқим кўп, эҳтиёжим ҳам,  
Анга муштоқмен ваё муҳтож.

Йўқ гадолиғда ихтиёримким,  
Тенгри қилмиш мени санго муҳтож.

Кўйига кирганимда тавсан эдим,  
Лек бўлдум туро-туро муҳтож.

Тенгри раззоқ келди рўзи учун  
Айлама ўзни халқ аро муҳтож.

Бенаводур Навоий оллингда,  
Тонг эмас, бўлса бенаво муҳтож.

Худди шоҳга гадо муҳтож бўлгандек, фақиру қашшоқларга ҳам подшо муҳтождир.

Ёрга эҳтиёжим борлигини билгач, бошқа кишига эҳтиёжим қолмади.

Кўнгил истакларим ҳам, эҳтиёжим ҳам кўп. Унисига муштоқман, бунисига эса муҳтожман.

Гадолик қилишда ихтиёрсизман, чунки Оллоҳ мени сенга муҳтож қилиб қўйган.

Ёр кўчасига кирганимда шўх от эдим, туриб-туриб муҳтож бўлиб қолдим.

Ризқ улашувчи Тангридир, шунинг учун ҳам ўзингни одамларга муҳтож қилмагин.

Навой сенинг олдингда бечорадир, бечора эса муҳтож бўлса, ажабланарли ери йўқ.

*Адабий-бадиий нашр*

АЛИШЕР НАВОИЙ

**ҒАЗАЛ ГУЛЗОРИДАН  
100 ОТАШИН ГУЛ**

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳих  
Муҳаббат МЕНҒОРОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

*Босилми 01.10..2013 й. д. ирруннат этикди. Ғазали 84,108 А32.*

*Босилми тобоғи 6,375. Шартли босилми тобоғи 10,71.*

*Адади 5000 нурха. Ёрпортли № 226.*

*Баҳоси келишилган нархди.*

*«Нили аср алоди» НММди тийёрлиди.*

*«Ёшлар литбурони» босилми хонасида босилди.*

*100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортал кўраси, 60.*

**Мурожаат учун телефонлар:**

**Нашр бўлими – 278-36-89;**

**Маркетинг бўлими – 128-78-43**

**факс – 273-00-14; e-mail: [muhammadali@mail.ru](mailto:muhammadali@mail.ru)**

## «ЯНГИ АСР АВЛОДИ» ТАҚДИМ ЭТАДИ:

### ҲИКМАТ ВА МОҲИЯТ

Йоҳанн Вольфганг Гёте

#### «ҲИКМАТЛАР»

84x108 1/32 100 бет.

Юмшоқ муқова.

Улуғ олмон адиби Йоҳанн Вольфганг Гёте (1749–1832) шоир ва драматург, адабиётшунос, ҳуқуқшунос ва шарқшунос, файласуф, табиатшунос ва давлат арбоби ҳамда «Ёш Вертернинг изтироблари», «Фарбу Шарқ девони», «Фауст» сингари боқий асарлар, шунингдек, 3 мингдан зиёд шеърлар муаллифидир.

Немис ёзувчиси Клаус Зеехафер қаламига мансуб ушбу рисолада ўз ижоди билан жаҳон адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса қўшган улуғ сиймонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобдан, шунингдек, даҳо шоир ва мутафаккир қаламига мансуб Табиат, Инсон, ҳаёт, ижод ва санъат ҳақидаги ҳикматлар ҳам ўрин олган. Таржимон М.Ақбаров мазкур ҳикматлар таржимаси устида ишни давом эттирди. Бунинг натижаси ўлароқ аслиятдан ўгирилиб, илк марта эълон қилинаётган Гётенинг ушбу ҳикматлари ҳам китобхонларда қизиқиш уйғотади, деб умид қиламиз.

### Вильям Шекспир

#### «ДРАМАЛАР»

Инглиз тилидан Фаррух АТАЕВ таржимаси

Бичими 84x108 1/32, 84 бет.

Юмшоқ муқова.

Ҳар бир халқнинг маънавияти ўзга халқлар адабиёти, санъатидан баҳраманд бўлиш орқали қувватланиб боради. Бу борада эса бадиий таржиманинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўқувчи Шекспирнинг шеърӣ услубдаги драмаларининг насрий услубда содда ва лўнда эканлигига гувоҳ бўлади ва қисқа фурсат ичида Шекспир маҳоратидан баҳраманд бўлади.

Китобга «Юлий Цезарь», «Макбет», «Кирол Лир», «Бўрон» каби машҳур асарлар киритилган.

Драмаларда тирикликнинг устунӣ – яхшилик, меҳр-оқибат, ишонч, одамийлик, вафо, муҳаббат эканлиги ўз аксини топган.

**Конфуций**  
**“МУҲОКАМА ВА БАЁН”**  
Бичими 70X84 1/32 112 бет.  
Юмшоқ муқова

Ўзбекчага аслиятдан, яъни бевосита хитой тилидан ўтирилган асарда Конфуцийнинг қонун ва жамият, шахс ва ҳуқуқ, адолат ва маънавият, ҳокимият ва масъулият сингари масалалар юзасидаги қарашлари ўрин олган.

**Балтасар Грасиан**  
**“ЧЎНТАК ФОЛИ”**  
Бичими 60X84 1/32 92 бет.  
Юмшоқ муқова

Балтасар Грасиан машҳур испан донишмандларидан бири. «Чўнтак фоли» – ҳаётий тажрибалар асосида дунёга келган асар бўлиб, бу китоб инсонга тўғри йўл кўрсатувчи ва ҳар бир ишни амалга оширишда доно маслаҳатчидир.

**У. Фолкнер**  
**ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР**  
Бичими 84x108 1/32 180 бет.  
Юмшоқ муқова.

Уильям Фолкнер – XX аср Америка адабиётининг йирик намоёндаларидан бири. Илк шеърлар китоби 1924 йилда нашр этилган. Биринчи романи «Аскар мукофоти» 1926 йилда нашр этилган. «Сарторис», «Шовқин ва қаҳр», «Ўлим тўшагида», «Ибодатгоҳ», «Август ёғдуси», «Авессалом, Авессалом!», «Қишлоқ», «Шаҳар», «Қўрғон», «Мусо, кел», «Нақл» сингари йирик романлар, ҳикоялар ҳамда қиссалар муаллифи Фолкнер Нобель мукофоти совриндоридир.

Иброҳим Фафуров XX асрнинг саксонинчи йилларида Фолкнернинг «Эмили учун атиргуллар», «Тўзонли сентябрь», «Уош», «Қора мусиқа» сингари ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган эди.

Ушбу китоб У.Фолкнернинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Эрнст Теодор Амадеус Хофман.**  
**«ЭРТАҚЛААР: ТИЛЛА ХУМЧА ВА**  
**ШЧЕЛКУНЧИК ВА СИЧҚОН ҚИРОЛИ»**  
Бичими 84x108 1/32 232 бет.  
Юмшоқ муқова.

Эрнст Теодор Амадеус Хофман ижодига мансуб ушбу эртак-киссалар адиб ижоди ҳақида биз ўқувчиларда шундай таассурот қолдиради: Хофман инсон онгини бадиий тадқиқ қилишда ўз мақсадига эриша олган. Шунингдек, бу истеъдод соҳиби ниҳоятда зийраклик билан ўз даврининг барча қусурлари ва зиддиятларини пайқаган ҳамда буни бутун ҳаёлий салоҳиятини ишга солган ҳолда зукко китобхонни ларзага соладиган даражада маҳорат билан тасвирлаган.

**“ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ.**  
**111 ВАТАНДОШ АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ**  
**ҲИКМАТЛИ ФИКРЛАРИ”**  
Бичими 84x108 1/32  
384 бет.  
Қаттиқ муқова

Ушбу китобда юртимизнинг 111 нафар улуғ инсонлари, машҳур алломалари, турли даврда яшаган шоиру фозиллари, ёзувчию файласуфларининг Ватан ҳақидаги, инсон ҳаёти ва фаолияти, фазилати ва қусурлари, кўнгил мулки, боринги, борлиқ ва йўқлик ҳақидаги ҳаёт ҳақиқатлари, ҳикматли иборалари жамланган.

**“АРАСТУ”**  
Бичими 84x108 1/32  
352 бет.  
Қаттиқ муқова

Арасту Ҳаким номи билан дунёга машҳур донишманд файласуфнинг инсон, жамият, одамнинг ҳаётда тутган ўрни каби фалсафий қарашлари жамланган ва чоп этилиши режалаштирилаётган мазкур китоб сизнинг дунё ва борлиқ ҳақидаги қарашларингизни ўзгартиради.

Арасту  
“ХИТОБА”

Бичими 84X108 1/32 352 бет.

Қаттиқ муқова

Кўплаб асарлари маълум бир фан учун асос вазифасини ўтовчи Арастунинг “Хитоба” асари милоддан аввалги даврда ҳам, ҳозирда ҳам фундаментал аҳамиятга молик саналади, қўлдан қўймай ўқилади. Китобада буюк аждодларимиз Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синоларнинг мазкур асарга бағишланган илмий фикрлари ҳам жой олган. Сиз ҳам нотиқлик маҳоратини эгаллашни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйган бўлсангиз ушбу китобни харид қилишга шошинг.

ПЛУТАРХ  
“САЙЛАНМА”

Бичими 84X108 1/32 184 бет.

Қаттиқ муқова

Ушбу тўпламга юнонистонлик машҳур муаррих ва адиб Плутархнинг уч асари киритилган. Булар “Искандар Мақидунли”, “Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари” ва “Келин-куёвларга насиҳатлар”дир. Сайланмани ўқинг ва Искандарнинг инсоний фазилатлари, 91 та подшоҳ ҳамда саркарданинг беш юздан ортиқ ҳикматлари, янги турмуш қурган йигит-қизларга Плутархнинг берган панд-насиҳатлари билан танишинг.

НИТШЕ  
“ЗАРДУШТ ТАВАЛЛОСИ”

Бичими 84X108 1/32 348 бет.

Қаттиқ муқова

“Зардўшт таваллоси” аллақачон адабий муҳитда ўз мавқеини топган асарлардан биридир. Китоб неча асрлар оша яшаб келаётгани ҳамда ҳар доим бадиий тафаккур эгаларининг диққат марказида бўлиб келаётганининг ўзиёқ фикримизни исботлайди.